

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ

47-сон
(963)
2020 йил
30 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

518. «Ўзбекистон касаба уюшмалари кунини белгилаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 ноябрдаги ЎРҚ–648-сон Қонуни

519. «Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 24 ноябрдаги ЎРҚ–649-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

520. «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 ноябрдаги ПФ–6118-сон Фармони

521. «Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021 — 2025 йилларга

мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 ноябрдаги ПФ-6119-сон Фармони

522. «Жаҳон банкининг Халқаро тараққиёт уюшмаси ва Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки иштирокида «Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 ноябрдаги ПҚ-4898-сон қарори
523. «Биотехнологияларни ривожлантириш ва мамлакатнинг биологик хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 ноябрдаги ПҚ-4899-сон қарори
524. «Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш, уларнинг уруғчилигини йўлга қўйишни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 ноябрдаги ПҚ-4901-сон қарори
525. «Андижон вилояти Хонобод шаҳрида «Life Khonobod» инвестиция ва туристик лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 ноябрдаги ПҚ-4902-сон қарори

Бешинчи бўлим

526. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2020 йил 12 ноябрдаги 11-сон «Ер ости бойликларини геологик ўрганиш бўйича ишлар натижалари юзасидан ҳисоботларнинг мазмуни ва тузилишига бўлган умумий талаблар тўғрисидаги йўриқномани ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 24 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 518-1*)
527. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2020 йил 12 ноябрдаги 50-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловларни тўлашни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 24 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2657-4*)
528. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2020 йил 26 ноябрдаги 256-мх-сон «Патент вакилларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»-

ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 26 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3209-1)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ****518 Ўзбекистон касаба уюшмалари кунини белгилаш
тўғрисида***

Қонунчилик палатаси томонидан
2020 йил 10 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2020 йил 20 ноябрда
маъқулланган

1-модда. 11 ноябрь Ўзбекистон касаба уюшмалари куни этиб белги-
лансин.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан куч-
га киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 23 ноябрь,
ЎРҚ-648-сон

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 24 ноябрда
эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

519 Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2020 йил 28 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2020 йил 20 ноябрда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади геном бўйича давлат рўйхатига олиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

биологик материал — одамнинг ёки вафот этган одам (мурда) та-насининг (қолдиқларининг) геномга оид ахборотга эга бўлган хужайралари, тўқималари ва ажралмалари;

биологик қариндошлар — қон-қариндошликда бўлган шахслар: ота, она, ўғил, қиз, бобо, буви, набиралар, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллар, амакиваччалар, тоғаваччалар, аммаваччалар, холаваччалар, амакилар, тоғалар, аммалар, холалар, жиянлар;

геном бўйича давлат рўйхатига олиш — биологик материални олиш, ундан фойдаланиш, уни сақлаш ва йўқ қилиш, шунингдек одамнинг шахсини, таниб олинмаган мурдани идентификация қилиш ва (ёки) биологик қариндошликни аниқлаш мақсадида геномга оид ахборотга ишлов бериш ва уни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган, давлат органлари ва муассасалари томонидан амалга ошириладиган фаолият;

геномга оид ахборот — одамнинг ёки таниб олинмаган мурданинг дезоксирибонуклеин кислотасининг (бундан буён матнда ДНК деб юрити-

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 25 ноябрда эълон қилинган.

лади) муайян қисмлари тўғрисидаги кодланган ахборотни ўз ичига олган шахсга доир маълумотлар;

геномга оид ахборотга ишлов бериш — геномга оид ахборотни йиғиш, ҳисобга олиш, тизимлаштириш, сақлаш, ўзгартириш, тўлдириш, ундан фойдаланиш, тўсиб қўйиш, эгасизлантириш, уни беришга ва йўқ қилишга қаратилган ҳаракатлар;

геномга оид ахборотни олиш — суд-экспертиза муассасалари томонидан амалга ошириладиган биологик материалдан олинган ДНКнинг муайян қисмлари тўғрисидаги кодланган ахборотни олишга қаратилган фаолият;

геномга оид ахборотдан фойдаланиш — одамнинг шахсини, таниб олинмаган мурдани идентификация қилишга ва (ёки) биологик қариндошликни аниқлашга қаратилган, геномга оид ахборот билан боғлиқ бўлган ҳаракатлар;

Геномга оид ахборотнинг ягона маълумотлар базаси — геном бўйича давлат рўйхатини амалга оширишда олинган геномга оид ахборот ва одамнинг шахси ҳақидаги маълумотлар мавжуд бўлган автоматлаштирилган ахборот тизими;

одам ДНКсининг суд-биологик экспертизаси — геномга оид ахборотни олиш, одамнинг шахсини, таниб олинмаган мурдани идентификация қилиш ва (ёки) биологик қариндошликни аниқлаш мақсадида суд-экспертиза муассасаси томонидан ўтказиладиган молекуляр-генетик усулларни қўллаган ҳолда биологик материални тадқиқ этиш тури.

4-модда. Геном бўйича давлат рўйхатига олишнинг асосий принциплари

Геном бўйича давлат рўйхатига олишнинг асосий принциплари инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши, қонунийлик, инсонпарварлик, ошкор этмасликдан иборатдир.

5-модда. Геном бўйича давлат рўйхатига олишни амалга оширишда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши

Геном бўйича давлат рўйхатига олиш инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, фуқароларнинг қонуний манфаатларига риоя этган ҳолда амалга оширилади ҳамда инсон ҳаёти ва соғлиғи учун хавф туғдирмаслиги, унинг шаъни ва қадр-қимматини камситмаслиги керак.

6-модда. Геном бўйича давлат рўйхатига олишни амалга оширишда қонунийлик принципига риоя этиш

Геном бўйича давлат рўйхатига олиш халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормалари, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

7-модда. Геном бўйича давлат рўйхатига олишни амалга оширишда инсонпарварлик принципига риоя этиш

Геном бўйича давлат рўйхатига олишни амалга ошириш инсоннинг ҳаётига, соғлиғига хавф туғдирмаслиги, унинг шаъни, кадр-қимматини камситмаслиги ва унга жисмоний азоб етказмаслиги керак.

8-модда. Геном бўйича давлат рўйхатига олишни амалга оширишда ошкор этмаслик принципига риоя этиш

Геномга оид ахборот, шунингдек геном бўйича давлат рўйхатидан ўтказилаётган одамнинг шахси ҳақидаги маълумотлар махфийдир.

Геном бўйича давлат рўйхатига олишни амалга оширишда геномга оид ахборот, шунингдек одамнинг шахси ҳақидаги маълумотларни шахснинг ёки унинг қонуний вакилининг розилигисиз ошкор қилишга йўл қўйилмайди, бундан ушбу модданинг учинчи қисмида белгиланган ҳоллар мустасно.

Геномга оид ахборотни, шунингдек одамнинг шахси ҳақидаги маълумотларни шахснинг ёки унинг қонуний вакилининг розилигисиз тақдим этишга терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширувчи органлар ва суднинг сўровларига биноан йўл қўйилади.

9-модда. Геном бўйича давлат рўйхатига олиш соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари ва муассасалари

Геном бўйича давлат рўйхатига олиш соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари ва муассасалари қуйидагилардан иборат:

терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширувчи органлар ва суд;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг, Адлия вазирлигининг, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг суд-экспертиза муассасалари (бундан буён матнда суд-экспертиза муассасалари деб юритилади).

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги геном бўйича давлат рўйхатига олиш соҳасидаги ваколатли давлат органидир.

10-модда. Терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширувчи органларнинг ҳамда суднинг геном бўйича давлат рўйхатига олиш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширувчи органлар ҳамда суд ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

биологик материални олишни (бевосита ёки мутахассисни жалб этган ҳолда) амалга ошириш;

геномга оид ахборотни олиш учун биологик материални суд-экспертиза муассасаларига юбориш;

суд-экспертиза муассасаларидан одам ДНКсининг суд-биологик экспертизаси натижаларини олиш;

одамнинг шахсини, таниб олинмаган мурдани идентификация қилиш ва (ёки) биологик қариндошликни аниқлаш, шунингдек Геномга оид ахборотнинг ягона маълумотлар базасига геномга оид ахборотни киритиш учун геномга оид ахборотни геном бўйича давлат рўйхатига олиш соҳасидаги ваколатли давлат органига юборишни суд-экспертиза муассасаларига топшириш.

Геном бўйича давлат рўйхатига олишни амалга ошириш чоғида биологик материални олишда терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширувчи органлар ва суд Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг эксперт текшируви учун намуналар олиш учун белгиланган талабларига, шунингдек ушбу Қонун талабларига риоя этиши шарт.

11-модда. Геном бўйича давлат рўйхатига олиш соҳасидаги ваколатли давлат органининг ваколатлари

Геном бўйича давлат рўйхатига олиш соҳасидаги ваколатли давлат органи ўз ваколатлари доирасида (бундан буён матнда ваколатли давлат органи деб юритилади):

Геномга оид ахборотнинг ягона маълумотлар базасини юритади;

Геномга оид ахборотнинг ягона маълумотлар базасида сақланаётган геномга оид ахборотга ишлов бериш чораларини амалга оширади;

терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширувчи органларга ва судга одамнинг шахсини, таниб олинмаган мурдани идентификация қилиш ва (ёки) биологик қариндошликни аниқлаш тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади;

геномга оид ахборотнинг бут сақланиши ва ошкор этилмаслигини таъминлайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ Геномга оид ахборотнинг ягона маълумотлар базасида сақланаётган геномга оид ахборотни муҳофаза қилиш учун ҳуқуқий, ташкилий ва техник чораларни амалга оширади.

12-модда. Суд-экспертиза муассасаларининг геном бўйича давлат рўйхатига олиш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Суд-экспертиза муассасалари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

биологик материални олишни амалга ошириш;

одам ДНКсининг суд-биологик экспертизаси натижаларига кўра геномга оид ахборотни олиш;

геномга оид ахборотдан фойдаланиш.

Суд-экспертиза муассасалари:

одам ДНКсининг суд-биологик экспертизасини қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ўтказиши;

одамнинг шахсини, таниб олинмаган мурдани идентификация қилиш ва

(ёки) биологик қариндошликни аниқлаш тўғрисидаги маълумотларни терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширувчи органларга ва судга тақдим этиши;

геномга оид ахборотнинг бут сақланиши ва ошкор этилмаслигини таъминлаши;

геном бўйича мажбурий равишда давлат рўйхатига олишни амалга оширишда геномга оид ахборотни ва биологик материалнинг ахборот картасини ваколатли давлат органига юбориши шарт.

13-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг геном бўйича давлат рўйхатига олишни амалга оширишдаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шу жумладан вояга етмаганларнинг, суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларнинг қонуний вакиллари геном бўйича давлат рўйхатига олишни амалга оширишда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

геном бўйича ихтиёрий равишда давлат рўйхатига олинишни уни амалга оширишнинг исталган босқичида рад этиш;

ўзининг геномга оид ахбороти ёки ўзи қайси шахсларнинг қонуний манфаатларини ифодаляётган бўлса, ўша шахсларнинг геномга оид ахбороти билан танишиш;

ўзининг геномга оид ахборотига ёки ўзи қайси шахсларнинг қонуний манфаатларини ифодаляётган бўлса, ўша шахсларнинг геномга оид ахборотига ишлов бериш, уни муҳофаза қилиш билан боғлиқ давлат органларининг ва мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан юқори турувчи органга (юқори турувчи мансабдор шахсга) ёки судга шикоят қилиш;

ўзининг геномга оид ахборотини ёки ўзи қайси шахсларнинг қонуний манфаатларини ифодаляётган бўлса, ўша шахсларнинг геномга оид ахборотини йўқ қилиш тўғрисида ариза бериш, бундан геном бўйича мажбурий равишда давлат рўйхатига олиниши лозим бўлган шахслар мустасно.

Геном бўйича мажбурий равишда давлат рўйхатига олиниши лозим бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар биологик материални олиш тартиб-таомилидан ўтиши шарт.

2-боб. Геном бўйича давлат рўйхатига олишни амалга ошириш

14-модда. Геном бўйича давлат рўйхатига олишни амалга ошириш тартиби

Геном бўйича давлат рўйхатига олиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

биринчи босқичда биологик материални олиш амалга оширилади;

иккинчи босқичда биологик материалдан геномга оид ахборот олинади;

учинчи босқичда геномга оид ахборот Геномга оид ахборотнинг ягона маълумотлар базасига киритилади.

15-модда. Геном бўйича давлат рўйхатига олиш турлари

Геном бўйича давлат рўйхатига олиш геном бўйича ихтиёрий равишда давлат рўйхатига олиш ва геном бўйича мажбурий равишда давлат рўйхатига олиш тарзида амалга оширилади.

16-модда. Геном бўйича ихтиёрий равишда давлат рўйхатига олишни амалга ошириш

Геном бўйича ихтиёрий равишда давлат рўйхатига олиш Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ёзма аризасига кўра пулли асосда амалга оширилади.

Вояга етмаганларни ҳамда суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларни геном бўйича ихтиёрий равишда давлат рўйхатига олиш улар қонуний вакилларининг ёзма аризасига кўра амалга оширилади.

Геном бўйича ихтиёрий равишда давлат рўйхатига олишни амалга оширганлик учун ҳақ тўлаш тартиби ва миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Геном бўйича ихтиёрий равишда давлат рўйхатига олишни амалга ошириш натижасида келиб тушган маблағлар Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига йўналтирилади.

Бедарак йўқолган шахсларни қидиришга кўмаклашиш мақсадида уларнинг биологик қариндошлари бепул асосда геном бўйича ихтиёрий равишда давлат рўйхатига олишдан ўтиши мумкин.

17-модда. Геном бўйича мажбурий равишда давлат рўйхатига олишни амалга ошириш

Қуйидагилар геном бўйича мажбурий равишда давлат рўйхатига олиниши лозим:

оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этишда гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида жалб қилинган шахслар;

оғир, ўта оғир жиноятларни содир этганлик, жинсий эркинликка қарши жиноятлар, ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш ва ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиш билан боғлиқ жиноятларни содир этганлик учун ҳукм қилинган шахслар (бундан буён матнда геном бўйича мажбурий равишда давлат рўйхатига олиниши лозим бўлган ҳукм қилинган шахслар деб юритилади);

биологик материали терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов жараёнида олинган аниқланмаган шахслар;

таниб олинмаган мурдалар (тана қолдиқлари, қисмлари).

**3-боб. Биологик материални олиш, ундан фойдаланиш,
уни сақлаш, бериш ва йўқ қилиш**

18-модда. Биологик материални олиш ва ундан фойдаланиш

Геном бўйича давлат рўйхатига олишни амалга оширишда биологик материални олиш:

геном бўйича мажбурий равишда давлат рўйхатига олиниши лозим бўлган, ҳукм қилинган шахслардан — ички ишлар органларининг мансабдор шахси томонидан бевосита ёки мутахассисни жалб этган ҳолда;

оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этишда гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида жалб қилинган шахслардан — терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси томонидан бевосита ёки мутахассисни жалб этган ҳолда;

биологик материали терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов жараёнида олинган аниқланмаган шахслардан — терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси томонидан бевосита ёки мутахассисни жалб этган ҳолда;

таниб олинмаган мурдалардан (тана қолдиқларидан, қисмларидан) — терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси томонидан бевосита ёки мутахассисни жалб этган ҳолда;

геном бўйича ихтиёрий равишда давлат рўйхатидан ўтаётган шахслардан — суд-экспертиза муассасаларининг мутахассислари томонидан амалга оширилади.

Бедарак йўқолган шахсларнинг биологик қариндошлари бўлган вояга етмаганлардан ҳамда суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслардан биологик материал олиш улар қонуний вакилларининг ёзма розилигига кўра ва уларнинг ҳозирлигида амалга оширилади.

Биологик материални олишни амалга оширишда геном бўйича давлат рўйхатига олиниши лозим бўлган шахсга биологик материални олишни ўтказиш асоси ва тартиби тушунтирилади.

Биологик материал дастлаб лозим бўлмаган даражада, геномга оид ахборот олишни истисно этадиган тарзда олинган тақдирда суд-экспертиза муассасаларининг ёзма сўровига биноан такрорий олиш амалга оширилади.

Илгари геном бўйича давлат рўйхатидан ўтган шахс ҳукм қилинган тақдирда, геном бўйича давлат рўйхатига олишни амалга ошириш учун биологик материал олинмайди.

Геном бўйича давлат рўйхатига олишни амалга оширишда олинган биологик материалдан фақат геномга оид ахборот олиш учун фойдаланилади.

Геном бўйича давлат рўйхатига олишни амалга оширишда биологик материални олиш ва ундан фойдаланиш тегишли тайёргарликка эга бўлган шахслар томонидан ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларнинг соғлиғига зарар етказилишини истисно қиладиган, биологик мате-

риални олишнинг барча нормалари ҳамда қоидаларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

19-модда. Биологик материалнинг ахборот картаси

Геном бўйича давлат рўйхатига олишни амалга ошириш чоғида биологик материал олишда ушбу биологик материални олишни амалга оширувчи шахслар томонидан ўзида биологик материални олиш амалга оширилаётган ҳар бир шахсга нисбатан биологик материалнинг ахборот картаси тўлдирилади.

Биологик материалнинг ахборот картаси икки нусхада расмийлаштирилади. Унинг бир нусхаси биологик материални олишни амалга оширувчи давлат органида қолади, иккинчи нусхаси геномга оид ахборотни олиш учун биологик материал билан бирга суд-экспертиза муассасасига юборилади.

Биологик материал суд-экспертиза муассасаси томонидан олинган тақдирда, биологик материалнинг ахборот картаси бир нусхаси суд-экспертиза муассасасида қолади, иккинчи нусхаси геномга оид ахборот билан бирга ваколатли давлат органига юборилади.

Биологик материалнинг ахборот картаси ва геномга оид ахборот Геномга оид ахборотнинг ягона маълумотлар базасига киритиш учун суд-экспертиза муассасаси томонидан ваколатли давлат органига юборилади.

Оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этишда гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида жалб қилинган шахслардан, шунингдек геном бўйича мажбурий равишда давлат рўйхатига олиниши лозим бўлган, ҳукм қилинган шахслардан биологик материални олиш чоғида биологик материалнинг ахборот картасига қуйидаги маълумотлар киритилади:

жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми (мавжуд бўлган тақдирда), фуқаролиги, миллати, жинси, туғилган санаси ва жойи, доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маълумотлар, шахсий идентификация рақами (мавжуд бўлган тақдирда) ёки шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг номи ва рақами;

биологик материални олишни амалга оширувчи давлат органининг номи;

биологик материални олишни ўтказиш санаси ва асоси;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг шахс ҳукм қилинган моддаси, бундан ишда оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этишда гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида жалб қилинган шахслар мустасно;

биологик материални олишни амалга оширувчи шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми (мавжуд бўлган тақдирда), лавозими ва имзоси.

Биологик материалнинг ахборот картаси биологик материал олинган шахс ёки унинг қонуний вакили томонидан имзоланади. Имзо қўйиш рад этилган тақдирда, бу ҳақда унда ёзиб қўйилади.

Биологик материали терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов жараёнида олинган аниқланмаган шахсларни геном бўйича давлат рўйхатига олишни амалга ошириш чоғида биологик материални олишда ушбу модда бешинчи қисмининг учинчи, тўртинчи ва олтинчи хатбоши-

ларида назарда тутилган маълумотлар, шунингдек жиноят ишининг рақами (мавжуд бўлган тақдирда), жиноятни квалификация қилиш, ҳодисанинг санаси ва жойи тўғрисидаги маълумот биологик материалнинг ахборот картасига киритилади.

Таниб олинмаган мурдаларни (тана қолдиқларини, қисмларини) геном бўйича давлат рўйхатига олишни амалга ошириш чоғида биологик материални олишда ушбу модда бешинчи қисмининг учинчи, тўртинчи ва олтинчи хатбошиларида назарда тутилган маълумотлар, шунингдек таниб олинмаган мурда (тана қолдиқлари, қисмлари) аниқланган сана ва жой, унинг жинси, алоҳида белгилари ва ўлими сабаблари (аниқланган тақдирда) ахборот картасига киритилади. Биологик материалнинг ахборот картасига процессуал ҳаракат баённомасининг кўчирма нусхаси илова қилинади.

Бедарак йўқолган шахсларнинг биологик қариндошларидан геном бўйича давлат рўйхатига олишни амалга ошириш чоғида биологик материал олишда ушбу модда бешинчи қисмининг иккинчи, учинчи, тўртинчи ва олтинчи хатбошиларида назарда тутилган маълумотлар биологик материалнинг ахборот картасига киритилади. Биологик материалнинг ахборот процессуал ҳаракат баённомасининг кўчирма нусхаси илова қилинади.

Геном бўйича ихтиёрий равишда давлат рўйхатига олишни амалга ошириш чоғида биологик материални олишда ушбу модда бешинчи қисмининг иккинчи, учинчи, тўртинчи ва олтинчи хатбошиларида назарда тутилган маълумотлар биологик материалнинг ахборот картасига киритилади.

20-модда. Биологик материални сақлаш муддатлари

Таниб олинмаган мурдаларнинг, оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этишда гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида жалб қилинган шахсларнинг, шунингдек биологик материали терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов жараёнида олинган аниқланмаган шахсларнинг биологик материаллини сақлаш муддатлари Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида белгиланган тартибда аниқланади.

Геном бўйича мажбурий равишда давлат рўйхатига олиниши лозим бўлган ҳукм қилинган шахсларни геном бўйича давлат рўйхатига олишни амалга оширишда олинган биологик материал олинган кундан эътиборан то ушбу материалдан геномга оид ахборот олингунига қадар сақланади.

21-модда. Биологик материални бериш

Биологик материал терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширувчи бир органдан ҳамда суддан бошқа органга ва судга Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида белгиланган тартибда берилиши мумкин.

Биологик материални учинчи шахсларга бериш тақиқланади.

Биологик материални Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига бериш тақиқланади, бундан биологик материалнинг алоҳида жиноят ишла-

ри доирасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва қонунларига мувофиқ берилиши мустасно.

22-модда. Биологик материални йўқ қилиш

Биологик материални тиклаш мумкин бўлмай қолишига олиб келадиган ҳаракатлар биологик материални йўқ қилишдир.

Бедарак йўқолган шахслар биологик қариндошларининг, таниб олинмаган мурдаларнинг (тана қолдиқлари, қисмларининг), оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этишда гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида жалб қилинган шахсларнинг, шунингдек аниқланмаган шахсларнинг терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов жараёнида олинган ҳамда жиноят иши бўйича ашёвий далил деб топилган биологик материали геномга оид ахборот олинганидан кейин терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширувчи давлат органларига қайтарилади.

Геном бўйича мажбурий равишда давлат рўйхатига олиниши лозим бўлган ҳукм қилинган шахсларни геном бўйича давлат рўйхатига олишни амалга оширишда олинган биологик материал ундан геномга оид ахборот олинганидан кейин, уни йўқ қилиб ташлаш тўғрисида қуйидагилар кўрсатилган ҳолда далолатнома тузилиб, йўқ қилинади:

биологик материални йўқ қилиш санаси;

жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми (мавжуд бўлган тақдирда), жинси, туғилган санаси ва жойи, шахсий идентификация рақами (мавжуд бўлган тақдирда) ёки шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг номи ва рақами;

йўқ қилиш усули;

биологик материални йўқ қилишни амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми (мавжуд бўлган тақдирда), лавозими ва имзоси.

Геном бўйича ихтиёрий равишда давлат рўйхатига олишни амалга оширишда олинган биологик материал геномга оид ахборот олинганидан кейин биологик материал эгасининг ёки унинг қонуний вакилининг ёзма аризасига кўра унга ёки унинг қонуний вакилига қайтарилади ёхуд йўқ қилинади, бу ҳақда аризачи ёзма тарзда хабардор қилинади.

4-боб. Геномга оид ахборотга ишлов бериш ва уни муҳофаза қилиш

23-модда. Геномга оид ахборотга ишлов бериш ва уни муҳофаза қилишга доир асосий талаблар

Геномга оид ахборотга ишлов бериш шарт-шароитлари унинг йўқотилиши, бузилиши ва ундан рухсатсиз фойдаланилиши, худди шунингдек қонунга ҳилоф равишда ва (ёки) беҳосдан фойдаланилиши ва (ёки) геномга оид ахборот мавжуд бўлган электрон ахборот ресурсларига таъсир кўрсатилиши имкониятини истисно этиши керак.

Геномга оид ахборотга ишлов бериш фақат олинган маълумотларнинг муҳофаза қилинишини таъминлаш бўйича шарт-шароитлар мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади.

Геномга оид ахборотни муҳофаза қилиш давлат томонидан кафолатланади.

24-модда. Геномга оид ахборотни йиғиш, ҳисобга олиш, тизимлаштириш ва сақлаш

Геномга оид ахборотни йиғиш, ҳисобга олиш, тизимлаштириш ва сақлаш геномга оид ахборотга ишлов бериш бўйича автоматлаштирилган идентификация тизимларидан фойдаланган ҳолда, Геномга оид ахборотнинг ягона маълумотлар базасини шакллантириш йўли билан ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

Геномга оид ахборотни ҳисобга олиш ва сақлаш Геномга оид ахборотнинг ягона маълумотлар базасида амалга оширилади.

25-модда. Геномга оид ахборотни сақлаш муддатлари

Геном бўйича давлат рўйхатига олишни амалга оширишда қуйидагиларнинг:

бедарак йўқолган шахслар биологик қариндошлардан олинган геномга оид ахборот — бедарак йўқолган шахснинг қидируви тугагунига қадар ёки унинг вафот этганлиги факти аниқлангунига қадар, бироқ Геномга оид ахборотнинг ягона маълумотлар базасига геномга оид ахборот киритилган кундан эътиборан кўпи билан етмиш беш йил сақланади;

геном бўйича ихтиёрий равишда давлат рўйхатидан ўтган шахслардан, шу жумладан вояга етмаганларнинг ва суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслардан олинган геномга оид ахборот — ариза берувчининг ёки унинг қонуний вакилининг ёзма аризасида кўрсатилган муддат мобайнида сақланади;

оғир, ўта оғир жиноятларни содир этишда гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида жалб қилинган, шунингдек геном бўйича мажбурий равишда давлат рўйхатига олиниши лозим бўлган ҳукм қилинган шахслардан олинган геномга оид ахборот — биологик ўлим юз берганлиги факти аниқланганига ёхуд шахс суд томонидан вафот этган деб топилганига қадар, уларнинг ўлими тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлмаган тақдирда эса — улар юз ёшга тўлиши мумкин бўлган санага қадар сақланади;

биологик материали терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов жараёнида олинган аниқланмаган шахслардан олинган геномга оид ахборот — шахсни жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтгунига қадар сақланади;

таниб олинмаган мурдаларнинг (тана қолдиқларининг, қисмларининг) биологик материалидан олинган геномга оид ахборот — одамнинг шахси аниқлангунига қадар, бироқ Геномга оид ахборотнинг ягона маълумотлар базасига геномга оид ахборот киритилган кундан эътиборан кўпи билан етмиш беш йил сақланади.

26-модда. Геномга оид ахборотнинг ягона маълумотлар базасида сақланаётган геном бўйича давлат рўйхатидан ўтган одамнинг шахси ҳақидаги маълумотларга ўзгартиш ва (ёки) қўшимча киритиш

Геномга оид ахборотнинг ягона маълумотлар базасида сақланаётган геном бўйича давлат рўйхатидан ўтган одамнинг шахси ҳақидаги маълумотларга ўзгартиш ва (ёки) қўшимча киритиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

исми, отасининг исми, фамилияси, туғилган санаси, миллати, жинси ўзгарганда;

нотўғри ва ишончсиз (хато) маълумотлар мавжудлиги факти аниқланганда.

Геномга оид ахборотнинг ягона маълумотлар базасида сақланаётган геном бўйича давлат рўйхатидан ўтган одамнинг шахси ҳақидаги маълумотларга ўзгартиш ва (ёки) қўшимча киритиш ишончли маълумотлар ва (ёки) тасдиқловчи ҳужжатлар асосида ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

Илгари геном бўйича рўйхатдан ўтган шахснинг шахсга доир маълумотларига ўзгартиш ва (ёки) қўшимчалар киритилганлиги тўғрисида ахборот ва (ёки) тасдиқловчи ҳужжатлар келиб тушганда ваколатли давлат органи Геномга оид ахборотнинг ягона маълумотлар базасига уч иш кунидан кечиктирмай тегишли ўзгартиш ва (ёки) қўшимчалар киритади.

Геномга оид ахборотнинг ягона маълумотлар базасида сақланаётган маълумотларга ўзгартиш ва (ёки) қўшимча киритилганидан кейин олдинги маълумотлар белгиланган тартибда архивлаштирилади.

27-модда. Геномга оид ахборотдан фойдаланиш

Геном бўйича давлат рўйхатига олишни амалга оширишда олинган геномга оид ахборотдан:

жиноятларнинг олдини олиш, уларни очиш ва тергов қилиш, шунингдек уларни содир этган шахсларни фош этиш ва аниқлаш;

бедарак йўқолган шахсларни қидириш;

таниб олинмаган мурдаларнинг (тана қолдиқларининг, қисмларининг) шахсини аниқлаш;

биологик қариндошликни аниқлаш мақсадларида фойдаланилади.

28-модда. Геномга оид ахборотнинг ягона маълумотлар базасида сақланаётган геномга оид ахборотни тўсиб қўйиш, эгасизлантириш

Геномга оид ахборотни тўсиб қўйиш геномга оид ахборотни йиғишни, ўзгартиришни, тўлдиришни, ундан фойдаланишни, уни беришни, эгасизлантиришни, йўқ қилишни тўхтатиб туришга доир ҳаракатлар ҳисобланади.

Геномга оид ахборотнинг ягона маълумотлар базасида сақланаётган геномга оид ахборотни тўсиб қўйиш ваколатли давлат органи томонидан

унга ишлов бериш шарт-шароитлари бузилганлиги тўғрисида ахборот мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади. Тўсиб қўйиш текшириш тадбирлари ўтказилганидан ва аниқланган бузилишлар бартараф этилганидан кейин бекор қилинади.

Геномга оид ахборотнинг муайян шахсга тааллуқлилигини қўшимча ахборотдан фойдаланмаган ҳолда аниқлаш мумкин бўлмай қолишига олиб келувчи ҳаракатлар геномга оид ахборотни эгасизлантиришдир.

Ваколатли давлат органи геномга оид ахборотни бериш ҳолларида унинг химояланганлик даражасини ошириш ва эҳтимол тutilган зарарланиш даражасини пасайтириш мақсадида Геномга оид ахборотнинг ягона маълумотлар базасида сақланаётган геномга оид ахборотни эгасизлантиришни амалга оширади.

Геномга оид ахборотнинг ягона маълумотлар базасида сақланаётган геномга оид ахборотни тўсиб қўйиш ва (ёки) эгасизлантириш, шунингдек тўсиб қўйишни ва (ёки) эгасизлантиришни бекор қилиш терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширувчи органларнинг ва суднинг ёзма топшириқлари асосида ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

29-модда. Геномга оид ахборотни бериш

Геномга оид ахборотнинг ягона маълумотлар базасида сақланаётган геномга оид ахборотни терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширувчи органларга ва судга бериш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Геномга оид ахборотни учинчи шахсларга бериш тақиқланади.

Геномга оид ахборотни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига бериш тақиқланади, бундан геномга оид ахборотни алоҳида жиноят ишлари доирасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва қонунларига мувофиқ бериш ҳоллари мустасно.

30-модда. Геномга оид ахборотни йўқ қилиш

Геномга оид ахборотни тиклаш мумкин бўлмай қолишига олиб келадиган ҳаракатлар геномга оид ахборотни йўқ қилишдир.

Геном бўйича давлат рўйхатига олишни амалга оширишда олинган геномга оид ахборот у ваколатли давлат органига берилганидан кейин суд-экспертиза муассасаси томонидан йўқ қилинади.

Геномга оид ахборот геном бўйича ихтиёрий равишда давлат рўйхатига олишдан ўтган шахсларнинг ёхуд вояга етмаганлар ва суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар қонуний вакилларининг ёзма аризаси асосида ҳам суд-экспертиза муассасаси ёки ваколатли давлат органи томонидан йўқ қилинади.

Геномга оид ахборотнинг ягона маълумотлар базасида сақланаётган геном бўйича мажбурий равишда давлат рўйхатига олинган оқланган шахснинг геномга оид ахбороти суднинг оқлов ҳукми қонуний кучга кирганидан кейин йўқ қилинади.

Геномга оид ахборотнинг ягона маълумотлар базасида сақланаётган геномга оид ахборот ушбу Қонуннинг 25-моддасида назарда тутилган сақлаш муддатлари ўтгач, ваколатли давлат органи томонидан ўттиз кун ичида йўқ қилинади.

5-боб. Якунловчи қоидалар

31-модда. Геном бўйича мажбурий равишда давлат рўйхати-га олишни амалга оширишга доир тадбирларни молиялаштириш

Геном бўйича мажбурий равишда давлат рўйхатига олишга доир тадбирларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

32-модда. Геном бўйича давлат рўйхатига олишни амалга оширувчи давлат органларининг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш

Геном бўйича давлат рўйхатига олишни амалга оширувчи органларнинг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ёхуд судга шикоят қилиниши мумкин.

33-модда. Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

34-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

35-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳукукий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

36-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун 2023 йил 1 январдан эътиборан кучга кириди.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 24 ноябрь,
ЎРҚ-649-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

520 Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш чора- тадбирлари тўғрисида*

Сўнгги йилларда мамлакатимизда суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини илғор хорижий тажриба асосида такомиллаштириш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Айни пайтда, фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш, суд ҳокимиятининг нуфузи ва таъсирчанлигини кучайтириш мақсадида суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижросининг самарадорлигини янада ошириш тақозо этилмоқда.

Бу борада, Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси (кейинги ўринларда — Бюро) тузилмаси ҳамда ваколатларини мақбуллаштириш, унинг иш услубини тубдан қайта кўриб чиқиш, манфаатдор вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш зарурияти юзага келди.

Фуқаролар ва тадбиркорлар ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ўз вақтида ва сифатли ижро этишнинг самарали механизмларини жорий этиш, аҳолининг одил судловга ишончини янада мустаҳкамлаш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурига мувофиқ:

1. Белгилансинки:

Бюро ўз фаолиятини марказлашганлик тамойилига мувофиқ қўйи турувчи раҳбарларнинг юқори турувчи раҳбарларга бўйсунishi ва ҳисобдорлиги асосида амалга оширади;

Бюро директори ўз фаолиятида бевосита Бош прокурорга бўйсунadi ва ҳисобдор бўлади ҳамда Бош прокурор Бюро фаолиятининг натижадорлиги бўйича масъул ҳисобланади;

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг мажбурий ижроси жараёнига аралашиш, яъни, суд ҳужжатининг ижро этилишига тўсқинлик қилиш мақсадида давлат ижрочисига ноқонуний топшириқлар бериш ёхуд бошқа шаклда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиш тақиқланади.

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 25 ноябрда эълон қилинган.

2. Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самарадорлигини ошириш бўйича республика кенгаши (кейинги ўринларда — Республика кенгаши) 1-иловага* мувофиқ таркибда, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самарадорлигини ошириш бўйича ҳудудий кенгашлар (кейинги ўринларда — ҳудудий кенгашлар) 2-иловага* мувофиқ намунавий таркибда ташкил этилсин.

Қуйидагилар Республика кенгашининг (Н.Т. Йўлдошев) асосий вазифалари этиб белгилансин:

ижро ҳужжатларининг мажбурий ижросини таъминлаш жараёнида юзага келаётган муаммоларнинг сабаб ва шарт-шароитларини муҳокама қилиш ҳамда уларни бартараф этиш ва келгусида олдини олишни таъминлаш, Бюро органлари, шунингдек, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари томонидан амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларни белгилаш ва уларнинг ижросини назорат қилиш;

ижро ҳужжатларининг мажбурий ижросини таъминлаш жараёнида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда бошқа давлат органлари ва ташкилотларининг ҳамкорлиги, тегишли давлат органлари томонидан мажбурий ижро органларига тақдим қилинаётган ижро ҳужжатларининг миқдори ва сифати билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш;

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самарадорлигини оширишга оид бошқа масалаларни кўриб чиқиш.

Қуйидагилар ҳудудий кенгашларнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Бюронинг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари ҳамда бошқа ҳудудий идора ва ташкилотлар раҳбарларининг суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш ҳолати бўйича ахборотини тинглаш;

давлат ёки давлат органлари фойдасига ёхуд улар манфаатларини кўзлаб берилган ижро ҳужжатларини ижросиз қайтариб олиш ҳолатларини бирма-бир муҳокама қилиш. Бунда, асосиз қайтариб олиш ҳолатларига йўл қўйган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича юқори турувчи ташкилотларга тавсиялар киритиш;

мажбурий ижро ҳаракатлари жараёнида зиддиятли ва низоли ҳолатларни келтириб чиқарадиган сабаб ва омилларни аниқлаш, уларни бартараф этиш чораларини кўриш. Бундай жараёнларга халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари депутатларини, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакилларини кенг жалб этиш чораларини кўриш;

ёрдамга муҳтож ва оғир аҳволга тушиб қолган қарздорларнинг манзилли рўйхатларини тузиб, улар билан якка тартибда ишлаш, жумладан, уларга амалий ёрдам кўрсатиш ва бандлигини таъминлашда қўмаклашиш;

ижро ҳужжатлари бўйича хатланган мол-мулкларни сотиш учун туман ва шаҳарлардаги аҳоли гавжум бозорлар ҳамда савдо марказларида ярмаркалар ташкил этиш чораларини кўриш;

қарздор — бюджет ташкилотларидан пул маблағлари ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари бўйича уларнинг маблағлари етарли бўлмаган

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ҳолларда, қарздорликни маҳаллий бюджет даромадларининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан қоплаш тўғрисида таклифлар киритиш;

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самардорлигини оширишга оид бошқа масалаларни кўриб чиқиш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Бюро ва унинг ҳудудий бошқармалари тегишлича Республика кенгаши ва ҳудудий кенгашларнинг ишчи органи ҳисобланади;

Республика кенгаши ва ҳудудий кенгашлар йиғилишлари ҳар ойда камида бир маротаба ўтказилади. Республика кенгаши ва ҳудудий кенгашлар йиғилишларига давлат органлари раҳбарлари, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари таклиф этилиши мумкин;

ҳудудий кенгашлар ўз фаолияти тўғрисида ҳар ойда Республика кенгашига ҳисобот беради;

Бюро ҳудудий кенгашлар билан биргаликда тизимли равишда иш юритувидаги ижро ҳужжатларини хатловдан ўтказиб боради;

Республика кенгаши ва ҳудудий кенгашлар суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижросини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилишга ёки бошқа шаклда кўрсатмалар беришга ҳақли эмас.

Республика кенгаши ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш ҳолати бўйича ахборот киритиб борсин.

4. 2021 йил 1 январдан бошлаб Бюро ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари бошлиқлари ўз фаолияти тўғрисида тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ҳар ярим йилда ҳисобот тақдим этиб борсин.

Олий Мажлис Сенати, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари Бюро органларининг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни чуқур таҳлиллар асосида танқидий муҳокама қилишни ташкил этсин.

5. Ижро ҳужжатлари Бюро органлари иш юритувида ҳудуд ва тоифаларга қўйидаги тартибда тааллуқли бўлиши белгилансин:

а) Бюронинг марказий аппарати:

турли вилоятларда жойлашган бир нечта қарздорларга, шу жумладан, солидар қарздорларга нисбатан берилган ижро ҳужжатлари;

ижро ҳужжати мажбурий ижро этиш учун тақдим этилган санада белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 000 баравари ва ундан ортиқ суммани ундиришни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари;

хорижий давлатлар, уларнинг давлат органлари, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, халқаро ҳукумат ташкилотлари ва уларнинг ваколатхоналари, шунингдек, уларнинг дипломатик иммунитетга эга бўлган ходимларига нисбатан берилган ижро ҳужжатлари;

Бош давлат ижрочиси ёки унинг ўринбосари қарорига кўра Бюронинг ҳудудий органлари иш юритуvidан марказий аппарат иш юритуvига олинган ва алоҳида муҳим аҳамиятга эга бўлган ижро ҳужжатлари;

б) Бюронинг ҳудудий бошқармаларига:

турли туман (шаҳар)ларда жойлашган бир нечта қарздорларга, шу жумладан, солидар қарздорларга нисбатан берилган ижро ҳужжатлари;

ижро ҳужжати мажбурий ижро этиш учун тақдим этилган санада белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 000 бараваридан 100 000 бараваригача суммани ундиришни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари;

ижро ҳужжати бўйича қарздор-юрidik шахс хорижий давлатнинг резиденти ҳисобланган ижро ҳужжатлари;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Бош давлат ижрочилари ёки уларнинг ўринбосарлари қарорига кўра Бюронинг туман (шаҳар) бўлимлари иш юритуvidан ҳудудий бошқарма иш юритуviга олинган ва алоҳида муҳим аҳамиятга эга бўлган ижро ҳужжатлари;

в) Бюронинг туман (шаҳар) бўлимларига — мазкур банднинг «а» ва «б» кичик бандларида назарда тутилмаган бошқа ижро ҳужжатлари.

Белгилансинки, мажбурий ижро ҳаракатларини амалга ошириш жараёнида қонунийликни таъминлаш мақсадида мазкур бандда назарда тутилган тааллуқлилиқдан қатъи назар, ижро ҳужжати:

Бош прокурорнинг топшириғига ёки Бош давлат ижрочисининг қарорига асосан Бюро марказий аппарати ёки муайян Бюро органи иш юритуviга;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Бош давлат ижрочилари ва уларнинг ўринбосарлари қарорларига асосан Бюронинг ҳудудий бошқармаси ёки тегишли ҳудуддаги Бюронинг туман (шаҳар) бўлими иш юритуviга олиб берилиши мумкин.

6. Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларига асосан вояга етмаган фарзандларнинг моддий таъминоти учун алимент пулларини ҳисоблаш ва тўлаш тартиб-таомиллари устидан қатъий назорат ўрнатиш мақсадида:

а) Бош прокуратура ва Олий суднинг Алимент мажбуриятларини ижро этиш ва назорат қилишнинг ягона ахборот тизимини яратиш ҳамда алимент мажбуриятлари бўйича алоҳида банк ҳисобварағини очиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин;

б) 2021 йил 1 мартдан бошлаб қуйидаги тартиб ўрнатилсин:

ижро ҳужжатлари бўйича алимент мажбуриятларини бажариш қарздорлар томонидан Алимент мажбуриятларини ижро этиш ва назорат қилишнинг ягона ахборот тизими орқали амалга оширилади;

Алимент мажбуриятларини ижро этиш ва назорат қилишнинг ягона ахборот тизими алимент мажбуриятлари бўйича алоҳида банк ҳисобварағи билан интеграция қилинади. Бунда Бюро томонидан ижро ҳужжатлари бўйича ундирувчи (алимент олувчи) номига тегишли банк картаси расмийлаштирилади ҳамда алимент пуллари, шу жумладан, қарздорнинг иш ҳақидан ушлаб қолинган алимент пуллари ушбу алимент мажбуриятлари бўйича алоҳида банк ҳисобварағи орқали мазкур банк картасига ўтказилади.

Бош вазир маслаҳатчиси (О.М. Умаров) Алимент мажбуриятларини ижро этиш ва назорат қилишнинг ягона ахборот тизимини жорий этишга масъул этиб белгилансин.

7. Бош прокуратура (Н.Т. Йўлдошев) манфаатдор вазирлик ва идора-лар билан биргаликда уч ой муддатда қонун ҳужжатларига суд ҳужжатла-ри бажарилиши бўйича давлатнинг мажбурлов кучини сафарбар қилмаган ҳолда уларнинг ихтиёрий ижро қилинишини янада кенг татбиқ этишга қаратилган қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчаларни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Адми-нистрациясига киритсин:

а) жарима тариқасидаги жиноий жазони маҳкум томонидан ҳукм қону-ний кучга кирган кундан бошлаб уч ой муддатда (вояга етмаган шахслар учун — олти ой муддатда) давлат ижросиси назорати остида ихтиёрий ижро этиш. Бунда маҳкумнинг жиноий жазо тариқасида тайинланган жаримани белгиланган муддатда ихтиёрий тўлашдан бўйин товлаши жариманинг тўлан-маган қисмини мажбурий жамоат ишлари, хизмат бўйича чеклаш, озодлик-ни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш каби бошқа жиноий жазо тур-ларига ўзгартиришга сабаб бўлади;

б) айрим тоифадаги суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари-нинг ижросини таъминлаш чоралари натижасиз бўлган тақдирда, мазкур ҳужжатларни охириги чора сифатида мажбурий ижро органларига тақдим этиш тартибини жорий этиш, жумладан:

юридик шахсдан пул маблағларини ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжат-лари — ижро ҳужжати ундирувчи томонидан қарздор — юридик шахсга хизмат кўрсатувчи банк муассасасига ижросини таъминлаш учун тақдим этилгандан сўнг (Давлат бюджетига ундирувларни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бундан мустасно);

давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг юзага келадиган мулкӣ ҳуқуқларни белгилаш ёки уларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ижро ҳуж-жатлари — ижро ҳужжати ундирувчи томонидан тегишли мулкӣ ҳуқуқлар-ни давлат рўйхатидан ўтказувчи давлат органлари ва ташкилотларига иж-росини таъминлаш учун тақдим этилгандан сўнг;

қимматли қоғозларга бўлган эғалик ҳуқуқини белгилашни ёки қимматли қоғозларнинг миқдори ва тоифасида аниқланадиган юридик шахслардаги улушни белгилашни ёхуд қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқни ҳисобга олиш мажбуриятини юклашни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари — қим-матли қоғозга бўлган эғалик ҳуқуқини ижро ҳужжатида назарда тутилган шахс номига ҳисобга қўйиш мақсадида ижро ҳужжати ундирувчи томони-дан ваколатли ташкилотга ижросини таъминлаш учун тақдим этилгандан сўнг;

ишга тиклаш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари — ижро ҳужжати унди-рувчи томонидан ишга тиклаш ваколатига эга бўлган иш берувчига ижро-сини таъминлаш учун тақдим этилгандан сўнг;

иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ундиришни назарда ту-тувчи ижро ҳужжатлари — ижро ҳужжати ундирувчи томонидан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни амалга ошириши лозим бўлган тегишли ташкилотга ижросини таъминлаш учун тақдим этилгандан сўнг;

қарздор — давлат органи (ташкilotи) ёки унинг мансабдор шахслари

(ижро ҳужжати мансабдор шахсининг давлат органи ва ташкилотидаги хизмат вазифаси ва мажбуриятига тааллуқли бўлса) бўлган ёхуд уларга мажбурият юклашни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари — ижро ҳужжати ундирувчи томонидан қарздор — давлат органи (ташкilotи) ёки унинг мансабдор шахсига ёхуд ижро ҳужжатида мажбурият юклатилган давлат органи (ташкilotи) ёки унинг мансабдор шахсига ижросини таъминлаш учун тақдим этилгандан сўнг;

истеъмол қилинган энергия ресурслари ва ичимлик суви учун мажбурий тўловларни ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари — ижро ҳужжати бериш тўғрисидаги ариза ваколатли орган ёки мансабдор шахсга берилгунига қадар истеъмолчи энергия ресурслари тармоқлари ва сув таъминотидан узилганлигини (қонунчиликка мувофиқ тармоқдан узиш мумкин бўлмаган истеъмолчилар бундан мустасно) тасдиқловчи ҳужжатни ижро ҳужжатига илова қилган тақдирда;

маъмурий жарима қўллаш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари — ижро ҳужжати жаримани унинг иш ҳақи ёки бошқа маошидан, нафақасидан ёки стипендиясидан ушлаб қолиш орқали ижро ҳужжати ижросини таъминлаш учун тегишли иш ҳақи ёки бошқа маошни, нафақа ёки стипендияни тўлашни амалга оширувчи ташкilotга тақдим этилгандан сўнг, ҳуқуқбузар ишламаётган ёки унинг иш жойи номаълум бўлган ҳолатлар бундан мустасно. Ушбу тартиб суднинг маъмурий жарима қўллаш тўғрисидаги ижро ҳужжатларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Мазкур кичик бандда назарда тутилган ижро ҳужжатлари улар тақдим этилган ташкilot ва мансабдор шахслар томонидан, агар ижро ҳужжатида бошқа муддат кўрсатилмаган бўлса, улар тақдим этилган кундан бошлаб ўн беш кун муддат ичида, банкка тақдим этилган тақдирда — кейинги иш кунидан кечиктирмай ижро этилади. Ушбу тоифадаги ижро ҳужжатлари талаблари мазкур кичик бандда кўрсатилган ташкilotлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан узрли сабабларсиз ижро этилмаслиги ушбу шахсларни қонунда белгиланган жавобгарликка тортишга ҳамда ижро ҳужжатларини қонунчиликда белгиланган тартибда мажбурий равишда ижро этиш чораларини кўришга сабаб бўлади;

в) қарздор муомалага лаёқатсиз деб топилганлиги муносабати билан ва ундирувчи илтимосига кўра ижро иши юритишни тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилиш ваколатини судлардан давлат ижрочисига ўтказиш;

г) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилга ва Савдо-саноат палатасига ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмаларига давлат даромадига ундиришни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бўйича қарздор — тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини кўзлаб ижро ҳужжатлари юзасидан ижрони кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб ижро этиш тўғрисидаги ариза билан судга ва ижро ҳужжатини берган бошқа органга мурожаат этиш ҳуқуқини бериш;

д) қонун ҳужжатларида назарда тутилган йирик битимларни тузишда, айрим турдаги молия-кредит хизматлари, халқаро йўловчи ташиш хизмат-

лари ва давлат хизматларини кўрсатишда ижро ҳужжатлари бўйича қарздорлик мавжудлигини белгиланган тартибда текширмаганлик учун маъмурий жавобгарликни белгилаш;

е) суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг мажбурий ижроси жараёнига аралашганлик учун жиноий жавобгарликни белгилаш.

8. Белгилаб қўйилсинки, 2021 йил 1 мартдан бошлаб:

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари мажбурий ижроси доирасида мол-мулкни шартнома-воситачилик асосларида сотиш фақатгина мол-мулкни қабул қилишдан уни сотишгача бўлган жараёнларни масофавий мониторинг қилиш электрон тизимини жорий қилган савдо ташкилотлари томонидан амалга оширилади;

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари мажбурий ижроси доирасида мол-мулкни шартнома-воситачилик асосларида сотиш бўйича савдо дўконларини танлаб олишда мол-мулкни интернет-дўконлар орқали сотишни амалга оширувчи савдо ташкилотларига устунлик берилади.

Бош прокуратура (Н.Т. Йўлдошев) 2021 йил 1 февралга қадар ижро ҳужжатлари бўйича хатланган мол-мулкни шартнома-воситачилик шартлари асосида реализация қилиш тартибини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

9. Бош прокуратура (Н.Т. Йўлдошев):

2021 йил 1 январдан бошлаб давлат ижрочиси лавозимига янги тайинланган шахсларга Бош прокуратура Академиясида махсус дастур бўйича бошланғич тайёргарлик курсларини ўтаганидан сўнг ўз хизмат вазифаларига киришишга рухсат бериш тартибини жорий этсин;

бир ой муддатда махсус дастурни тасдиқласин, бунда касб одобномаси қоидаларини ўрганишни, психология, зиддиятларни ҳал қилиш ва вақтни бошқариш («тайм-менежмент») асосларига, шунингдек, Бюро органларида фойдаланиладиган ахборот тизимлари ва дастурий комплекслар билан ишлаш кўникмаларига ўргатишни назарда тутсин;

Бюро органлари тизимида давлат ижрочиси лавозимини 2021 йил 1 январга қадар эгаллаб келган барча ходимлар махсус дастур асосида 2021 йил якунига қадар қайта тайёргарликдан ўтишини таъминласин;

давлат ижрочиларини рағбатлантириш мақсадида Бюро органлари ходимлари ўртасида ҳар йили «Йилнинг энг яхши давлат ижрочиси» танловини жорий этсин.

10. Бюро бошқарув ходимларининг чекланган сони 3 542 нафар, шу жумладан, марказий аппаратда 82 нафар этиб белгилансин.

Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармасининг (кейинги ўринларда — Жамғарма) Ижро этувчи дирекцияси тугатилсин ҳамда Жамғарма маблағларининг тўпланиши ва сарфланишини тезкор бошқариш вазифаси Бюрога юклатилсин.

Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) Жамғарма ҳисобидан 2020 йил 1 ноябрга қадар молиялаштирилиши лозим бўлган Бюро, Бош прокуратура ҳузуридаги Иктисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва Бош прокуратура Академияси ходимларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган

тўловлар (юзага келган қарздорликлар билан бирга) жорий йилнинг III чораги якуни бўйича Давлат бюджети даромадларининг прогноз кўрсаткичларидан ортиқча бажарилган қисми ҳисобидан қоплаб берилишини таъминласин.

2020 йил 1 ноябрдан бошлаб:

Бош прокуратура Академияси ходимларига Жамғарма ҳисобидан ҳар ойда тўланадиган 100 фоизлик устама тўлаш тўхтатилсин;

Бюро ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар (Жамғарма ҳисобидан молиялаштириладиган қисмини чегириб ташлаган ҳолда) ҳамда Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилсин.

11. 2020 йил 1 ноябрдан бошлаб Бюронинг қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун аҳоли томонидан тўловлар тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини таъминлаш бўйича вазифа ва ваколатлари тугатилсин.

Белгилансинки:

аҳолидан қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун тўловлар ушбу хизматларни кўрсатувчи ташкилотлар томонидан санитар тозалаш хизматларини ташкил этиш марказларида юритиладиган ягона биллинг тизимида акс этган ҳолда, қоида тариқасида, электрон тўлов тизимлари орқали йиғилади;

қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари бўйича тўловлар ва қарздорликларнинг ҳисобини ягона биллинг тизимида юритиш, шунингдек, қарздорликларни суд орқали ундириш Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳудудий органлари ҳузуридаги санитар тозалаш хизматларини ташкил этиш марказлари томонидан амалга оширилади.

12. Белгилансинки, 2020 йил 1 декабрдан бошлаб, жиноят натижасида давлатга етказилган зарар, давлат божлари, жиноий ва маъмурий жарималар, давлат фойдасига бошқа турдаги ундирувлар ҳамда давлат даромадига ўтказиладиган олиб қўйилган мол-мулкни сотишга оид ижро ҳужжатлари бўйича келиб тушган маблағлар алоҳида ғазначилик ҳисобрақамида жамланади ва 3-иловага* мувофиқ белгиланган миқдорда «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқароларни қўллаб-қувватлаш учун очилган ҳисоб рақамларига пропорционал тартибда йўналтирилади.

Мазкур бандда назарда тутилган ижро ҳужжатлари бўйича келиб тушган маблағларнинг олувчилар ва бюджет тизими бюджетлари даражалари ўртасидаги тақсимоли маблағларнинг белгиланган қисми «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқароларни қўллаб-қувватлаш учун очилган ҳисоб рақамларига ўтказилганидан кейин амалга оширилиши белгилансин.

13. Бош прокуратура (Н.Т. Йўлдошев) Олий суд (К.Ф. Камилов), Ички

* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ишлар вазирлиги (П.Р. Бобожонов) ва Адлия вазирлиги (Р.К. Давлетов) билан биргаликда амалдаги қонун ҳужжатларига қўйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин:

бир ой муддатда фуқароларнинг мол-мулкига (пул маблағлари бундан мустасно) дахл қилмаган ҳамда уларга нисбатан ҳуқуқий таъсир ва жавобгарлик чораларини қўлламаган ҳолда мажбурий ижро этиш механизмини (соддалаштирилган мажбурий ижро ишини юритиш институтини) жорий этиш;

икки ой муддатда электр ва иссиқлик энергияси, газ, ичимлик сувидан фойдаланиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ жиноятларни, агар ҳуқуқбузарлик натижасида анча миқдордан кам бўлган зарар етказилган бўлса, декриминализация қилиш.

14. Белгилансинки, 2020 йил 1 декабрдан бошлаб:

а) маъмурий жарима қўллаш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари Бюро органларига жаримани ихтиёрий тўлаш учун муддатлар тугаганидан сўнг тақдим этилади, бунда жаримани ихтиёрий тўлаш имконияти тўғрисида ҳуқуқбузарни хабардор қилган ҳолда унга маъмурий жарима қўллаш тўғрисидаги қарорнинг топширилганлиги ёки юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжат ижро ҳужжатида мажбурий тартибда илова қилинади;

б) ижро ҳужжатини мажбурий ижро этиш давомида қарздорнинг хатланган мол-мулки бошланғич нархдан 30 фоизлик чегирма билан, Давлат бюджетига ундиришни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бўйича сотилаётган мол-мулк эса — ҳудудий кенгашлар қарорига мувофиқ 50 фоизгача чегирма билан нархни ошириб бориш услубида ўтказиладиган дастлабки электрон онлайн-аукционга қўйилади, бундан гаровга қўйилган мол-мулк билан таъминланган қарздорликни ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари мустасно;

в) мулкий тусга эга бўлган ижро ҳужжатлари бўйича ундириладиган ижро йиғими:

ундирув суммаси 1 000 базавий ҳисоблаш миқдоридан ортиқ бўлмаган ижро ҳужжатлари бўйича — ундириладиган сумманинг 5 фоизи;

ундирув суммаси 1 000 базавий ҳисоблаш миқдоридан ортиқ бўлган ижро ҳужжатлари бўйича — ундириладиган сумманинг 2 фоизи миқдоридан ўрнатилади.

Бунда, ижро йиғими қўлланилган ижро ишлари бирлаштирилган тақдирда, қўлланилган ижро йиғимининг миқдори ўзгартирилмайди;

г) Бюро органлари иш юритувидаги ижро ҳужжатлари бўйича Жамғармага айрим ажратмалар қўйидаги миқдорларда белгилансин:

Бюронинг ходимлари томонидан қўлланиладиган ижро йиғими суммаларининг 100 фоизи;

ижро иши юритиш бўйича Давлат бюджетига ундирилган суммаларнинг (қарздорнинг мол-мулкни сотиш ҳисобига солиқ қарзини ундириш бундан мустасно) 5 фоизи.

15. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

2021 йил 1 мартдан бошлаб ижро ҳужжатларида мажбурий тартибда қарздор-жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланмаган жисмоний шахс бўйича — шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларнинг реквизитлари), шунингдек, қарздор — юридик шахснинг солиқ тўловчи идентификация рақами кўрсатилади;

электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ жиноятларни аниқлаш, бартараф этиш ва уларнинг олдини олиш вазифаси — Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади;

электр, иссиқлик энергияси, газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, бартараф этиш ва уларнинг олдини олиш вазифаси — ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади.

Бош прокуратура (Н.Т. Йўлдошев) Олий суд (К.Ф. Камилов), Ички ишлар вазирлиги (П.Р. Бобожонов) ва Адлия вазирлиги (Р.К. Давлетов) билан биргаликда икки ой муддатда мазкур бандданазарда тутилган масалалар юзасидан тегишли қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритсин.

16. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.М. Садиқов) Бош прокуратура (Н.Т. Йўлдошев), Ички ишлар вазирлиги (П.Р. Бобожонов), Адлия вазирлиги (Р.К. Давлетов) ва Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) билан биргаликда:

уч ой муддатда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган, шунингдек, юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни амалга оширувчи давлат органларининг ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларининг давлат божлари, маъмурий жарималар ва бошқа тўловларни тўлаш юзасидан интерактив давлат хизматларини кўрсатишга тайёригини хатлов асосида ўрганиб чиқсин;

2021 йил 1 апрелга қадар Ягона интерактив давлат хизматлари порталида давлат божларини ва давлат органлари томонидан солинган жарималарни ва бошқа тўловларни тегишли банк ва бошқа тўлов тизимлари орқали онлайн тарзда тўлаш бўйича давлат хизматларини кўрсатувчи алоҳида платформа яратишни назарда тутувчи қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2021 йил 1 августга қадар мазкур банднинг иккинчи хатбошисида назарда тутилган давлат органларининг давлат хизматларини кўрсатувчи алоҳида платформага босқичма-босқич уланишини таъминласин.

17. Бош прокуратура (Н.Т. Йўлдошев):

а) Ички ишлар вазирлиги (П.Р. Бобожонов) билан биргаликда икки ой муддатда Ижро ҳужжатлари талабларини бажаришдан бўйин товлаётган қарздор жисмоний шахслар ва олиб қўйилиши лозим бўлган болаларни қидиришда мажбурий ижро ва ички ишлар органларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш тартибини қайта кўриб чиқсин, бунда мажбурий ижро орган-

лари ички ишлар органларининг ахборот тизимларидан фойдаланиш, шунингдек, МДХ давлатлари ахборот тизимларига қидирув ташаббускори сифатида маълумот киритиши тартибини назарда тутсин;

б) Олий суд (К.Ф. Камилов) ва Ички ишлар вазирлиги (П.Р. Бобожонов) билан биргаликда уч ой муддатда маҳкум жазо ўтаётган муассасада қарздорликни, шу жумладан, жинойтлар оқибатида етказилган зарарларни ундириш жараёнидаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиб чиқсин ҳамда судлар, Бюро ва Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармаси ўртасидаги ахборот алмашинувини йўлга қўйиш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин;

в) давлат даромадига ундирувни назарда тутувчи ижро ҳужжатларининг ижро этилишини сўзсиз таъминлаш мақсадида 2021 йил 1 июлгача Ижро ҳужжатларининг ягона электрон базасини қуйидагиларни назарда тутган ҳолда такомиллаштирсин:

қарздорнинг ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки ёки даромадлари бўлмаганлиги сабабли қайтарилган, давлат даромадига ундиришни назарда тутадиган ижро ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотларни алоҳида юритиш ҳамда улардан барча манфаатдор шахс ва ташкилотлар учун тўсиқсиз фойдаланиш имкониятини яратиш;

давлат даромадига ундиришни назарда тутадиган ижро ҳужжатлари қарздорнинг ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки ёки даромадлари бўлмаганлиги сабабли қайтарилганда, ундирувчига ижро ҳужжатини тўсиқсиз янгидан ижрога (жумладан, портал орқали) топшириш имкониятини яратиш. Бунда давлат ижрочиси янгидан қўзғатилган ижро иши юритиш доирасида қарздорга тегишли мол-мулкларни аниқлаш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган барча чораларни кўриши шарт.

18. Олий суд (К.Ф. Камилов) Адлия вазирлиги (Р.К. Давлетов), Бош прокуратура (Н.Т. Йўлдошев), Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Д. Кудбиев), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Б. Хусанов) билан биргаликда уч ой муддатда низосиз ишларни ҳал этишнинг муқобил шаклларини ўрганиб чиққан ҳолда ижро ҳужжатлари турларини қайта кўриб чиқиб, тегишли таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

19. Марказий банк (М.Б. Нурмуратов) Адлия вазирлиги (Р.К. Давлетов) ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И.И. Норкулов) билан биргаликда икки ой муддатда тижорат банклари томонидан «муаммоли» деб таснифланган активларни (кредит қарздорлигини) цессия (талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш) шартномаси асосида муайян чегирма билан реализация қилиш институтини, шунингдек, қарз бозорини бошқа соҳаларда ҳам ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклифлар киритсин.

20. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (А.И. Максудов) Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) билан биргаликда икки ой муддатда қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизмат-

лари учун мажбурий тўловлар бўйича қарздорликни ундириш юзасидан судларга киритиладиган аризалар бўйича айрим тоифадаги шахсларни давлат божи тўлашдан озод қилишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 4-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 5-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

23. Бош прокуратура (Н.Т. Йўлдошев):

а) Бюронинг янги ташкил этилаётган туманлараро бўлимларини жойлаштириш ҳамда фаолият юритиши учун зарур бўлган моддий-техника базасини яратиш чораларини кўрсин;

б) 2021 йил 1 сентябрга қадар қуйидагиларни назарда тутувчи Ижро ишини юритиш тўғрисидаги кодекс лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритсин:

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижросини мажбурий ижро органи ҳисобланмаган бошқа манфаатдор давлат ташкилотлари томонидан ихтиёрий равишда таъминлаш механизмини жорий этиш;

ижро иши юритиш иштирокчиларининг, шу жумладан, ижро ишига қўмаклашувчи давлат органларининг ҳуқуқий мақомини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаш;

давлат даромадига ундиришни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бўйича манфаатдор ундирувчи бўлган давлат органини аниқлаш ва ушбу ижро ҳужжатлари бўйича ундирувни амалга ошириш мумкин бўлмаган тақдирда, уларни мазкур давлат органига ижросиз қайтариш тартибини жорий этиш;

мазкур соҳадаги суиистеъмолликлар ҳамда коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ижро харажатлари ва ундирилган маблағларни тақсимлаш институтини такомиллаштириш;

суд қарорларини ихтиёрий равишда ижро этишдан бўйин товлаган қарздорларни моддий жавобгарликка тортишнинг таъсирчан механизмларини яратиш;

в) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

24. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори Н.Т. Йўлдошев ҳамда Бюро директори белгилансин.

Фармон ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, унинг ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2021 йил

1 январь, 2021 йил 1 июль ва 2022 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 24 ноябрь,
ПФ-6118-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 24 ноябрдаги
ПФ-6118-сон Фармони
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг ролини кучайтириш тўғрисида»ги ПФ-5019-сон Фармонининг 2-иловаси* қуйидаги тахрирда баён этилсин:

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги «Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги ПФ-5059-сон Фармонида:

а) 2-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«2. Қуйидагилар Бюронинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг сўзсиз ижросини таъминлаш;

ижро иши юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишдан бўйин товлаш ёки ижро этилишига тўсқинлик қилиш, ижро иши юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бошқа тарзда бузилганлигига доир ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш;

замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда мажбурий ижро тизими тезкорлиги ва самарадорлигини таъминлаш;

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш;

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини такомиллаштириш, давлат ижрочилари фаолиятининг самарадорлигини ошириш»;

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

б) 4-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин;

в) 5-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Белгилаб қўйилсинки, Бюро тугатилаётган Суд департаментининг хўжалик шартномаларидан келиб чиқадиган ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади, суд ҳокимияти ёки адлия органларининг балансига ўтказилган ҳамда улар томонидан ишлатиладиган мулк (бинолар, маблағлар ва бошқа моддий-техникавий бойликлар) ва суд ҳокимиятига ёки адлия органларига кўрсатилган хизматлар (ишлар) билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятлар бундан мустасно»;

г) 6-бандда:

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

олтинчи-еттинчи хатбошилар тегишинча бешинчи-олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«ижро иши юритуви бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундирилган сумманинг 5 фоизи, қарздорнинг мол-мулкани сотиш ҳисобига ундирилган солиқ қарздорлиги бундан мустасно»;

саккизинчи хатбошидаги «80 фоизи» сўзлари «100 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бюро ходимлари томонидан қўлланиладиган ва ундириладиган жарималар, шунингдек, пул маблағларини ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатини ижро этмаганлиги учун банк ёки бошқа кредит ташкилотларига нисбатан қўлланиладиган ва ундириладиган жарималар суммасининг 80 фоизи»;

ўн учинчи — ўн олтинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

д) 7-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 15 февралдаги «Прокуратура органларининг қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашдаги фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5343-сон Фармонида:

а) 3-бандда:

иккинчи хатбоши «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иктисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти» сўзларидан кейин «(кейинги ўринларда — Департамент)» сўзлари билан тўлдирилсин;

учинчи хатбоши «ҳар ойлик устамалар миқдори 50 фоизни» сўзларидан кейин «шунингдек, прокуратура органларининг илмий даражага эга бўлган ходимларининг ойлик маошига қўшиладиган ҳар ойлик устамалар миқдори 30 фоизни» сўзлари билан тўлдирилсин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур банднинг иккинчи хатбошисида назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар, шунингдек, Департамент органларининг техник ва ёрдамчи ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича харажатлар 2020 йил 1 ноябрдан бошлаб, мазкур банднинг учинчи хатбошида назарда тутилган чора-тадбирлар эса, 2020 йил 1 январдан бошлаб —

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади»;

б) 6-бандда:

учинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги учинчи ва тўртинчи хатбошилар билан алмаштирилсин;

«прокуратура органларида пенсия олиш ҳуқуқини берадиган хизмат муддати календарь ҳисобида йигирма йилни ташкил қилади ва пенсиянинг базавий миқдорлари умумий ҳисобда ўртача ойлик иш ҳақининг 75 фоизидан ортиққа оширилмайди.

Прокуратура органлари ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини пенсия билан таъминлаш шартлари, меъёрлари ва тартиби суд ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шу жумладан, ички ишлар органлари ходимларининг пенсия таъминоти бўйича тақдим этилган имтиёзларни назарда тутган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

в) 8-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«8. Белгилансинки, маълумотлар базасига киритиладиган қарздор жисмоний ва юридик шахслар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланадиган алоҳида йирик битимларни амалга ошириш, алоҳида турдаги молия-кредит ва давлат хизматлари, халқаро йўловчи ташиш хизматлари, шунингдек, давлат хизматларидан фойдалана олмайдилар.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг бажарилмаган мажбуриятлари мавжудлигини текшириш Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси томонидан юритиладиган Ижро иши юритувлари ягона электрон базасини онлайн режимда текшириш орқали амалга оширилади».

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги «Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5438-сон Фармонининг 6-банди еттинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Академия ходимларига Давлат бюджети ҳисобидан прокуратура органлари ходимлари учун белгиланган алоҳида меҳнат шароитлари учун ҳар ойлик устама ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа рағбатлантирувчи қўшимча ҳақ ва устамалар тўланади».

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги «Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5446-сон Фармонининг 11-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. 2018 йил 1 июндан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 15 февралдаги «Прокуратура органларининг қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашдаги фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5343-сон Фармонининг 3-банди биринчи — тўртинчи хат-

бошилари Департамент ва унинг ҳудудий бўлинмалари ходимларига татбиқ этилсин.

Бунда ушбу бандда кўрсатилган тадбирларни ижро этиш билан боғлиқ харажатлар 2020 йил 1 ноябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади».

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5490-сон Фармонида:

1) 1-иловада:

1-позицияси «Текширувларнинг турлари» устуни «ўтказиладиган текширувлар» деган сўзлардан кейин «(камерал ва сайёр солиқ текшируви ҳамда солиқ аудити бундан мустасно)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2-позиция ҳамда изоҳ қисмининг учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

2) 2-иловада:

17-позициясининг «Назорат қилувчи орган» устунида «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси» сўзлари «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ, «Ҳудудгазтаъминот» АЖ ва «Ўзсувтаъминот» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин.

22-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

22.	Сайёр солиқ текширувларини ўтказиш	Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси	10 кундан ошмаган ҳолда
-----	------------------------------------	---	-------------------------

»;

қуйидаги мазмундаги 22¹-позиция билан тўлдирилсин:

«

22 ¹ .	Солиқ аудитини ўтказиш*	Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси	Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига белгиланган муддатлардан ошмаган ҳолда
-------------------	-------------------------	---	--

»;

изоҳ қисми қуйидаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«*Давлат солиқ хизмати органлари 2022 йил 1 январга қадар бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни солиқ аудити тайинланганлиги тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хабардор қилади».

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 октябрдаги «Жиноий-ҳуқуқий статистика тизимини тубдан такомиллаштириш ва жиноят-

ларни тизимли таҳлил қилиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5566-сон Фармони 12-бандининг иккинчи хатбошисидан «ва Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари чиқариб ташлансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида нотариат тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5816-сон Фармонининг 11-бандида:

иккинчи хатбоши қўйидаги мазмундаги иккинчи ва учинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

«кўчмас мулклар бўйича битимларни нотариал тасдиқлашда коммунал хизматлар бўйича қарздорликлар ҳақидаги маълумотларни фақат коммунал ташкилотлар ахборот тизимлари орқали онлайн режимда текшириш тартиби ўрнатилган ҳолда, тегишли коммунал ташкилотлардан бундай қарздорлик мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотнома олиш талаби бекор қилинади;

ижро ҳужжатлари бўйича қарздорлик мавжудлиги тўғрисида маълумотлар Мажбурий ижро бюроси ахборот тизими орқали онлайн режимда текширилади»;

учинчи — саккизинчи хатбошилар тегишинча тўртинчи — тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 1 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд департаментининг суд қарорларини ижро этиш, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–722-сон қарорида:

1) 3-бандда:

биринчи хатбошидаги «суд ижрочилари» сўзлари «давлат ижрочиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«мулкий характердаги ижро ҳужжатлари бўйича — ундирув суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг 1000 бараваридан ошмаган тақдирда — ундирилаётган сумманинг 5 фоизи миқдорида, ундирув суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг 1000 бараваридан ошган тақдирда — ундирилаётган сумманинг 2 фоизи миқдорда»;

тўртинчи хатбошидаги «энг кам иш ҳақининг» сўзлари «базавий ҳисоблаш миқдорининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

2) 5-банди ўз кучини йўқотган деб топилсин;

3) 1-иловада:

а) 3-бандда:

биринчи хатбошидаги «суд ижрочиси» сўзлари «давлат ижрочиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«мулкий характердаги ижро ҳужжатлари бўйича — ундирув суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг 1000 бараваридан ошмаган тақдирда — ундирилаётган сумманинг 5 фоизи миқдорида, ундирув суммаси базавий

ҳисоблаш миқдорининг 1000 бараваридан ошган тақдирда — ундирилаётган сумманинг 2 фоизи миқдорида. Мулкий характердаги ижро ҳужжати-ни ижро этишда ундирувчига белгиланган муддатда сотилмаган мол-мулк берилса, ижро йиғими суммаси ушбу мулк қийматидан белгиланади»;

учинчи хатбошидаги «энг кам иш ҳақининг» сўзлари «базавий ҳисоблаш миқдорининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-банднинг биринчи хатбошисидаги «суд ижрочиси» сўзлари «давлат ижрочиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 6-бандда:

иккинчи хатбошидаги «суд ижрочисига» сўзлари «давлат ижрочисига» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«мол-мулкни давлат фойдасига ўтказиш»;

тўртинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

г) 7-банддаги «Адлия вазири» сўзлари «Бош прокурори» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) III бўлим ўз кучини йўқотган деб топилсин;

е) 16-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «суд ижрочисининг» сўзлари «давлат ижрочисининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

ё) 17-банднинг биринчи хатбошисидаги «Суд департаментининг» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) 18-бандда:

биринчи хатбошидаги «Суд департаментининг» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ижро йиғимини қайтариш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан бошлаб узоғи билан икки кун ичида қайтариш учун Мажбурий ижро бюроси марказий аппаратида юборилади. Ижро йиғимини қайтариш қарор олинган кундан бошлаб беш банк куни давомида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Бош прокуратура томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади».

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 сентябрдаги ПҚ–2036-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисидаги низомда:

а) 71¹-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари «республика бюджети» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 81²-банднинг бешинчи хатбошисидаги «Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари «республика бюджети» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 13 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш чора-тадбирла-

ри тўғрисида»ги ПҚ-2065-сон қарорига 1 — 4-иловаларнинг* рус тилидаги матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2568-сон қарорининг рус тилидаги матни 3¹-бандининг тўртинчи хатбошисидagi «Фонда развития Бюро принудительного исполнения» сўзлари «Государственного бюджета Республики Узбекистан» сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3016-сон қарорида:

1) 1-бандда:

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мажбурий ижро бюроси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари, туман (шаҳар) ва туманлараро бўлимларининг намунавий тузилмалари 2-3а-иловаларга мувофиқ»;

олтинчи хатбоши «туман» сўзидан кейин «ва туманлараро» сўзлари билан тўлдирилсин;

2) 2-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси (кейинги ўринларда Бюро деб аталади) бошқарув ходимларининг Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан молиялаштириллаган чекланган сони 3 542 нафар, шу жумладан, марказий аппаратда 82 нафар этиб белгилансин»;

3) 3-банднинг тўртинчи хатбошисидан «мақоми» деган сўз чиқариб ташлансин;

4) 9-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин;

5) қарорга 1 — 3-иловалар қуйидаги таҳрирдаги 1 — 3а-иловалар** билан алмаштирилсин:

6) 4-илова (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси тўғрисидаги низом)да:

а) 4-банднинг тўртинчи хатбошисидagi «туман (шаҳар)» сўзларидан кейин «ва туманлараро бўлимларининг» сўзлари билан тўлдирилсин;

б) 5-банддан «тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) прокурорларига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

в) 9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Қуйидагилар Бюронинг асосий вазифалари ҳисобланади:

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг сўзсиз ижросини таъминлаш;

* 1 — 4-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

** 1 — 3а-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ижро иши юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишдан бўйин товлаш ёки ижро этилишига тўсқинлик қилиш, ижро иши юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бошқа тарзда бузилганлигига доир ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш;

замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда мажбурий ижро тизими тезкорлиги ва самарадорлигини таъминлаш;

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш;

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини такомиллаштириш, давлат ижрочилари фаолиятининг самарадорлигини ошириш»;

г) 10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Бюро ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг сўзсиз ижросини таъминлаш соҳасида:

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг мажбурий ижросини таъминлайди, мажбурий ижро этиш қонун билан бошқа давлат органларига юклатилган ҳужжатлар бундан мустасно;

ваколатли органларнинг мол-мулкни, шу жумладан, ҳуқуқбузарлик буюмлари ва қуроллари ҳамда ашёвий далилларни давлат даромадига ўтказиш ёки йўқ қилиб ташлашни назарда тутувчи қарорларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ижро қилади;

хатланган ва олиб қўйилган мол-мулкнинг баҳоланиши, сақланиши ва сотилишини ташкил қилади;

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари мажбурий ижросини таъминлашда, шу жумладан, қарздорларнинг пул маблағлари ва бошқа мол-мулкни кидиришда давлат органлари, кредит ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади, ушбу мақсадларда кўрсатилган давлат органларининг маълумотлар базаларидан белгиланган тартибда фойдаланади;

қарздор — жисмоний шахслар ва олиб қўйилиши лозим бўлган болани кидиришни амалга оширади, бу мақсадларда тезкор-кидирув фаолиятини амалга оширади, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари билан ҳамкорлик қилади;

ўз ваколатлари доирасида жисмоний ва юридик шахсларнинг аризалари, таклифлари ва шикоятларини кўриб чиқади;

аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, қонун ва одил судловни ҳурмат қилиш, жисмоний ва юридик шахслар ўртасида суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини сўзсиз ва ихтиёрий равишда бажариш заруриятини шакллантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширади;

оммавий ахборот воситалари ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорлик қилади, уларни ўз фаолияти натижалари тўғрисида хабардор қилади, ушбу мақсадларда семинарлар, брифинглар, пресс-конференциялар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларни ўтказиш;

б) ижро иши юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишдан бўйин товлаш ёки ижро этилишига тўсқинлик қилиш, ижро иши юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бошқа тарзда бузилганлигига доир ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш соҳасида:

ижро иши юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, шу жумладан, ижро иши юритиш тарафлари, баҳолаш ташкилотлари, ижро ҳужжатлар бўйича мол-мулкни сақлаш ва сотиш ишларини амалга оширувчи ташкилотлар, банк ва бошқа кредит ташкилотлари, қарздорга иш ҳақи ёки бошқа унга тенглаштирилган тўловларни тўлаётган ташкилотлар (шахслар) ҳамда мажбурий ижро органи ҳисобланмаган ва суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижросини таъминловчи ташкилот ва мансабдор шахслар, шунингдек, қарздорларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқий таъсир чораларини амалга оширувчи ташкилотлар ва мансабдор шахслар томонидан риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишга оид қонун ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш, бартараф этиш, шунингдек, бузилган ҳуқуқларни тиклаш чораларини кўради;

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро қилмаслик ҳолатларини аниқлаш, бартараф этиш ва уларнинг олдини олишда ички ишлар органлари, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

суд қарори ёки бошқа ижро ҳужжатларини бажармаслик, банд солинган мол-мулкни қонунга ҳилоф равишда тасарруф этиш, шунингдек, вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни, ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлашга, ижро иши юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бошқа тарзда бузилганлигига доир ҳуқуқбузарликлар бўйича суриштирув ва терговга қадар текширувни амалга оширади;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритади, Бюро ваколатига тааллуқли ишларни кўриб чиқади ва маъмурий жазо қўллайди;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш амалиёти-ни таҳлил қилади, уларнинг ҳисобини олиб боради ҳамда ушбу соҳада ягона амалиётни шакллантириш чораларини кўради;

Бюро ваколатига тааллуқли ишлар бўйича терговга қадар текширув ва суриштирув ўтказиши, шунингдек, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширади;

терговга қадар текширув ва суриштирув ўтказиш, процессуал қарорлар қабул қилиш, тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш амалиёти-ни ўрганиб боради, уларнинг ҳисобини юритади ва бу борада фаолият самарадорлигини ошириш чораларини кўради;

в) замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда мажбурий ижро тизими тезкорлиги ва самарадорлигини таъминлаш соҳасида:

ижро ҳужжатлари ҳамда ундирилган маблағларнинг ҳаққоний ҳисобини юритади;

Ижро иши юритувлари ягона электрон базасини юритади;
ижро ҳужжатлари юзасидан қарздорликларни ундириш масалалари бўйича ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизими ишлашини таъминлайди;

Алимент мажбуриятларини ижро этиш ва назорат қилишнинг ягона ахборот тизими ишлашини таъминлайди;

қонун ҳужжатлари билан белгиланган рўйхатга мувофиқ йирик битимлар, айрим турдаги молия-кредит хизматлари, халқаро йўловчи ташиш хизматлари ва давлат хизматларини амалга оширишда ижро ҳужжатлари бўйича тўланмаган қарздорлик мавжудлигини онлайн режимда текшириш учун (ҳуқуқий таъсир чораларини амалга ошириш учун) давлат органлари ва ташкилотларининг Бюро маълумотлар базаларига уланишини таъминлайди;

Бюро органлари иш юритувидаги ижро ҳужжатлари бўйича ижро ҳаракатлари амалга оширилишининг автоматлаштирилган мониторинги бўйича давлат интерактив хизматини кўрсатади;

электрон онлайн-аукционлар оператори билан электрон ҳамкорлик қилади ҳамда ижро ҳаракатларини олиб бориш давомида хатланган мол-мулкни реализация қилиш таомилига электрон тижоратни жорий этиш бўйича чоралар кўради;

Бюро зиммасига юклатилган вазифаларни тезкорлик билан ва самарали бажариш мақсадида мажбурий ижро органлари ахборот тизимлари, ахборот ресурслари ва маълумотлар базасини такомиллаштириш чораларини кўради;

Бюро органларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш чораларини кўради;

ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базасини ишлатиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Бюро ходимларининг малакасини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширади;

г) суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш соҳасида:

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш масаласида хорижий давлатлар мажбурий ижро органлари ва бошқа ваколатли давлат органлари билан халқаро ҳамкорлик қилади;

халқаро шартномалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларининг суд қарорлари ижросига оид қисми ҳамда ижро ҳужжатлари бўйича жисмоний шахслар-қарздорларни қидириш қисми бажарилишини ташкил қилади;

хорижий давлатларнинг мажбурий ижро органлари, бошқа ваколатли органлари ҳамда ихтисослаштирилган халқаро ташкилотлар билан суд ҳужжатларини ижро этишда ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш масалаларида, шунингдек қонуний кучга кирган суд қарорлари бўйича активларни қайтариш масалаларида ҳамкорлик қилади;

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш соҳасида ҳамкорлик масалалари бўйича халқаро шартномалар лойиҳаларини ишлаб чиқишда қатнашади;

Бюро ваколатига тааллуқли масалалар бўйича халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан, шунингдек, Суд ижрочилари халқаро иттифоқи билан белгиланган тартибда ўзаро ҳамкорлик қилади;

д) суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини такомиллаштириш, давлат ижрочилари фаолиятининг самарадорлигини ошириш соҳасида:

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш соҳасида ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилади ва умумлаштиради ҳамда уни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади;

ижро иши юритиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ва уларни тайёрлашда иштирок этади, ўз ваколати доирасида ижро иши юритишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади;

самарали иш услубларини ишлаб чиқади ва амалиётга жорий қилади, Бюро давлат ижрочилари ва бошқа ходимларини бошланғич тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва касб маҳоратини ошириш чораларини кўриш бўйича тизимли ишларни олиб боради;

эришган натижаларга қараб Бюро ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантириш чораларини кўради, Бюро давлат ижрочилари ва бошқа ходимлари ишини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этади;

Бюро органларида ички хавфсизликни таъминлайди, Бюро органлари ходимлари фаолиятига ноқонуний аралашиш, хизматни ўташ билан боғлиқ ходимлар ва уларнинг оила аъзоларининг шахсий ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкни таҳдидлардан ҳимоя қилиш чораларини кўради;

ижро иши юритишда сансалорлик ва суиистеъмолчилик ҳолатларининг олдини олиш бўйича чоралар кўради;

Бюро органларида коррупцияга қарши курашиш ва олдини олиш бўйича тизимли иш олиб боради, Бюро органларида коррупцияга қарши назорат тизимини («комплаенс-назорат») жорий этади ва ишлашини таъминлайди;

давлат ижрочилари ва бошқа ходимлар томонидан Мажбурий ижро органларида хизматни ўташ қоидалари ва одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши устидан қаттиқ назоратни таъминлайди.

Бюро қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин»;

д) 11-бандда:

ўн еттинчи хатбошида «қидирув эълон қилиш» сўзларидан кейин «ва уни амалга ошириш» сўзлари билан тўлдирилсин;

«б» кичик банд чиқариб ташлансин;

е) 12-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12. Бюро суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилишини таъминлаш, шунингдек, юклатилган бошқа вазифаларни самарали бажариш учун жавобгардир»;

ё) 15-банднинг «и» кичик банди ўз кучини йўқотган деб топилсин;

ж) қуйидаги мазмундаги 15¹-банд билан тўлдирилсин:

«15¹. Бюро директори ташаббускор ва малакали мутахассислардан

иборат доимий фаолият юритадиган, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотлар мутахассисларидан иборат бошқа белгиланган тўловлардан ташқари Бюронинг бюджетдан ташқари маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қўшимча равишда ҳар ойлик меҳнат ҳақи фондининг (пул таъминотининг) икки бараваригача бўлган миқдорда ҳақ тўланадиган эксперт-таҳлил гуруҳларини тузишга ҳақли»;

з) 18-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«18. Бюронинг туман (шаҳар), туманлараро бўлимлари бошлиқлари катта давлат ижрочилари, уларнинг ўринбосарлари тегишинча катта давлат ижрочилари ўринбосарлари ҳисобланади»;

и) 19-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Бюронинг марказий аппарати таркибий тармоқлари (бош инспекторлар бундан мустасно) ва унинг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари Бюро директорининг тақдимномасига биноан Бош прокурор томонидан амалга оширилади»;

тўртинчи хатбоши «туман (шаҳар)» сўзларидан кейин «ва туманлараро» сўзлари билан тўлдирилсин;

к) 21-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«21. Бюронинг марказий аппарати ва ҳудудий тузилмаларнинг (молия-хўжалик тузилмалари бундан мустасно) ходимлари ўз мақомига кўра прокуратура органлари ходимлари ҳисобланади.

Мақомига кўра прокуратура органлари ходимлари ҳисобланган ходимларга даражали унвонлар берилади ва улар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросида хизматни ўташ тўғрисидаги низомга мувофиқ хизматни ўтайдилар»;

л) 22-банднинг биринчи хатбошисидаги «шунингдек, махсус тоифалар бериладиган мансабларни эгаллаб турган» сўзлари чиқариб ташлансин;

7) 5-илова (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросида ва Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекциясида хизматни ўташ тўғрисидаги Низом)да:

а) номидан «ва Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекциясида» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 1-банддаги «ва Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекциясига (кейинги ўринларда — Инспекция)» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 2 ва 4-бандлар, 9-банднинг бешинчи ва олтинчи хатбошилари, 10-банд, 13-банднинг биринчи хатбошиси, 26-банднинг биринчи хатбошиси, 28-банд, 35-банднинг биринчи хатбошиси, 36-банд, 39-банднинг олтинчи хатбошиси, 46-банд, 47-банднинг иккинчи ва еттинчи хатбошилари, 67-банднинг учинчи хатбошиси, 68 ва 70-бандлардаги тегишли келишиқдаги «Инспекция» ва «ва Инспекция» сўзлари чиқариб ташлансин;

г) 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Бюрода хизматни ўташнинг ҳукукий асосларини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни, ушбу Низом, бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори (кейинги ўринларда Бош прокурор деб юритилади) ва Бюро директорининг буйруқлари ташкил қилади»;

д) 6 ва 7-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Бюрода хизмат қилиш учун юриспруденция, молия, иқтисодиёт, ва бошқа соҳаларда олий ёки ўрта махсус маълумотли, соғлиғига кўра хизмат мажбуриятларини бажаришга қодир бўлган, зарур касб-кор ва маънавий фазилатларга эга Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қабул қилинадилар.

Бунда Бюронинг давлат ижрочилари лавозимларига олий ёки ўрта махсус юридик маълумотга эга, айрим ҳолларда бошқа мутахассисликдаги олий маълумотга эга шахслар, Бюронинг бошқа лавозимларига — олий ёки ўрта махсус маълумотли бошқа мутахассисликка (иқтисодчи, молиячи, муҳандислар ва бошқалар) эга шахслар ҳам тайинланади.

Юридик маълумотга эга бўлмаган шахсларни давлат ижроси лавозимига хизматга қабул қилиш, алоҳида ҳолларда Бюро директорининг ёзма рухсати ва Бюронинг марказий аппаратида тузилган махсус комиссиянинг номзодни давлат ижроси хизмат вазифаларини бажаришга малакаси, касб маҳорати ва иш тажрибаси мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси асосида рухсат этилади.

Ушбу банднинг учинчи хатбошисида белгиланган тартиб тезкор-қидирув фаолияти, суриштирув ва маъмурий амалиёт фаолияти билан шуғулланадиган Бюро тузилмаларида хизматни ўташ учун номзодларга ҳам татиқ этилади.

Бюро органларида лавозимларни (шу жумладан, раҳбар лавозимларни) эгаллаш учун мутахассислик, маълумот даражаси ва минимал иш тажрибага қўйиладиган талаблар Бюро директори томонидан тасдиқланади.

7. Бюрога хизматга қабул қилиш, таркиби Бюро директори томонидан тасдиқланадиган конкурс комиссияси томонидан номзодларнинг ушбу Низомда белгиланган талабларга мувофиқлигини ўрганиш, шу жумладан, билим даражаси, зарур касб малакаси ва ишчанлик қобилиятини аниқлаш мақсадида ўтказиладиган конкурс асосида амалга оширилади.

Бюрога хизматга қабул қилишда зиммаларига юкланадиган хизмат вазифаларини бажаришга соғлиғи имкон беришини аниқлаш мақсадида номзодлар мажбурий тартибда тиббий кўрикдан ўтказилади»;

е) 8-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Ходимларни хизматга қабул қилиш ва лавозимга тайинлаш Бош прокурор, Бюро директори ёки Бюронинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари (кейинги ўринларда ҳудудий бошқармалар деб юритилади) бошлиқларининг буйруқлари билан расмийлаштирилади»;

ё) 12-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12. Ходимларнинг лавозимлари рўйхати Бюро директори томонидан тасдиқланадиган штат жадвали билан белгиланади.

Бюро фаолиятининг ички тизimini ташкил этиш тегишлича Бюро директори томонидан тасдиқланадиган Регламент ҳамда ҳудудий бошқармаларнинг Намунавий регламенти билан белгиланади»;

ж) қуйидаги мазмундаги 13¹-банд билан тўлдирилсин:

«13¹. Давлат ижрочиси лавозимига илк бор ёки давлат ижрочиси мақомидаги бошқа лавозимга (бош давлат ижрочиси ёки унинг ўринбосари лавозими бундан мустасно) тайинланаётган шахс (Бюро органларида фаолият юритаётган ходимлар бундан мустасно) ишлашига Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясида махсус ўқув курсини ўтаганидан кейин рухсат берилади»;

з) 14-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14. Ходимлар хизматни ўташ даврида Бош прокурор томонидан тасдиқланадиган прокуратура органлари ходимларининг касб одобномасига риоя қилишлари шарт.

Прокуратура органлари ходимларининг касб одобномаси талабларини бузиш белгиланган тартибда жавобгарликни келтириб чиқаради. Мазкур қоидалар бузилишининг ҳар бир ҳолати бўйича хизмат текшируви ўтказилади.

Хизмат текширувни ўтказиш даврида Бюро ходими вақтинчалик, лекин бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатга хизмат вазифаларини бажаришдан озод қилиниши мумкин.

Хизмат текширувини ўтказиш ва Бюро ходимини вақтинчалик хизмат вазифаларини бажаришдан озод қилиш тартиби Бош прокурор томонидан белгиланади»;

и) 16-бандда:

биринчи хатбошидан «ва Инспекция» сўзлари чиқариб ташлансин;

учинчи хатбошидаги «Бюро директори ва Инспекция бошлиғи» сўзлари «Бош прокурор» сўзлари билан алмаштирилсин;

к) 17-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«17. Бюро ходимларига Бош прокурор томонидан белгиланган шаклда ва тартибда хизмат гувоҳномалари берилади.

Бюро директори хизмат гувоҳномаси Ўзбекистон Республикаси Президенти имзоси қўйилган ҳолда берилади.

Бюронинг Бош прокурор томонидан лавозимга тайинланадиган ходимларига хизмат гувоҳномалари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси (кейинги ўринларда Бош прокуратура деб юритилади) томонидан берилади.

Гувоҳнома Бюро ходимининг айби билан йўқотилиши лавозимдаги ноҳўя хатти-ҳаракат ҳисобланади ва интизомий жавобгарликни келтириб чиқаради. Гувоҳнома йўқотилишининг ҳар бир ҳолати бўйича хизмат текшируви ўтказилади»;

л) 18-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18. Ходимларни эгаллаб турган лавозимларига хизмат бўйича муво-

фиқлигини аниқлаш мақсадида Бюро директори томонидан белгиланган тартибда ва муддатларда аттестация ўтказилади.

Лавозимига Бош прокурорнинг буйруқлари билан тайинланадиган ходимлар Бош прокуратуранинг аттестация комиссияси томонидан, лавозимига Бюро директори, Бюронинг ҳудудий бошқармалари бошлиқларининг буйруқлари билан тайинланадиган ходимлар эса — тегишлича Бюро ва унинг ҳудудий бошқармаларининг аттестация комиссиялари томонидан аттестациядан ўтказилади»;

м) 19-банднинг учинчи хатбошисидаги «тегишлича Бюро директори ва Инспекция бошлиғи» сўзлари «Бош прокурор» сўзлари билан алмаштирилсин;

н) 22-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«22. Ходимларга эгаллаб турган лавозимига мутаносиб равишда қуйидаги даражали унвонлар берилади:

2-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси — Бюро директори;

3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси — Бюро директори ўринбосарлари;

адлия катта маслаҳатчиси — Бюро марказий аппарати бошқарма ва бўлим бошлиқлари, Бюронинг Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш маркази директори (кейинги ўринларда — Марказ), Бюронинг ҳудудий бошқарма бошлиқлари;

адлия маслаҳатчиси — Бюро директори ёрдамчиси, бошқарма ва бўлим бошлиқлари ўринбосарлари, Бюронинг марказий аппарати бош суриштирувчиси, бош тафтишчиси, бош инспекторлари, Марказ директори ўринбосари, бўлим бошлиқлари, Бюронинг ҳудудий бошқарма бошлиқлари ўринбосарлари, Бюро ҳудудий бошқармаларининг бўлим бошлиқлари, жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўйича катта инспекторлари, ички хавфсизликни таъминлаш шуъбаси катта инспекторлари, Бюро туман (шаҳар) ва туманлараро бўлим бошлиқлари — катта давлат ижрочилари;

адлия кичик маслаҳатчиси — Бюро марказий аппарати катта суриштирувчилари, катта инспекторлари, Марказ дастурчилари, маъмурлари, муҳандислари, шуъба мудирлари, ахборот технологиялари мутахассиси, Бюро ҳудудий бошқармаларининг катта суриштирувчилари, суриштирувчилари, катта инспекторлари, инспекторлари, бош тафтишчилари, катта тафтишчилари, ахборот технологиялари мутахассислари, туман (шаҳар) бўлим бошлиқлари ўринбосарлари;

1 ва 2-даражали юрист — Бюро туман (шаҳар) бўлимлари давлат ижрочилари, суриштирувчилари, қидирув бўйича катта инспекторлари, мурожаатлар билан ишлаш катта инспекторлари;

3-даражали юрист — биринчи марта аттестациядан ўтган ва лавозимга тайинланган ходимларга берилади.

Ушбу Низомнинг 67-бандида санаб ўтилган ходимларга лавозимидан қатъи назар, даражали унвонлар ўз вақтида берилади»;

о) 24-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бошқа даражали унвонлар Бюро директорининг тақдимномасига асосан Бош прокурор томонидан берилади»;

учинчи хатбошидаги «Бюро ва Инспекцияга» сўзлари «Бюрога» сўзи билан алмаштирилсин;

п) 32-бандда:

ўнинчи хатбошидаги «Мажбурий ижро бюросининг» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн иккинчи хатбошидаги «Бюро директори» сўзлари «Бош прокурор» сўзлари билан алмаштирилсин;

р) 34-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Бюро директори, Инспекция бошлиғи, Бюро ва Инспекциянинг ҳудудий бошқарма бошлиқлари» сўзлари «Бюро директори, Бюронинг ҳудудий бошқарма бошлиқлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан алмаштирилсин:

«Қимматбаҳо совға, Фахрий ёрлиқ билан тақдирлаш, навбатдан ташқари даражали унвон ёки навбатдаги даражали унвонни белгиланган муддатдан олдин ёхуд эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар бериш, «Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг Фахрий ходими», I, II, III даражали «А'lo xizmatlari uchun» кўкрак нишони, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ҳамда Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлаш Бош прокурор томонидан амалга оширилади»;

с) 35¹ ва 40-бандлар, 41-банднинг иккинчи хатбошиси, 43-банд, 44-банднинг биринчи хатбошиси, 44¹-банддаги тегишли келишикдаги «Инспекция бошлиғи» сўзлари чиқариб ташлансин;

т) 38-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бюро директори, Бюронинг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари бўйсунувидаги ходимларга нисбатан ҳайфсан ва жарима шаклидаги интизомий жазоларни қўллашлари мумкин. Бундан ташқари, улар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлардаги келишиш тартибига риоя қилган ҳолда хизматга қабул қилиш ва лавозимига тайинлаш ўз ваколатига қиравчи ходимларнинг лавозимини пасайтириши ёхуд хизматдан бўшатиши мумкин»;

у) 45-бандда:

учинчи хатбошидаги «Инспекцияда» сўзлари чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

ф) 48-бандда:

биринчи хатбошидаги «ва Инспекция» сўзлари чиқариб ташлансин;

иккинчи хатбошидаги «Инспекция бошлиғининг ўринбосарлари, Бюро ва Инспекция ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, шунингдек, Бюронинг, Инспекциянинг марказий аппаратлари» сўзлари «ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, шунингдек, Бюронинг марказий аппарати» сўзлари билан алмаштирилсин;

х) 49-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«49. Кадрлар захирасига номзодлар Бюро директори, унинг ўринбосарлари, Бюро марказий аппарати таркибий тармоқлари раҳбарлари ва ҳудудий бошқармалар бошлиқлари, шунингдек, прокуратура органлари, Бюро аттестация комиссиялари томонидан тақдим этилади.

Масъулиятли, малакали ва тажрибали ходимларнинг хизмат поғонасида юқорилаб боришини таъминлаш мақсадида Бюронинг кадрлар бошқармаси томонидан ички хавфсизликни таъминлаш бошқармалари ва Бюронинг бошқа тузилмалари билан биргаликда кадрлар захирасига номзодларни ҳолисона танлаш, уларни ўрганиш ҳамда касбга тизимли равишда тайёрлаш амалга оширилади»;

ц) 50-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бюро ва унинг ҳудудий бошқармаларининг раҳбар лавозимларига кадрлар захираси тегишлича Бюро ва унинг ҳудудий бошқармаларининг ҳайъатларида тасдиқланади»;

ч) 53-банднинг биринчи хатбошисидаги «Инспекция ходимлари хизмат автотранспорти ва махсус воситалар билан» сўзлари чиқариб ташлансин;

ш) 55-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«55. Бюро ходимларини моддий рағбатлантириш бюджетдан ажратиладиган маблағлар, Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан Бош прокурор томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади»;

э) 56-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«56. Ходимларга давомийлиги ўттиз календарь кундан иборат ҳақ тўланидиган йиллик таътил берилади. Ўн йилдан ортиқ иш стажига эга бўлган ходимларга давомийлиги беш календарь кун, ўн беш йилдан ортиқ иш стажига эга бўлганларга давомийлиги ўн календарь кун, йигирма йилдан ортиқ иш стажига эга бўлганларга эса давомийлиги ўн беш календарь кун ҳақ тўланидиган қўшимча таътил берилади»;

ю) 63-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«63. Бюрода хизматни ўташ ходим ишдан бўшатишда тугатилади»; учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бош прокурор, Бюро директори ва ҳудудий бошқармалари бошлиқларининг ташаббуси билан»;

олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бош прокурор, Бюро директори ва ҳудудий бошқармалари бошлиқларининг ташаббуси билан хизмат ўташни тугатиш учун қуйидагилар асос бўлади»;

ўн иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ходимнинг Бюрода хизматда бўлишининг энг юқори ёшига етиши»;

я) 64-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Хизматда бўлиш ёшининг чегарасига етган, юқори касбий тайёргарлик ва эгаллаб турган лавозимида катта амалий иш тажрибасига эга, зим-

масига юкланадиган хизмат вазифаларини бажаришга соғлиғи имкон берадиган ходим ўз ваколатлари доирасида Бош прокурор ёки Бюро директорининг розилиғи билан Бюрода хизматни давом эттириши мумкин»;

я¹) 66-банднинг биринчи хатбошисидаги «Бюро директори, Инспекция бошлиғи» сўзлари «Бош прокурор» сўзларига алмаштирилсин;

я²) 72-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«72. Бюро ва унинг ходимлари ўртасидаги меҳнат низолари Бош прокурор ва Бюро директори томонидан қўриб чиқилиши мумкин»;

я³) низомнинг иловаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
хузуридаги Мажбурий ижро бюросида
хизматни ўташ тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги
Мажбурий ижро бюросининг даражали унвонларга эга бўлган
ходимлари мансаб маошларига алоҳида меҳнат шароитлари
учун ҳар ойлик устамалар
МИҚДОРЛАРИ**

Бўлинмаларнинг номланиши	Мансаб маошига устамаларнинг миқдори (фоизларда)
Марказий аппарат	50
Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг бошқармалари	50
Туман (шаҳар) ва туманлараро бўлимлари	50

»;

8) 6-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги
Мажбурий ижро бюроси марказий аппарати ходимларининг
Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш
РАЗРЯДЛАРИ**

Лавозимлар номи	Разрядлар
Бюро директори	19
Бюро директорининг биринчи ўринбосари*	
Бюро директорининг ўринбосари*	
Бошқарма бошлиғи**	18
Бўлим бошлиғи**	17
Бош ҳисобчи	17
Бош: суриштирувчи, тафтишчи, инспектор, Бюро директорининг ёрдамчиси	15

Лавозимлар номи	Разрядлар
Катта: суриштирувчи, тафтишчи, инспектор	14

** Бюро директорининг биринчи ўринбосарига Бюро директори ставкасидан — 3%, Бюро директорининг ўринбосарига — 5% кам миқдорда.*
*** Бюро бошқарма ва бўлим бошлиғи ўринбосарига бошқарма ва бўлим бошлиғи ставкасидан 5% кам миқдорда»;*

9) 8-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Бюронинг шаҳарлар, Тошкент шаҳар туманлари ва туманлараро бўлимлари ходимларининг Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш
РАЗРЯДЛАРИ**

Лавозимлар номи	Шаҳарлар ва туманлар гуруҳлари бўйича разрядлар		
	гуруҳдан ташқари**	1-гуруҳ	2-гуруҳ
Бўлим бошлиғи — катта давлат ижрочиси	15	15	14
Бўлим бошлиғи ўринбосари*			
Давлат ижрочиси	14	14	13
депозит бўйича мутахассис	12	12	12

** Бюро шаҳар бўлими бошлиғининг ўринбосарига бўлим бошлиғи ставкасидан 5% кам миқдорда.*
*** Бюронинг Тошкент шаҳар туманлари, шунингдек, туманлараро бўлимлари гуруҳдан ташқари тоифага тегишли.*

1-гуруҳ

Андижон шаҳри,
Бухоро шаҳри,
Қарши шаҳри,
Навоий шаҳри,
Наманган шаҳри,
Нукус шаҳри,
Самарқанд шаҳри,
Фарғона шаҳри

2-гуруҳ

Гулистон шаҳри,
Жиззах шаҳри,
Термиз шаҳри,
Урганч шаҳри

»;

10) 9-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Бюро туман (шаҳар) бўлимлари ходимларининг Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш
РАЗРЯДЛАРИ**

Лавозимлар номи	Разрядлар
Бўлим бошлиғи — катта давлат ижрочиси	14
Бўлим бошлиғи ўринбосари*	

Лавозимлар номи	Разрядлар
Давлат ижроچиси	13
Депозит бўйича мутахассис	12

** Бюро туман (шаҳар) бўлими бошлигининг ўринбосарига бўлим бошлиғи ставкасидан 5% кам миқдорда».*

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 июндаги «Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–3060-сон қарорида:

1) 1-банднинг иккинчи ва бешинчи хатбошилари ҳамда 2-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин;

2) 3-бандда:

иккинчи — бешинчи хатбошилар қўйидаги мазмундаги иккинчи — тўртинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

«Жамғармани бошқариш ва унинг маблағларини тақсимлаш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари бошқарадиган Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

Кузатув кенгаши таркибига лавозимига кўра Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси директори, шунингдек, бошқа масъул шахслар ҳам кирази.

Жамғарма маблағлари тўпланиши ва сарфланишини тезкор бошқариш Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси (кейинги ўринларда Бюро деб юритилади) томонидан амалга оширилади.»;

олтинчи — тўққизинчи хатбошилар тегишинча бешинчи — саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

3) 5-банд ҳамда 1 ва 5-иловалар ўз кучини йўқотган деб топилсин;

4) 2-иловада:

а) 2-банд қўйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Жамғарманинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси (кейинги ўринларда Бюро деб юритилади) органлари ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш, шунингдек, мажбурий ижро тизимини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, Бюро ва прокуратура органлари фаолиятини таъминлашга қаратилган бошқа тадбирларни молиялаштириш ҳисобланади»;

б) 3-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин;

в) 4-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Жамғарма маблағлари қўйидагилар ҳисобидан шакллантирилади:

ваколатли органлар томонидан олиб қўйилган ва давлат даромадига ўтказилган мол-мулкларни сотишдан, шунингдек, қарздорнинг мол-мулкни сотиш ҳисобига солиқ қарздорлигини (давлат божидан ташқари) ундиришдан тушган маблағларнинг 8 фоизи;

Бюро органлари томонидан олиб қўйилган ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат даромадига ўтказилган мол-мулкларни сотишдан тушган маблағларнинг 8 фоизи;

ижро иши юритуви бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундирилган сумманинг 5 фоизи, қарздорнинг мол-мулкни сотиш ҳисобига ундирилган солиқ қарздорлиги бундан мустасно;

давлат ижрочилари томонидан ундириладиган ижро йиғими маблағларининг 100 фоизи;

Бюро ходимлари томонидан қўлланиладиган ва ундириладиган жарималар, шунингдек, пул маблағларини ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати ижро этмаганлиги учун банк ёки бошқа кредит ташкилотларига нисбатан қўлланиладиган ва ундириладиган жарималар суммасининг 80 фоизи;

Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан олинadиган даромадлар;

Бюро, шунингдек прокуратура органларининг Жамғарма маблағлари ҳисобидан харид қилинган асосий воситаларини сотишдан олинган маблағларнинг 50 фоизи, қолган 50 фоизи давлат бюджетига ўтказилади. Бюро ва прокуратура органлари томонидан асосий воситалар оммавий савдоларда сотилган тақдирда, маблағларни тақсимлаш уларни баҳолаш ва сотиш харажатлари чиқариб ташлангандан кейин амалга оширилади;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа даромадлар»;

г) 7-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«7. Жамғарма маблағлари қуйидагиларга йўналтирилади:

бино ва иншоотларини сақлаш, фойдаланиш, қуриш ва таъмирлашга;

Бюро органларини моддий-техник жиҳатдан таъминлашга, шу жумладан, уларни зарур инвентарлар, мебель, алоқа, компьютер ва бошқа оргтехника ҳамда бошқа воситалар билан таъминлашга, шунингдек, коммунал-фойдаланиш ва бошқа жорий харажатларининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланмаган қисмига;

хизмат ва махсус автотранспорт, шунингдек, бошқа техника воситаларини сотиб олишга, уларга сервис хизмати кўрсатиш, эҳтиёт қисмлари ва ёқилғи-мойлаш материаллари билан таъминлашга;

Бюро ходимлари меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг Давлат бюджетидан молиялаштирилмайдиган қисмини молиялаштиришга, шунингдек, Бюро ходимларини моддий рағбатлантиришга ва ижтимоий муҳофаза қилишга (хизмат уй-жой қуриш, санатория-курорт ва тиббий хизмат кўрсатиш, мукофотлар тўлаш, маошларга устамалар белгилаш, моддий ёрдам кўрсатиш ва хоказо);

қўшимча ходимларни сақлаб туришга, шунингдек, тегишли мутахассисларни фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида Бюрога ишга жалб қилишга;

белгиланган тартибда Бюро ходимларига уй-жойларни ижарага олганлик (ижарага турганлик) учун тўловларни компенсация қилишга;

прокуратура органлари ходимларига уй-жой ва автотранспорт воситаларини сотиб олиш бўйича кредитларнинг дастлабки бадалини кири-

тиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фоиизсиз қарз беришга;

Бюро органлари ходимларига овқатланиш ва йўлқира харажатлари учун ойлик тўловлар тўлаб беришга;

ахборот тизимлари, шу жумладан, ахборот-компьютер тизимлари, Бюро маълумотлар базаси ва ахборот ресурсларини ташкил этиш, хизмат кўрсатиш, бошқариш, такомиллаштириш ва кенгайтириш ҳамда Бюро органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ахборот хавфсизлигига қаратилган бошқа тадбирларни амалга оширишга;

Бюро ходимларини, шу жумладан, хорижий давлатларнинг илмий-тадқиқот, таълим ва бошқа муассасаларида ўқитиш, малакасини ошириш ҳамда стажировка ўташига;

Бюро ваколатига кирувчи масалалар бўйича Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрадиган хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар делегацияларининг ташрифларини ташкил этишга;

Бюро ходимларининг мамлакат ичкарисидagi ва унинг ташқарисидagi хизмат сафари харажатларини тўлашга;

Бюронинг семинарлари, давра суҳбатлари, конференциялари, амалий машғулотлари, тренинглари, профилактика ва бошқа тадбирларини ўтказишга;

Бюро фаолияти учун зарур бўлган босма ва бошқа материаллар билан таъминлашга;

Суд ижрочиларнинг халқаро иттифоқи, бошқа ихтисослаштирилган халқаро ва регионал ташкилотларда аъзолик учун бадал тўлашга;

давлат даромадига ўтказилган активларни хорижий давлатлардан қайтариш билан боғлиқ бўлган қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини ижро этилишини таъминлаш учун Бюро томонидан амалга ошириладиган тадбирларни, шу жумладан, хизмат сафарлари харажатларини қоплаш, ўзга ташкилотларнинг ахборот-маслаҳат хизматлари, ҳуқуқий ва бошқа хизматларни, йиғим ва божларни молиялаштиришга (қайтарилган активлар ёки улар сотилишидан тушган маблағлар ҳисобидан ушбу харажатларни Жамғармага қоплаш (қайтариш) шарти билан);

Мажбурий ижро тизими, Бюро органлари ва бошқа прокуратура органлари фаолияти самарадорлигини таъминлаш ва такомиллаштиришга қаратилган бошқа тадбирларга»;

д) 8-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин;

е) 9-банддаги «Бюро ва прокуратура» ва «Жамғарма дирекцияси» сўзлари тегишлича «Бюронинг ҳудудий бошқармалари ва бошқа» ва «Бюро» сўзлари билан алмаштирилсин;

ё) 10-банддаги «ва прокуратура органлари раҳбарлари» сўзлари «директори» сўзи билан алмаштирилсин;

ж) 12-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«12. Харажатларни молиялаштириш Бюро органлари ва бошқа прокуратура органлари томонидан Бюрога тақдим этиладиган талабномалар, тўловлар жадвалига мувофиқ амалга оширилади»;

з) 13-банддан «Бюро ва прокуратура органлари» сўзлари чиқариб ташлансин;

и) 14-банддаги «Бюро ва прокуратура органлари томонидан Жамғарма Дирекциясига» сўзлари «Бюро органлари ва бошқа прокуратура органлари томонидан Бюрога» сўзлари билан алмаштирилсин;

к) 15-банддаги «Жамғарма Дирекцияси» сўзлари «Бюро» сўзига алмаштирилсин;

л) 17¹-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин;

м) 18-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Кузатув кенгаши таркибига лавозимига кўра Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси директори, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти бошлиғи, шунингдек, бошқа масъул шахслар ҳам киради»;

н) 22-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«22. Жамғарманинг жорий фаолиятига раҳбарлик, шу жумладан, Жамғарма маблағлари тўпланиши ва сарфланишини тезкор бошқариш Бюро томонидан амалга оширилади»;

о) 24-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«24. Бюро Жамғарманинг жорий фаолиятига раҳбарликни амалга ошириш доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга»;

учинчи хатбошидан «Бюро» сўзи чиқариб ташлансин;

п) 25-бандда:

биринчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«25. Бюро Жамғарманинг жорий фаолиятига раҳбарликни амалга ошириш доирасида қуйидагиларга мажбур»;

олтинчи хатбошида «ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига» сўзлари «органлари ва бошқа прокуратура органларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

р) 26-27-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин;

с) 28-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«28. Бюро ҳар ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-санасидан кечиктирмасдан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига даромадлари ва харажатлари бўйича маълумотлар, шунингдек, Жамғарма Кузатув кенгашига йиллик ҳисоботни тақдим этади. Бюро ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига Жамғарма маблағларидан фойдаланилиши тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисобот тақдим этади»;

т) 29-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин;

5) 3-илова* қуйидаги тахрирда баён этилсин:

6) 4-иловада:

а) 2-бандда:

* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

«а» кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) лавозим маошидан. Даражали унвонларга эга бўлган Бюро ходимларининг лавозим маошини ягона тариф сеткаси бўйича тасдиқланган меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари бўйича аниқлашда тариф коэффициентлари бир ярим барабар миқдорда қўлланилади»;

«б» кичик банднинг олтинчи, еттинчи ва саккизинчи хатбошилари қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан алмаштирилсин:

«Бюронинг бошқа бошқарув ходимларига қўп йиллик меҳнати учун ҳар ойлик устама ҳақ тўлаш прокуратура ходимлари учун белгиланган миқдорда амалга оширилади. Бунда устама миқдорини белгилашда ходимнинг умумий иш стажининг инобатга олинади (олий ўқув юртидаги кундузги таълим даври бундан мустасно)»;

«в» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«в) қуйидагиларни ўз ичига оладиган рағбатлантирувчи ва бошқа тўловлардан:

ходимлар фаолиятини индивидуал баҳолаш асосида хизмат вазифаларини виждонан ва ташаббускорлик билан бажарганлиги ҳамда ишдаги юксак ютуқлари учун уларни йилда икки ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш фонди миқдорида мукофотлаш;

байрамлар, муҳим ва юбилей саналари, узоқ йиллик ҳамда бекаму қўст хизмати (меҳнати) учун, пенсияга чиққанда ва бошқа шу каби ҳолатлар муносабати билан мукофотлаш, шунингдек, меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 15 фоизи ҳисобидан шакллантириладиган Моддий рағбатлантириш махсус фонди маблағлари ҳисобидан шахсий устамалар;

овқатланиш харажатларини қоплаш учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг бир бараваригача миқдордаги ойлик тўловлар;

Бюро туман ва шаҳар ҳамда туманлараро бўлимлари ходимларига — йўлқира харажатларини қоплаш учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг бир бараваригача миқдордаги ойлик тўловлар, хизмат автотранспорти бириктирилган ходимлар бундан мустасно;

куз-қиш мавсумида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг беш баравари миқдорида йиллик тўловлар;

йилда бир марта ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш фонди миқдорида моддий ёрдам кўрсатиш;

бахтсиз ҳодисага учраган, шунингдек, хизмат вазифаларини бажаришда ҳалок бўлган Бюро ходимларининг оиласига моддий ёрдам кўрсатиш.

Овқатланиш ва йўлқира харажатлари учун ойлик тўловларнинг меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг бир бараваридан юқори миқдорини белгилаш, шунингдек, моддий рағбатлантириш фонди миқдорини кўпайтириш Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси Кузатув кенгашининг қарори билан амалга оширилади»;

б) 6-банднинг тўртинчи хатбошиси «туман (шаҳар)» сўзларидан кейин «ва туманлараро» сўзлари билан тўлдирилсин;

в) 13-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13. Бюро ходимларининг меҳнатга ҳақ тўлаш фондида кирадиган қуйидаги тўловлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади:

лавозим маоши;

алоҳида меҳнат шароитлари учун ойлик устама;

меҳнатни рағбатлантириш коэффициенти (Бюро туман (шаҳар) бўлимлари ходимларидан ташқари);

даражали унвон учун лавозим маошига ойлик устама (Бюро туман (шаҳар) бўлимлари ходимларидан ташқари);

йилда икки ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш фонди миқдорида мукофот;

йилда ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш фонди миқдорида моддий ёрдам;

15 фоизлик Моддий рағбатлантириш фонди.

Бюро ходимларининг меҳнатга ҳақ тўлаш фондида кирадиган бошқа тўловлар, шунингдек, бошқа моддий рағбатлантириш чоралари Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади»;

г) 14-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш марказини ташкил қилиш тўғрисида»ги ПҚ-3070-сон қарорида:

1) 1-банддаги «25» ва «42» рақамлари тегишинча «15» ва «28» рақамлари билан алмаштирилсин;

2) 2-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ижро иши юритиш ягона маълумотлар базасини, Ижро ҳужжатлари юзасидан қарздорликларни ундириш масалалари бўйича ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини, Алимент мажбуриятларини ижро этиш ва назорат қилишнинг ягона ахборот тизимини, мажбурий ижро органлари фаолиятида ишлатиладиган бошқа ахборот ресурслари, маълумотлар базалари ва дастурий комплексларни кузатиш ва бошқариш;

ижро ҳужжатлари ва улар бўйича ундирилган суммалар ишончли ҳисобини юритиш, алоҳида жараёнларни автоматлаштириш орқали ижро ҳужжатлари тизими тезкорлиги ва самарадорлигини ошириш ҳамда сифати давлат интерактив хизматларини кўрсатиш имконини берувчи илғор ахборот технологиялари ва дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш»;

3) 3-банднинг бешинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

4) 1-илова* қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

5) 2-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

**«Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
хузуридаги Мажбурий ижро бюроси Ахборот-коммуникация
технологияларини жорий этиш маркази ходимларининг
Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш
РАЗРЯДЛАРИ**

Лавозимлар номи	Разрядлар
Директор	18
Директор ўринбосари*	
Дастурчи	15
Маълумотлар базаси администратори	13
Корпоратив тармоқ администратори	12
Техник ҳужжатлаштириш бўйича муҳандис	12
Техник мутахассис	8

** Директор лавозимига меҳнат ҳақи тўлашдан 5% кам»;*

6) 4-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
хузуридаги Мажбурий ижро бюроси Ахборот-коммуникация
технологияларини жорий этиш маркази ходимларининг
ШТАТЛАР ЖАДВАЛИ**

Лавозимлар номи	Бирликлар сони
Директор	1
Директор ўринбосари	1
Ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш шуъбаси	
Дастурчи	5
Техник ҳужжатлаштириш бўйича муҳандис	3
Ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини юритиш шуъбаси	
Маълумотлар базаси администратори	1
Корпоратив тармоқ администратори	1
Техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш шуъбаси	
Техник мутахассис	3
Жами:	15

».

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда мол-мулкни реализация қилиш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3149-сон қарорининг 1-иловасида:

3-банднинг бешинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

25-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«25. Аукцион объектининг баҳоланган қийматининг 70 фоизига тенг нарх бошланғич нарх этиб, давлат фойдасига ундиришни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бўйича қўйилган мол-мулк сотишда суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самарадорлигини ошириш бўйича ҳудудий кенгашлар қарорига мувофиқ баҳоланган қийматининг 50 фоизигача тенг нарх бошланғич нарх этиб белгиланади, мазкур банднинг иккинчи хатбошисида назарда тutilган ҳолатлар бундан мустасно.

Гаровга қўйилган мол-мулк ушбу мол-мулк билан таъминланган қарз-ни ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари бўйича сотилаётган мол-мулкларни сотишда у баҳоланган қийматига тенг нарх бошланғич нарх этиб белгиланади.».

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 августдаги «Судлар ва адлия органлари фаолиятини моддий-техник ва молиявий таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-3240-сон қарори 1-ило-васининг 2-бандида:

иккинчи ва учинчи хатбошилардаги «16» рақами «40» рақами билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «24» рақами «40» рақами билан алмаштирилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 ноябрдаги «Электр энергияси ва табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жадал жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3384-сон қарорининг 6-бандида:

учинчи хатбошидан «ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура-си ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (кейинги ўринларда Бюро деб юритилади)» сўзлари чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбошидан «ва Бюро» сўзлари чиқариб ташлансин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги «Осиё тараққиёт банки иштирокида «Жиззах шаҳрида канализация тизи-мини ривожлантириш» лойиҳасини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3885-сон қарорининг 4-ило-васи 17-бандининг «Масъул ижрочилар» устунидан «Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси (Қудратхўжаев)» сўзлари чиқариб ташлансин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 июлдаги «Давлат органлари ходимларининг формали кийим-бош кийиб юриши тар-тибини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4394-сон қаро-рида:

а) 1-банднинг бешинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

б) 2-бандда:

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«хизмат мажбуриятларини бажараётган давлат ижроچиси мақомига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбу-рий ижро бюроси органлари ходимлари»;

тўртинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

бешинчи хатбоши «ички ишлар органлари» сўзларидан кейин «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси» сўзлари билан тўлдирилсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолияти самарадорлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Ф-4977-сон фармойиши иловасида:

28-банддан «Бош прокуратура ҳузуридаги Бюро (Б. Қудратходжаев)» сўзлари чиқариб ташлансин;

33-банд чиқариб ташлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 24 ноябрдаги
ПФ-6118-сон Фармонига
5-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини
йўқотган деб эътироф этилаётган айрим ҳужжатлари
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 ноябрдаги «Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш учун тўловларни тўлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5580-сон Фармонининг 1-банди ва 6-бандининг «а» кичик банди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги «Ёқилғи-энергетика соҳасида ўзаро ҳисоб-китобларни янада такомиллаштириш ва молиявий барқарорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5761-сон Фармонининг 1-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**521** Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида*

Қурилиш тармоғини янада такомиллаштириш, архитектура ҳамда қурилиш органлари ва муассасаларини изчил ривожлантириш механизмларини шакллантириш, давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини таъминлаш, соҳага рақамли технологияларни илғор жорий этиш мақсадида:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

худудларни шаҳарсозлик жиҳатидан ривожлантириш ва ушбу жараёнда жамоатчиликнинг самарали иштирокини таъминлаш;

шаҳарсозлик фаолиятининг сифати ва хавфсизлигини ошириш;

шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги маъмурий тартиб-таомилларнинг самарадорлиги, рационаллиги ва шаффофлигини таъминлаш, шунингдек, қурилиш тармоғи ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш;

шаҳарсозлик фаолиятини рақамлаштириш, тармоққа замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

шаҳарсозлик фаолияти соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, илмий салоҳиятни ривожлантириш.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган стратегияси (кейинги ўринларда — Стратегия) 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантириш стратегиясини 2021 — 2025 йилларда амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш бўйича мақсадли кўрсаткичлар 3-иловага* мувофиқ белгилансин:

2025 йил охирига бориб «Бизнес юритиш» халқаро индексида (Doing Business Index) «қурилишга рухсатномалар олиш» (Dealing with Construction Permits) йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикасининг позициясини жорий 61,7 баллдан 78,2 баллгача яхшилаш;

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 28 ноябрда эълон қилинган.

** 2-3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг геологик, табиий-иқлим, сейсмологик ва бошқа хусусиятларини инобатга олган ҳолда 2025 йилга бориб миллий шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини камида 50 фоиз даражасида халқаро норматив ва стандартлар билан уйғунлаштиришга эришиш;

2025 йилга бориб шаҳарларнинг барчасини ва шаҳар посёлкаларининг 25 фоизини бош режалар билан қамраб олишга эришиш;

2025 йилга бориб «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизими доирасида қўшимча тўртта электрон платформа яратилишини, шунингдек, уларнинг идоралараро ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари билан интеграция қилинишини таъминлаш;

лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишнинг «ҳажм» услубини жорий этиш улушини 2025 йилга бориб республикадаги қурилиш объектлари умумий сонининг 50 фоизигача етказиш;

2025 йилга бориб архитектура ва қурилиш соҳасидаги олий таълим муассасаларидан бирининг халқаро тан олинган ташкилотлар рейтингларидаги Осиё мамлакатларининг энг яхши олий таълим муассасалари рўйхатига (ТОП-1000) кириши.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2021 йил 1 январдан бошлаб қурилиш устидан жамоат назоратини таъминлаш мақсадида:

а) аҳоли пунктларининг бош режалари жамоат муҳокамаси натижаларини ҳисобга олган ҳолда тасдиқланади. Бунда аҳоли пунктлари бош режаларининг жамоат муҳокамаси қўйидаги тартибда амалга оширилади:

I босқич — фуқароларни жамоат муҳокамасини ўтказиш муддатлари, жойи ва тартиби билан таништириш;

II босқич — аҳоли пункти бош режасининг лойиҳаси бўйича жамоат муҳокамаларини (яшовчилар, ердан фойдаланувчилар ва кўчмас мулк объектлари мулкдорларининг муҳокамалари, ижтимоий сўровлари, фикрларини тўплаш ва бошқа усуллар) ўтказиш;

III босқич — жамоат муҳокамасининг қайд этилган натижалари асосида жамоат фикрини таҳлил қилиш;

IV босқич — жамоат муҳокамаси натижалари ҳақида оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, интернет тармоғи орқали аҳолини хабардор қилиш;

б) аҳоли пунктлари бош режаларининг юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, жамият ва давлат манфаатларига мувофиқлиги юзасидан жамоат экспертизасини амалга ошириш имконияти жорий этилади;

в) аҳоли пунктининг таклиф этилган бош режасидан норози бўлган жамоат назорати субъектларининг ташаббусига кўра аҳоли пунктининг муқобил бош режасини ишлаб чиқиш ёки унга ўзгартириш (тузатиш) кiritиш механизми жорий этилади;

г) аҳоли пунктлари бош режаларининг жамоат муҳокамасини ташкил этиш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари зиммасига юкланади.

5. Белгилансинки, 2021 йил 1 мартдан бошлаб:

а) икки қаватдан юқори (цоколни ҳисобга олмаган ҳолда), баландлиги ер юзасидан 12 метрдан ва (ёки) умумий майдони 500 квадрат метрдан ортиқ бўлган бино ва иншоотларни, шу жумладан, якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш объектнинг лойиҳа ҳужжатлари мажбурий экспертизадан ўтказилган ҳамда объектнинг Қурилиш вазирлиги қошидаги қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциялари томонидан давлат қурилиш назорати ўрнатилган ҳолда амалга оширилади;

б) қуйидагилар:

уй қурувчилар — жисмоний ва юридик шахсларга, асосий фаолият тури сифатида қурилиш-монтаж ишларини амалга оширувчи ташкилотлар бундан мустасно, мустақил равишда (хўжалик усулида), қурилиш ташкилоти билан қурилиш пудрати шартномасини тузмасдан икки қаватдан юқори (цоколни ҳисобга олмаган ҳолда), баландлиги ер юзасидан 12 метрдан ва (ёки) умумий майдони 500 квадрат метрдан ортиқ бўлган бино ва иншоотларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш;

аҳоли пунктлари ҳудудларининг функционал зоналарида жойлашган, бундай турдаги қурилиш учун мўлжалланмаган ер участкаларида кўп қаватли кўп квартирали уйларни қуриш;

лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказмасдан мавжуд бино ва иншоотларнинг, шу жумладан, якка тартибдаги уй-жойларнинг қаватлари сонини кўпайтириш (устки қават қуриш);

ўзгартирилган лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказмасдан қуриляётган бино ва иншоотларнинг қаватлари сонини (лойиҳа ҳужжатларини ўзгартириш йўли билан) кўпайтириш тақиқланади;

в) лойиҳа ҳужжатлари бўйича ижобий эксперт хулосаси эксперт ташкилоти томонидан «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимидаги «Эксперт хулосаларининг ягона реестри»га киритилган тақдирда ҳақиқий деб тан олинади, давлат сирини ташкил этувчи маълумотларни ўз ичига олган лойиҳа ҳужжатлари бўйича эксперт хулосалари бундан мустасно.

6. Қурилиш вазирлигига техник тартибга солиш соҳасидаги миллий норматив ҳужжатлар, давлат стандартларини ишлаб чиқиш ва қайта ишлаш, шунингдек, шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги хорижий норматив ҳужжатларни мослаштириш бўйича ишлар (товарлар, хизматлар)нинг давлат харидларини, кейинчалик улар тўғрисидаги ахборотни шартнома тузилган санадан эътиборан уч кундан кечиктирмай давлат харидлари махсус ахборот порталида жойлаштирган ҳолда, тўғридан-тўғри шартномалар бўйича амалга оширишга рухсат берилсин.

7. Қурилиш вазирлиги (Б.И. Закиров) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

икки ой муддатда якка тартибдаги уй-жой қурилиши соҳасидаги сейсмик ва ёнғин хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътиборни қаратган ҳолда, ушбу соҳада ҳуқуқий тартибга солиш механизмларини такомиллаштиришни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасига киритилишини;

2020 йил 1 декабргача Қурилиш соҳасида электрон давлат харидлари-

ни ўтказиш тартиби тўғрисидаги вақтинча низом лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритилишини;

2021 йил 1 июнгача бирламчи рухсат бериш ҳужжатлари, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, уларни экспертизадан ўтказишдан тортиб объектларни фойдаланишга топширишгача бўлган барча қурилиш жараёнларини назарда тутувчи Ягона маъмурий қурилиш регламенти ишлаб чиқилишини;

2021 йил 1 июнгача илғор халқаро тажрибани ўрганиш асосида лойиҳа-қидирув ва қурилиш фаолиятига суғурталаш тамойилларини босқичма-босқич жорий этиш бўйича таклифлар Вазирлар Маҳкамасига киритилишини;

2021 йил 1 августгача Қурилиш вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш комплаенс тизимининг жорий этилишини, 2022 йил 1 январгача эса ISO 37001 халқаро стандартига (Коррупцияга қарши курашиш менежменти тизими) мувофиқлик сертификати олинишини;

2021 йил 1 сентябргача фуқароларга қурилаётган объектлар тўғрисида мустақил равишда ахборот олиш, ноқонуний қурилишларни аниқлаш, қурилиш объектларида аниқланган қоидабузарликларни қайд этиш (фото ва видеоматериаллар кўринишида) ва уларни қурилиш соҳасидаги назорат бўйича ваколатли органларга юбориш имконини берувчи «Огоҳ фуқаро» электрон тизимининг яратилишини;

2022 йил 1 мартгача Халқаро ижтимоий таъминот ассоциациясининг (ISSA) концепциясини жорий этишга асосланган «Қурилиш майдончаларида жароҳатланишга барҳам бериш» дастурининг ишлаб чиқилишини;

2022 йил 1 июлгача шаҳар муҳити элементларининг мақсади, анъанавий архитектура ва маданияти, шунингдек, жойнинг табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда ҳудудий «дизайн-код»нинг ишлаб чиқилиши ва жорий этилишини;

2022 йилдан бошлаб, ҳар йили 1 декабргача жорий йил вазифаларининг ижро этилишини чуқур таҳлил қилган ҳолда келгуси йилда ушбу Стратегияни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг ишлаб чиқилиши ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин.

8. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Б. Хусанов) ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги (А.Х. Камилов) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2021 йил 1 июнгача муддатда Халқаро меҳнат ташкилотининг Қурилишда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тўғрисидаги 167-сон Конвенциясига Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши мақсадга мувофиқлигини ўрганиб чиқсин ва ўрганиш натижаларига кўра Вазирлар Маҳкамасига асосланган таклифлар киритсин.

9. Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И.И. Норқулов) ҳар йили Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда Стратегияни амалга оширишга доир «Йўл харитаси»да кўрсатилган чора-тадбирларни амалга оширишда йўналишлар бўйича зарур маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

10. Тошкент шаҳри Қурилиш бош бошқармаси ва Тошкент шаҳри

туманлари қурилиш бўлимлари Қурилиш вазирлиги бўйсунувига берилсин.

Қурилиш вазирлиги (Б.И. Закиров) икки ой муддатда Тошкент шаҳри Қурилиш бош бошқармаси ва Тошкент шаҳри туманлари қурилиш бўлимларининг вазифалари, функциялари ва ташкилий тузилмаларини қайта кўриб чиқсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклифлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига:

Стратегия ўз вақтида ва самарали ижро этилиши устидан парламент назоратини ўрнатиш;

вазирлик ва идоралар, шунингдек, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг Стратегияни амалга ошириш доирасида қилинган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини ҳар чоракда Сенат ва Қонунчилик палатаси мажлисларида эшитиб бориш тавсия этилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 4-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

13. Қурилиш вазирлиги (Б.И. Закиров) бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил этиш мақсадида Бош вазир ўринбосарлари (А.Ж. Раматов, Ж.А. Қўчқоров, С.У. Умурзаков):

мутасадди вазирлик ва идораларнинг ушбу Фармонда назарда тутилган кўрсаткичларга тўлиқ ва ўз вақтида эришилишини таъминлаш бўйича биринчи навбатдаги вазифаларини белгиласин ҳамда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштирсин;

зарур маблағларнинг ўз вақтида ажратилиши, манзилли сарфланиши ва тўлиқ ўзлаштирилишини таъминласин;

ҳар ойда масъул шахсларнинг қилинган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиб борсин;

зиммасига юкланган вазифаларнинг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини таъминламаган мансабдор шахсларга нисбатан эгаллаб турган лавозимидан озод қилишгача бўлган таъсир чораларини қўллаш тўғрисида таклифлар киритиб борсин;

Қурилиш вазири Б.И. Закиров:

икки ҳафта муддатда қурилиш тармоғини ривожлантиришнинг белгилаб қўйилган устувор йўналишлари бўйича идоралараро ишчи гуруҳларини тузсин;

ушбу Фармонда назарда тутилган кўрсаткичларга эришиш жараёнида вужудга келадиган жорий муаммоларни жойида тезкор ҳал этиш чораларини кўрсин.

15. Мазкур Фармоннинг ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиш, ижро учун масъул органлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов ва қурилиш вазири Б.И. Закиров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар чорак якуни бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлиги тўғрисида ахборот тақдим этилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 27 ноябрь,
ПФ-6119-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 27 ноябрдаги
ПФ-6119-сон Фармонига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация
қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг
2021 — 2025 йилларга мўлжалланган
СТРАТЕГИЯСИ**

1-боб. Умумий қоидалар

Инсон яшаш фаолиятининг хавфсиз ва қулай муҳитини шакллантириш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асоси ҳисобланади.

Қурилиш тармоғи иқтисодиётнинг барча соҳалари моддий-техник базасини яратишда ҳамда аҳолининг шинам уй, ижтимоий ва муҳандислик инфратузилмаси хизматлари, шунингдек, маданий хордиққа бўлган эҳтиёжларини қондиришда муҳим роль ўйнайди.

Қурилиш соҳасидаги давлат сиёсати мамлакат, минтақалар ва тармоқларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини муваффақиятли амалга оширишни таъминлаш мақсадида инновациялар, инвестициялар, меҳнат ва моддий ресурслардан самарали фойдаланиш орқали тармоқ салоҳиятини оширишга йўналтирилган.

Шу билан бирга, қурилиш тармоғининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи қуйидаги тизимли муаммолар мавжуд:

шаҳарсозлик фаолиятини техник тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар сезиларли даражада эскириб қолди ҳамда архитектура-қурилиш ишларини олиб боришнинг замонавий услубларини, энергия тежамкор технологиялар ва материалларни кенг қўллаш имкониятларини инобатга олмайд;

кўпчилик аҳоли пунктларида бош режалар мавжуд эмаслиги ёки бино ва иншоотларни қуришда уларга риоя қилинмаслиги ҳудудларда комплекс равишда қурилиш олиб бориш, ишлаб чиқариш ва инфраструктура объект-

ларини жойлаштириш, тадбиркорлик, ишчанлик ва инвестиция фаоллигини ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатмоқда;

лойиҳа-қидирув ишларининг мавжуд бозори тенденциялари кўп ҳолларда лойиҳа ишининг илғор ривожланиши, юқори технологияли, замонавий ва ўзига хос архитектура лойиҳаларини яратиш учун шарт-шароит туғдирмайди;

шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомилларининг мукамал эмаслиги ва оқибатда ходимларни қурилиш-монтаж ишларига ноқонуний асосда (керакли ҳужжатларни расмийлаштирмасдан) жалб қилиш, ўзбошимчалик билан қурилган биноларнинг кўпайиши, қурилиш ташкилотлари ходимларининг зарур билим ва малакага эга эмаслиги қурилиш тармоғининг инвестициявий жозибадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда ҳамда қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда, қурилган бино ва иншоотлардан кейинчалик фойдаланишда хавфсизлик талабларининг бузилишига олиб келмоқда;

замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш даражасининг пастлиги инвестиция жараёнлари иштирокчилари ва шаҳарсозлик фаолияти субъектларига давлат хизматларини кўрсатишнинг максимал шаффофлиги ва тезкорлигини таъминлаш имконини бермайди;

амалий қурилиш фанининг ривожланмаганлиги, олий таълим муассасаларининг илмий ва моддий-техник салоҳияти заифлиги кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантириш имконини бермайди.

Юқорида кўрсатилган муаммолар қурилиш тармоғининг жадал инновацион ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Шу муносабат билан қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур Қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган стратегияси (кейинги ўринларда — Стратегия) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 мартдаги ПФ–5963-сонли «Ўзбекистон Республикасининг қурилиш соҳасида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ ишлаб чиқилган.

Стратегия хорижий мамлакатлар қурилиш соҳасидаги структуравий ўзгаришларининг энг яхши тажрибалари ва шаҳарсозлик фаолияти ривожланишининг жаҳон тенденцияларини ўрганиш асосида 2021 — 2025 йилларда қурилиш тармоғини ривожлантириш мақсадлари ва устуворликлари, ислох қилиш йўналишларини белгилайди.

2-боб. Стратегиянинг мақсад ҳамда вазифалари

Қурилиш тармоғида бошқарувнинг замонавий услубларини шакллантириш, лойиҳаларни амалга оширишда инвестициявий жозибадорликни ошириш ва инновацион ечимларни жорий этишга йўналтирилган ўзгаришларни амалга ошириш Стратегия мақсади ҳисобланади.

Стратегия қуйидаги устувор йўналишларни назарда тутди:

худудларни шаҳарсозлик жиҳатидан ривожлантириш ва ушбу жараёнда жамоатчиликнинг самарали иштирокини таъминлаш;

шаҳарсозлик фаолиятининг сифати ва хавфсизлигини ошириш;

шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги маъмурий тартиб-таомилларнинг самарадорлиги, рационаллиги ва шаффофлигини таъминлаш, шунингдек, қурилиш тармоғи ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш;

шаҳарсозлик фаолиятини рақамлаштириш, тармоққа замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

шаҳарсозлик фаолияти соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, илмий салоҳиятни ривожлантириш.

3-боб. Стратегиянинг асосий йўналишлари

1-§. Худудларни шаҳарсозлик жиҳатидан ривожлантириш ва ушбу жараёнда жамоатчиликнинг самарали иштирокини таъминлаш

Худудларни шаҳарсозлик жиҳатидан ривожлантириш худуддан фойдаланиш ва уни ривожлантиришнинг иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитларини уйғунлаштириш асосида уларни барқарор ривожлантириш орқали, қуйидаги тамойилларга риоя қилган ҳолда амалга оширилади:

а) инсоннинг ҳам аҳоли зич бўлган, ҳам аҳоли зич бўлмаган худудларда муносиб яшаши учун шароитларни яратиш ва сақлаш;

б) мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий ва экологик ривожланиши учун тенг шарт-шароитларни яратиш, ривожланишнинг узоқ муддатли салоҳиятини сақлаш ва лозим даражада таъминлаш;

в) аҳоли пунктларининг кўп марказли тузилишини ривожлантириш, урбанистик воситалар ёрдамида шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги алоқаларни яхшилаш;

г) янги аҳоли зич бўлмаган худудларни ўзлаштиришдан кўра мавжуд аҳоли пунктлари худудларини янгилаш ва улардан интенсив фойдаланишга устунлик бериш, ердан эҳтиёткорона фойдаланиш, шунингдек, келажакда макондан фойдаланишнинг турли имкониятларини сақлаб қолиш;

д) аҳоли зич бўлмаган худудлар тизимини ҳимоя қилиш ҳамда шаклланган табиий ва маданий хилма-хилликни сақлаш;

е) заиф ривожланган инфратузилмага эга аҳоли пунктини шаҳарлар ва бошқа ривожланиш марказлари билан ҳамкорлик асосида мустақил (ўзини ўзи таъминлай оладиган) функционал бирликка айлантириш;

ж) хизматлар ва транспорт/муҳандислик инфратузилмасининг аҳоли зич бўлган ва аҳоли зич бўлмаган худудлар тизимига самарали мувофиқлиги, бутун мамлакат худудида коммуникациялардан фойдаланиш ва ахборот олиш имконияти, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш ва унга қўмаклашиш;

з) аҳоли пунктларида яхлит транспорт тизимининг шаклланишига кўмаклашиш ва жамоат транспортига устунлик бериш;

и) транспорт/муҳандислик инфратузилмасининг атроф-муҳитга салбий таъсирини максимал даражада қисқартириш, бошқа кутиладиган салбий таъсирларни енгиш;

к) тарихий ва маданий алоқалар, маданий ва табиий ландшафтлар, уларнинг ўзига хос белгилари, тарихий ва табиий ёдгорликларни ҳимоя қилиш ва сақлаш;

л) қўриқланадиган ҳудудлар ва рекреация ҳудудларини сақлаш ва ривожлантириш; тупрок, сув, флора, фауна ва иқлимни сақлаш, ҳимоя қилиш ва тиклаш;

м) тегишли режалаштириш ечимлари, муҳандислик ва ташкилий-хўжалик чора-тадбирлари орқали аҳоли зич бўлган ва аҳоли зич бўлмаган ҳудудларни табиий, техноген ва ижтимоий таҳдидлар ҳамда фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш;

н) қайта тикланадиган энергияни ривожлантириш учун истиқболли жойларни сақлаб қолиш, атмосфера ҳавосидан иссиқхона газларини сингдиришга ёрдам берувчи макон-ҳудудий ечимларни яратиш;

о) табиий ва маданий ландшафтларни, айниқса, қишлоқ хўжалиги ҳудудлари ва кўп функцияли ихчам аҳоли пунктларини ривожлантиришга кўмаклашиш йўли билан сақлаш ва барқарор ривожлантириш;

п) макон ва шаҳарсозлик бўйича режалаштириш жараёнида сейсмик ҳолатни ҳисобга олиш.

Инсоннинг яшаш фаолияти учун муносиб муҳитни, атроф-муҳит, табиий ресурслар ва маданий меросни муҳофаза қилишни таъминлаш ҳамда оммавий ва шахсий манфаатлар мувозанатига эришиш учун ҳудудларни шаҳарсозлик жиҳатидан ривожлантириш масаласида жамоатчиликнинг ролини ошириш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Баён этилганлар муносабати билан Стратегия доирасида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилади:

1) ижтимоий-иқтисодий ва инвестициявий ривожлантиришнинг узок муддатли прогнозлари билан боғлиқликда янги аҳоли пунктларини жойлаштириш ва мавжуд аҳоли пунктларини ривожлантириш бўйича фаолиятни бирлаштириш мақсадида мамлакатнинг бутун ҳудудида жойлаштиришнинг бош схемасини ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларида туманларни режалаштириш схемаларини ишлаб чиқиш;

2) шаҳар муҳити элементларининг мақсади, анъанавий архитектура ва маданият, шунингдек, жойнинг табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда ҳудудий «Дизайн-код»ни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

3) шаҳар муҳитини математик (3D) моделлаштириш бўйича стандартлар мажмуини жорий этган ҳолда «Ақлли шаҳар» технологиялари элементларидан фойдаланиш;

4) 2025 йилга бориб аҳоли пунктларининг ҳудудларни ривожлантириш схемалари (бош режалар, бош режалар схемалари, ҳудудни архитектура-

режалаштириш юзасидан ташкиллаштириш) билан тўлиқ қамраб олинишига эришиш;

5) аҳоли пунктларининг бош режаларига комплекс шаҳарсозлик жиҳатидан ривожлантиришни стратегик режалаштириш, шунингдек, ердан фойдаланиш ва аҳоли пунктлари ҳудудларида қурилиш олиб боришни тартибга солишни таъминловчи оммавий ҳужжат мақомини бериш;

6) аҳоли пунктларининг бош режаларининг жамоат муҳокамаси натижаларини инобатга олган ҳолда уларни тасдиқлаш тартибини амалиётга жорий этиш;

7) шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қўллашнинг ягона стандартларини яратиш;

8) шаҳарни режалаштириш соҳасидаги илғор хорижий тажрибани ўрганиш, шу жумладан, архитектура ва шаҳарсозлик лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш учун ишончли обрў ва тажрибага эга бўлган етакчи хорижий мутахассислар ва ташкилотларни жалб қилиш.

2-§. Шаҳарсозлик фаолияти сифатини ва хавфсизлигини ошириш

Бино ва иншоотларни лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланишнинг замонавий стандартлари мавжуд бўлганда ҳамда шаҳарсозлик фаолияти субъектлари уларга риоя қилганда бино ва иншоотларнинг лозим даражадаги сифатини ва хавфсизлигини таъминлаш мумкин бўлади. Шунингдек, қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда меҳнатни муҳофаза қилиш, қурилиш объектларида бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш тизимларини такомиллаштириш зарур.

Ушбу йўналишда Стратегияни амалга оширишда қуйидаги тамойилларга таяниш лозим:

а) бино ва иншоотларни лойиҳалаштириш ва қуриш қисмида техник тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш энг яхши хорижий тажрибани инобатга олиши лозим;

б) бино ва иншоотлар инсон саломатлиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, хавфсизлик ва ободонлаштириш талабларига мувофиқ бўлиши керак;

в) бино ва иншоотлар шундай лойиҳалаштирилиши ва қурилиши керакки, токи уларнинг максимал даражада узоқ яшаши таъминлансин;

г) бинолар, иншоотлар ва жамоат масканларини лойиҳалаштириш ва қуриш қисмида техник тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар қуйидагилар бўйича талабларни назарда тутиши лозим:

бино ва иншоотларнинг архитектура параметрлари ва эстетик тавсифлари;

бино ва иншоотларнинг конструктив мустаҳкамлиги, барқарорлиги ва ишончилиги;

бино ва иншоотлардан фойдаланиш даврида ёнғин хавфсизлиги, саломатлик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, хавфсизлик;

бинолар, иншоотлар ва жамоат масканларидан имкониятлари чекланган шахсларнинг фойдаланиши мумкинлигини таъминлаш;

биноларнинг энергия тежамкорлиги ва уларнинг шовқиндан ҳимоя қилиши;

бино ва иншоотларда қайта тикланадиган энергиядан фойдаланиш.

Баён этилганлар муносабати билан Стратегия доирасида қуйидаги чоратадбирларни амалга ошириш назарда тутилади:

1) ҳудудларнинг геологик, табиий-иқлим, сейсмологик ва бошқа хусусиятларини инобатга олган ҳолда техник тартибга солиш соҳасидаги миллий ҳужжатларни хорижий норматив ҳужжатлар билан уйғунлаштириш;

2) бино ва иншоотларнинг хавфсизлиги ва энергия тежамкорлигини ошириш, объектнинг ҳаётий даври мобайнида инновацион технологияларни қўллашга йўналтирилган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

3) бино ва иншоотлар конструкциялари ва асосларининг, шу жумладан, мураккаб табиий ва табиий-техноген шароитлардаги ёнғин ва механик хавфсизлиги бўйича талабларни ўз ичига олувчи бино ва иншоотларнинг хавфсизлиги бўйича умумий техник регламентни ишлаб чиқиш;

4) «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизими доирасида маълумотлар базаларига ахборотни жамлаган ҳолда, таянч конструкцияларнинг «ўзини тутиши»ни кузатиб боришга, ўз вақтида бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга ва хавфсизликни оширишга йўналтирилган бино ва иншоотларнинг конструктив элементларини «бузмайдиган назорат қилиш» тизимларини жорий этиш;

5) жаҳон тажрибасини ўрганиш асосида лойиҳа-қидирув ва қурилиш фаолиятига хавф-хатарларни суғурта қилиш тамойилларини босқичма-босқич жорий этиш;

6) давлат хизматларини кўрсатувчи ва рухсат бериш тартиб-таомилларини амалга оширувчи, лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказувчи, шунингдек, қурилиш соҳасидаги назоратни амалга оширувчи ваколатли органлар ва ташкилотларнинг ходимларини даврий аттестациядан ўтказиш тизимини жорий этиш;

7) етакчи хорижий архитекторлар, муҳандис-конструкторлар ва қурувчиларни жалб қилган ҳолда архитектура ва қурилиш соҳасида тренинглар, семинарлар, маҳорат дарслари, ўқув курсларини ташкил этишда нодавлат нотижорат ташкилотлари, хусусан, Ўзбекистон Архитекторлар уюшмаси, Ўзбекистон Муҳандислар-консультантлар уюшмаси ролини ошириш;

8) инжиниринг хизматларини кўрсатишда (шу жумладан, муаллифлик ва техник назорат) «аутсорсинг» тамойилларини жорий этиш;

9) лойиҳа ва пудрат ишига «устоз-шогирд» тамойилларини татбиқ қилиш;

10) шаҳарсозлик фаолиятининг барча иштирокчилари (буюртмачи, лойиҳачи, пудратчи, фойдаланувчи ташкилот) томонидан қурилиш объекти ҳаётий даврининг барча босқичларида ахборот моделлаштиришнинг замонавий технологиялари қўлланилишини рағбатлантириш;

11) Халқаро меҳнат ташкилотининг Курилишда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тўғрисидаги 167-сон Конвенциясига Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши чораларини кўриш;

12) қурилиш майдончаларида потенциал таҳдидларни аниқлаш, касбий хавф-хатарларни баҳолаш, назорат қилиш ва бошқаришни назарда тутувчи меҳнат хавфсизлиги стандартлари ва ISO:45001 халқаро стандарти тизимига мувофиқ Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимини қурилиш тармоғи объектларида жорий этишни таъминлаш;

13) Халқаро ижтимоий таъминот ассоциациясининг (ISSA) концепциясини жорий этишга асосланган «Қурилиш майдончаларида жароҳатланишга барҳам бериш» дастурини ишлаб чиқиш;

14) меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси масалалари бўйича касбий кўникмаларни келгусида ривожлантириш мақсадида қурилиш пудрат ташкилотларининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги мутахассислари малакасини ошириш ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассиснинг малака сертификатини олиш тизимини жорий этиш;

15) ходимларнинг иш жойларида хавфсизлик ва гигиена талабларига риоя қилиш масалаларида иштирок этиши орқали кадрларга инвестиция қилиш, мотивация тизимини жорий этиш.

3-§. Шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги маъмурий тартиб-таомилларнинг самарадорлиги, рационаллиги ва шаффофлигини таъминлаш, шунингдек, қурилиш тармоғи ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш

Шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги маъмурий тартиб-таомилларнинг самарадорлиги, рационаллиги ва шаффофлиги ишчанлик ва инвестиция муҳити яхшиланишининг гарови ҳисобланади. Рухсат бериш тартиб-таомилларининг изчил такомиллаштирилиши рухсатномалар тизимини эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш учун мустаҳкам пойдевор, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш йўли билан тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратади.

Стратегия доирасида маъмурий тартиб-таомилларнинг самарадорлиги, рационаллиги ва шаффофлигини қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш орқали таъминлаш назарда тутилади:

1) «Бизнес юритиш» халқаро индексида «Қурилишга рухсатномалар олиш» йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикасининг позициясини яхшилаш;

2) шаҳарсозлик фаолияти субъектлари учун лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш;

3) тадбиркорлик фаолияти объектларини қуриш учун ер участкаларини ажратиш бўйича рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш;

4) электрон тендер платформаси ҳамда лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтингини жорий этиш орқали лойиҳа ва пудрат ишларининг давлат харидлари тартиб-таомилларини ўтказиш тартибини такомиллаштириш;

5) нодавлат ташкилотлари томонидан лойиҳалаштириш ва қурилиш соҳасидаги мутахассисларни касбий сертификатлаштириш, шунингдек, ушбу нодавлат ташкилотларининг Қурилиш вазирлиги томонидан аккредитация қилиниши тизимини жорий этиш;

6) зарур ҳолларда халқаро молия институтлари, халқаро консалтинг компаниялари ва хорижий экспертлар билан ҳамкорлик қилиш орқали қурилишда нарх шаклланиши тартибини чуқур таҳлил қилиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва тегишли ечимларни ишлаб чиқиш;

7) лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишнинг «ҳажм» услубини босқичма-босқич жорий этиш ва унинг асосида шаҳарсозлик фаолияти субъектлари (буюртмачи, лойиҳачи ва пудратчи) томонидан қурилиш-монтаж ишларининг амалга оширилиши:

I босқич — «ресурс» ва «ҳажм» услубларини солиштириш ва унинг натижаларига кўра «ҳажм» услубини жорий этиш бўйича таклифларни тайёрлаш;

II босқич — марказлаштирилмаган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳалар доирасида «ҳажм» услубини тажриба-синов тарзида қўллаш;

III босқич — шаҳарсозлик фаолияти субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларда «ҳажм» услубини босқичма-босқич татбиқ этиш;

8) қурилиш материалларининг батафсил техник тавсифларини кўрсатиш (идентификация қилиш) учун мўлжалланган «Қурилиш материаллари миллий классификатори» электрон платформасини жорий этиш;

9) қурилиш қийматини аниқлашнинг бозор тамойиллари ҳамда буюртмачи, лойиҳачи ва пудратчи ўртасидаги шартномавий муносабатларга асосланган муқобил механизмларини параллель равишда ишлаб чиққан ҳолда лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларининг смета қисмини давлат экспертизадан ўтказишга доир талабларни бекор қилиш;

10) давлат ва унга тенглаштирилган молиялаштириш манбалари ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар бўйича қурилиш соҳасидаги техник буюртмачилар тизимини хусусий тадбиркорлик субъектларини техник буюртмачи функцияларини амалга оширишга жалб қилиш ҳисобига тубдан ислоҳ қилиш;

11) буюртмачи функцияларини амалга оширувчи хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан лойиҳаларни бошқаришнинг замонавий услублари (бенчмаркинг, ERP-тизимлари, ҳодисаларни моделлаштириш ва бошқалар) қўлланилишини рағбатлантириш;

12) лойиҳа ташаббускорлари (юридик ва жисмоний шахслар) учун лойиҳани бошқариш бўйича замонавий хизматларни (буюртмачи хизматлари, инжиниринг хизматлари ва бошқалар) оммалаштириш;

13) қуйидагилар орқали давлат лойиҳа институтларини трансформация қилиш:

давлат лойиҳа-қидирув ташкилотларини молиявий ва технологик аудитдан ўтказиш учун хорижий экспертларни жалб қилиш;

ҳар бир давлат лойиҳа институти бўйича ривожлантиришнинг тижо-

рат концепцияларини, шу жумладан, техник-иқтисодий ва молиявий кўрсаткичларни ишлаб чиқиш;

инвестициялар жалб қилиш ва (ёки) қурилиш ташкилотларининг давлат лойиҳа ташкилотлари билан кооперациясини таъминлаш мақсадида инвесторлар қидириш ҳамда инвесторлар ва муваффақиятли фаолият юритаётган қурилиш компаниялари билан музокаралар ўтказиш;

лойиҳа-қидирув ташкилотлари фаолиятида давлат иштироки улушини қисқартириш;

14) кўчмас мулк объекти давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг ипотека объектини расмийлаштириш шарти билан тижорат банклари томонидан қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш даврида бериладиган, қурилишнинг улушли иштирокчиларининг ипотека кредити маблағлари ҳисобига қурилиш пудрат ташкилотларини молиялаштиришни тезлаштириш имкониятини таъминлаш;

15) истиқболли шаҳарсозлик салоҳиятига эга бўлган, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфраструктурасининг етарли қуввати билан таъминланган кўп квартирали уйларни қуриш учун ер участкаларини қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда аукционга қўйиш:

аҳоли томонидан уй-жой мулкисининг истиқболда сотиб олинишига прогноз эҳтиёжни ўрганиш ва таҳлил қилиш;

инвесторлар томонидан тегишли инвестиция шартларининг кафолатланган тарзда бажарилишини таъминловчи талабларни қўйиш;

16) улушли иштирок этиш асосида уй-жой қуришни имтиёзли кредитлаш учун халқаро молия институтлари маблағларини фаол жалб қилиш сиёсатини давом эттириш;

17) халқаро консалтинг компанияларини жалб қилган ҳолда ва истиқболда урбанизация жараёнларини чуқур таҳлил қилиш асосида инвесторларга уй-жой комплексларини яратиш лойиҳаларини амалга оширишни таклиф қилишга йўналтирилган республика минтақаларидаги селитеб ҳудудларни ривожлантиришнинг тижорат концепцияларини ишлаб чиқиш;

18) хом ашё ресурсларини тежашга йўналтирилган саноат, қурилиш ва каттиқ майший чиқиндиларни чуқур қайта ишлаш орқали қурилиш материалларининг янги турларини ишлаб чиқаришга жорий этиш;

19) қурилишда энергия жиҳатидан самарадор ва энергия тежамкор материалларни (газобетон, пенобетон, полистиролбетон, базальт асосида иссиқлик сақловчи материаллар, полистирол билан тўлдирилган сэндвич панеллар ва бошқалар), асбоб-ускуна ва приборларни (қуёш панеллари ва конвекторлари, мавжудлик ва ҳаракат датчиклари, терморегуляторлар, электрон сантехника ва бошқалар) қўллашни кенгайтириш;

20) бино ва иншоотларнинг энергия тежамкорлик синфлари бўйича таҳлилий маълумотлар базасини шакллантирган ҳолда уларнинг энергетик аудити тизимини кенг жорий этиш;

21) кейинчалик экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқарган ҳолда табиий декоратив ва пардозлаш тошлари (гранит, мрамор, травертин

ва бошқалар) захираларининг янги конларини ўзлаштириш бўйича геология-кидирув ишларини олиб бориш;

22) анъанавий лой ғишт ўрнини босувчи муқобил қурилиш материаллари захираси мавжудлиги ва уларни қўллаш имкониятларини ўрганиш;

23) ресурс тежамкор технологияларни, табиий газ ўрнини босувчи ёнилғи-энергетика ресурсларининг қайта тикланадиган ва муқобил турларини қўллаган ҳолда қурилиш материалларини ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш;

24) қурилиш мақсадидаги тайёр маҳсулотларни маҳаллийлаштириш даражасини ошириш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш;

25) энергия тежамкор технологияларни қўллаган ҳолда қурилиш материалларини ишлаб чиқариш жараёнлари жорий этилган корхоналарни рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш;

26) энг яхши хорижий тажрибани ўрганишни ҳисобга олган ҳолда ташкилотлар кооперацияси асосида кластер қурилиш тизимини (ишлаб чиқариш-қурилиш, инвестиция-қурилиш ва лойиҳа-қурилиш кластерлари) жорий этиш;

27) кластер усулида тажриба алмашиш ҳамда қурилиш-монтаж жараёнларининг алоҳида йўналишлари бўйича усталар ва тор малакали мутахассисларни ўқитиш тизимини татбиқ қилиш.

4-§. Шаҳарсозлик фаолиятини рақамлаштириш, тармоққа замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш

Шаҳарсозлик фаолиятини рақамлаштириш кўплаб йўналишлар бўйича долзарбдир. Қурилиш бозорининг муваффақиятли иштирокчилари деярли барча бизнес-жараёнларни (кадрларни танлаб олишдан тортиб шартномаларнинг бажарилишини назорат қилишгача) қамраб олувчи рақамли ахборот технологияларини ўз фаолиятига фаол жорий этмоқда. Тўлдирилган реаллик технологиялари, ашёлар интернет, 3D-принтинг, генератив дизайн, машина таълими, бино ва иншоотларни уч ўлчамли тақдим этишга асосланган технологиялар ҳамда инсонларга қарор қабул қилишни осонлаштирувчи бошқа кўплаб технологиялар тобора оммалашиб бормоқда.

Давлатнинг шаҳарсозлик фаолиятини рақамлаштириш соҳасидаги асосий эътибори қуйидаги йўналишларга қаратилган:

шаҳарсозлик тартиб-таомилларини рақамли форматда (электрон шакл ва кўринишда) амалга ошириш;

шаҳарсозлик фаолияти ҳужжатларининг электрон шаклда сақланишини таъминлаш;

шаҳарсозлик фаолияти жараёнлари ҳақида автоматик тарзда тўпланадиган статистик ахборотни йиғиш ва таҳлил қилиш;

қурилиш объектлари ҳаётий даврининг барча босқичларида уларни ахборот моделлаштириш технологиясини жорий этиш.

Баён этилганлар муносабати билан Стратегия доирасида қуйидаги чоратadbирларни амалга ошириш назарда тутилади:

1) қурилиш объектларини тўлақонли мониторинг қилиш, қурилиш ишлари сифатини комплекс равишда назорат қилиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш, қурилиш соҳасидаги харид тартиб-таомилларининг шаффофлиги ва самарадорлиги, қурилиш-пудрат ва лойиҳа ташкилотларининг рейтинг тизимини ривожлантиришни таъминловчи «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимининг жорий этилган электрон платформалари республиканинг барча минтақаларида ишлаш қамровига эришиш;

2) «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимининг электрон платформалари ва «Ўзбекистон Республикаси Давлат шаҳарсозлик кадастри» географик ахборот тизимини (кейинги ўринларда — Геопортал) идоралараро ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари билан интеграция қилиш;

3) Геопортал маълумотлар базаларига ишлаб чиқилган ва тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатларининг (худудларнинг бош режалари ва худудни архитектура-режалаштириш юзасидан ташкиллаштириш) тўлиқ киритилишини таъминлаш;

4) жамоатчилик ва инвесторларнинг қурилиш соҳасидаги норматив ҳужжатлардан очиқ фойдаланишини таъминлаш учун Техник тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар илмий-техник кутубхонаси негизида «Қурилиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар» оммавий электрон маълумотлар базасини яратиш;

5) фуқароларга қуриладиган объектлар тўғрисида мустақил равишда ахборот олиш, ноқонуний қурилишларни аниқлаш, қурилиш объектларида аниқланган қоидабузарликларни қайд этиш (фото ва видеоматериаллар кўринишида) ва уларни қурилиш соҳасидаги назорат бўйича ваколатли органларга юбориш имконини берувчи «Огоҳ фуқаро» тизимини яратиш;

6) интернет-ресурсларга кенг полосали киришни тўлиқ қамраб олиш, замонавий IT-технологиялар билан таъминлаш, замонавий сервер ва компьютер асбоб-ускуналари ва нусха кўчирувчи техника билан жиҳозлаш йўли билан Қурилиш вазирлигининг худудий бўлинмалари ва ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

7) шаҳарсозлик фаолияти субъектлари ва аҳолида «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизими электрон платформалари ва Геопорталдан фойдаланиш кўникмалари ва билимларини ривожлантириш мақсадида уларни ушбу дастурий маҳсулотлардан фойдаланишга ўқитиш;

8) «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизими электрон платформалари ва Геопортал функционалининг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминлаш;

9) «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимининг кичик тизимлари ва электрон маълумотлар базалари функционалини босқичма-босқич кенгайтириш, шунингдек, давлат шаҳарсозлик кадастри объектларининг мавжуд сонини аниқлаштириб борган ҳолда Геопортални тизимли модернизация қилиш ва янгилаш, зарур бўлганда қўшимча кичик тизимлар ва электрон маълумотлар базаларини киритиш;

10) қурилиши тугалланган объектларнинг ижро тасвирларини маълумотлар базасига киритган ҳолда муҳандислик-техник қидирувлар электрон геофондини яратиш ва юритиш;

11) қурилиш соҳасида кўрсатилаётган давлат хизматларини рақамлаштириш ва автоматлаштиришни давом эттириш;

12) жорий этилаётган ахборот тизимлари ва электрон маълумотлар базаларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш.

5-§. Шаҳарсозлик фаолияти соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, илмий салоҳиятни ривожлантириш

Кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш «ақли» шаҳар қурилишининг асосий пойдевори ҳисобланади. Таълим ва илм-фанни ривожлантиришда замонавий ва инновацион услубларни қўллашнинг самарадорлиги халқаро эътироф даражасини, янги истеъдодлар пайдо бўлишининг натижадорлигини ошириш, мутахассисларнинг архитектура ва қурилишга оид дунёқарашини кенгайтириш, шунингдек, рақобатбардош илмий ишланмаларга муаллифлик ҳуқуқларини фаоллаштириш имконини беради.

Баён этилганлар муносабати билан Стратегия доирасида қуйидаги чоратadbирларни амалга ошириш назарда тутилади:

1) минтақаларда жойлашган архитектура-қурилиш йўналишидаги касб-ҳунар таълими муассасаларининг «Электрон таълим» миллий тармоғига уланишини таъминлаш;

2) архитектура-қурилиш коллежлари ва техникумларида коучинглар ва турли махсус кўникмаларни ўзлаштириш бўйича ишларни олиб боришни амалиётга киритиш;

3) истеъдодли ёшларни архитектура ва қурилиш соҳасидаги илмий ва ижодий фаолиятга, шу жумладан, ёш олимлар учун касбий танловларни қўллаб-қувватлаш йўли билан жалб этишни рағбатлантириш тизимини яратиш;

4) мослаштириш марказларини ривожлантириш ҳамда технологиялар ва инновацияларни трансфер қилиш, қурилиш тармоғи иштирокчиларининг билим, кўникма ва технологик ечимларга бўлган эҳтиёжларини мунтазам равишда мониторинг қилиш орқали илм-фан ва реал секторнинг ўзаро самарали алоқаси механизмларини шакллантириш;

5) архитектура ва қурилиш соҳасидаги хорижий олий таълим муассасаларини уларнинг филиалларини очиш, тажриба алмашиш, хорижий архитекторлар ва муҳандисларни маҳаллий таълим муассасаларида ўқитишга жалб қилиш, тармоқ учун талаб энг юқори бўлган мутахассисликлар бўйича битирувчиларга икки томонлама диплом берган ҳолда қўшма таълим дастурларини яратиш йўли билан Ўзбекистон Республикасида таълим фаолиятини амалга оширишга жалб қилиш;

6) меҳнат бозорида талаб юқори бўлган малакали кадрларни тайёрлаш

учун ўқитишнинг замонавий ва инновацион услубларини қўллаш, архитектура-қурилиш коллежлари ва техникумларини замонавий педагогик ва ахборот технологиялари билан қамраб олишни кенгайтириш;

7) ишлаб чиқариш таълимининг малакали усталари ва муҳандис-техник ходимларни жалб қилиш, таълим олувчиларнинг танланган касбга мувофиқ мутахассислигини идентификация қилувчи махсус касбга мувофиқлик сертификатларини бериш асосида қисқа муддатли курслар доирасида мутахассисларни ўқитиш бўйича хизматларни кенгайтириш, шунингдек, Ягона миллий меҳнат тизимида махсус сертификатларни аниқлаб олиш ва мониторинг қилиш тизимини жорий қилиш;

8) экспериментал лойиҳалаштириш ва қурилиш тизимини тиклаш, илмий, илмий-технологик ва инновацион фаолият, шу жумладан, тадқиқот, муҳандислик-ишлаб чиқариш консорциумлари, ривожланишнинг кластер турларини ташкил этишнинг тармоқ шакллари ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш;

9) архитектура-қурилиш коллежлари ва техникумлари ўқитувчиларининг малакасини мунтазам равишда ошириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда энг тажрибали ходимлар орасидан ўқитувчиларни танлаб олишда комплекс ёндашув ва самарадорликни таъминлаш;

10) қурилиш соҳасидаги ривожланиш тенденциялари ва амалга оширилаётган ислохотларни ҳисобга олган ҳамда хорижий олимлар ва мутахассисларни жалб қилган ҳолда янги авлод тармоқ дарсликлари ва ўқув қўлланмалари туркумини тайёрлаш, шунингдек, архитектура ва қурилиш соҳасидаги касб-хунар таълим муассасалари учун илғор хорижий адабиётларнинг ўзбек тилига таржима қилинишини таъминлаш;

11) 2025 йилга бориб архитектура ва қурилиш соҳасидаги олий таълим муассасаларидан бирининг халқаро тан олинган ташкилотлар рейтингларидаги Осиё мамлакатларининг энг яхши олий таълим муассасалари рўйхатига (ТОП-1000) кириши бўйича зарур чораларни кўриш, шунингдек, унинг миллий рейтингдаги позицияларини оширишни таъминлаш;

12) архитектура ва қурилиш соҳасида олиб борилаётган фундаментал, қидирув ҳамда амалий илмий тадқиқотлар ва ишланмалар самарадорлигини ошириш;

13) ўзаро манфаатли халқаро илмий ва илмий-техник ҳамкорликни ривожлантириш, маҳаллий олимлар ва ташкилотларнинг халқаро илмий уюшмалар ва бошқа профессионал бирлашмаларда иштирок этиши;

14) архитектура ва қурилиш соҳасидаги илмий журналлар рейтингини ошириш чораларини кўриш;

15) қонун ҳужжатларидаги янгиликларни ҳисобга олган ҳолда Қурилиш вазирлиги тизими ходимлари учун ўқув дастурларини тизимли асосда яратиш ва янгилаш;

16) қурилиш органлари ва муассасалари ходимлари учун халқаро экспертлар иштирокида хорижий амалиёт, семинарлар, маҳорат дарслари ва ўқув курсларини ташкил этиш бўйича ишларни кучайтириш. Ушбу йўна-

лишда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари ва хорижий донорлар билан ҳамкорликни фаоллаштириш;

17) архитектура ва қурилиш органлари ва муассасалари тизимида HR-менежмент тизимини жорий қилиш, шу асосда кадрларни қўллаб-қувватлаш, бошқариш ва назорат қилишнинг самарали тизимини ишлаб чиққан ҳолда Қурилиш вазирлигининг ижобий имиджини яратиш;

18) малакали кадрларни қурилиш органлари ва муассасалари тизими-га жалб қилишга қаратилган рекрутментнинг янги услубларини (онлайн-рекрутмент, фаол хедхантинг) қўллаш;

19) ходимларни баҳолаш ва рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш:

Қурилиш вазирлиги тизимида KPI тизимини жорий этиш;

ходимларни рағбатлантиришнинг янги услубларини (ходимлар фаолияти самарадорлигининг рейтинг тизими, идоровий рағбатлантириш дастурлари ва бошқалар) жорий этиш;

20) Қурилиш вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш сиёсатини амалга ошириш ва мувофиқлаштириш учун коррупцияга қарши курашиш комплаенс тизимини самарали жорий этиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

21) тармоқни ривожлантириш истиқболларининг моделларини қуриш имконини берувчи аниқ мақсадга йўналтирилган қарорларни қабул қилиш мақсадида асосан автоматик режимда фаолиятнинг ишончли асосий параметрларига мувофиқ тўпланадиган, асосий вазифалари «шаҳарсозлик фаолиятининг ишончли статистикаси»ни қуриш ҳисобланган ахборот-таҳлилий марказини давлат-хусусий шериклик тамойилларида очиш орқали таҳлил ва статистик ҳисобот тизимини ислоҳ қилиш.

4-боб. Стратегияни амалга оширишнинг мақсадли кўрсаткичларини мониторинг қилишни таъминлаш

Қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантириш бўйича қўйилган мақсадларга ўз вақтида эришиш мақсадида Стратегиянинг қуйидаги мақсадли кўрсаткичларини таъминлаш зарур:

2025 йил охирига бориб «Бизнес юритиш» халқаро индексида (Doing Business Index) «қурилишга рухсатномалар олиш» (Dealing with Construction Permits) йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикасининг позициясини жорий 61,7 баллдан 78,2 баллгача яхшилаш;

Ўзбекистон Республикасининг геологик, табиий-иқлим, сейсмологик ва бошқа хусусиятларини инобатга олган ҳолда 2025 йилга бориб миллий шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини камида 50 фоиз даражасида халқаро норматив ва стандартлар билан уйғунлаштиришга эришиш;

2025 йилга бориб шаҳарларнинг барчасини ва шаҳар посёлкаларининг 25 фоизини бош режалар билан қамраб олишга эришиш;

2025 йилга бориб «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизими доира-

сида қўшимча тўртта электрон платформа яратилишини, шунингдек, уларнинг идоралараро ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари билан интеграция қилинишини таъминлаш;

2025 йилга бориб лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишнинг «ҳажм» услубини жорий этиш улушини республикадаги қурилиш объектлари умумий сонининг 50 фоизигача етказиш;

2025 йилга бориб архитектура ва қурилиш соҳасидаги олий таълим муассасаларидан бирининг халқаро тан олинган ташкилотлар рейтингларидаги Осиё мамлакатларининг энг яхши олий таълим муассасалари рўйхатига (ТОП-1000) кириши.

Қурилиш вазирлиги ўз ваколатлари доирасида Стратегияни амалга оширишни тизимли мониторинг қилади, умумий мувофиқлаштиради, қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи муаммоли масалаларни тезкор равишда қўриб чиқади ва ҳал этади.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 27 ноябрдаги
ПФ–6119-сон Фармони
4-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 майдаги «Капитал қурилишда лойиҳа ва қурилиш ишларини амалга ошириш тартибини оптималлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–5445-сон Фармони 1-бандининг иккинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикасининг давлат ривожланиш дастурларига киритилган» сўзлари «бюджет тизими бюджетларидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати кафилиги остидаги қарзлар ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳаларни истисно этган ҳолда» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 августдаги «Тошкент шаҳрида бошқарувнинг алоҳида тартибини жорий этиш бўйича ҳуқуқий эксперимент тўғрисида»ги ПФ–5515-сон Фармонида:

а) 1-банднинг учинчи хатбошисидаги «Қурилиш вазирлиги» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 2-бандда:

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи-олтинчи хатбошилар тегишлича тўртинчи-бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 ноябрдаги «Қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5577-сон Фармонида:

а) 1-банднинг «б» кичик бандида:
бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;
олтинчи — тўққизинчи хатбошилар тегишлича бешинчи — саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 5-банднинг «а» кичик бандида:
тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбоши тегишлича тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5624-сон Фармони 1-бандининг «г» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«г) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига уни давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган этиб белгилаган ҳолда Агентликнинг мазкур соҳадаги ваколатларини ўтказиш. Бунда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизими порталида қурилиш соҳасида электрон давлат харидларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича оператор этиб белгилансин».

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 мартдаги «Ўзбекистон Республикасининг қурилиш соҳасида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–5963-сон Фармони 1-банднинг «г» кичик банди учинчи хатбоҳиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қурилиш соҳасида ўтказиладиган давлат харидларида электрон рейтингларга киритилган ва тегишли мезонлар (иш тажрибаси, молиявий барқарорлиги, штатида маълумотлари «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексига киритилган малакали ходимларнинг мавжудлиги ва бошқа мезонлар) бўйича ижобий кўрсаткичларга эга бўлган лойиҳа-қидирув ва қурилиш пудрат ташкилотларининг иштирок этишига йўл қўйилади».

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралдаги «Лойиҳаолди, лойиҳа, тендер ҳужжатлари ва контрактларни экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК–3550-сон қарорининг 2-илоҳаси қуйидаги мазмундаги 3²-банд билан тўлдирилсин:

«3². Бинолар, иншоотлар ва муҳандислик коммуникацияларини капитал қуриш ва таъмирлаш бўйича товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат харидини амалга ошириш учун тендер (танлов) ҳужжатларини ва техник вазифаларни комплекс экспертизадан ўтказишда товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажмларини ва уларнинг нарх параметрларини баҳолаш қисмида экспертиза ўтказилади».

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК–3953-сон қарорининг иловаси қуйидаги мазмундаги 39-банд билан тўлдирилсин:

«39. Техник тартибга солиш соҳасидаги миллий норматив ҳужжатлар, давлат стандартларини ишлаб чиқиш ва қайта ишлаш, шунингдек, шаҳар-созлик фаолияти соҳасидаги хорижий норматив ҳужжатларни мослаштириш».

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 августдаги «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ер участкаларини бериш ҳамда архитектура-қурилиш ишларини амалга ошириш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4427-сон қарорида:

2-банднинг «а» кичик банди бешинчи хатбошисидан «, архитектура-режалаштириш топшириғи ишлаб чиқилади. Бунда архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш харажатлари ер участкасини электрон онлайн-аукцион орқали сотишдан тушадиган маблағлар ҳисобидан қопланади» сўзлари чиқариб ташлансин;

2-банднинг «а» кичик банди олтинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 февралдаги «Қурилиш-монтаж ишлари сифатини тубдан яхшилаш ва қурилишни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги ПҚ-4586-сон қарорида:

2-банди қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«қонун ҳужжатларида назарда тутилган қурилиш соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомилларига риоя қилинмаган ҳамда аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича камида иккита кўрсатма бажарилмаган тақдирда қурилиш-монтаж ишларини тўхтатиб қўйиш ва демонтаж ишларини амалга ошириш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилиш»;

учинчи — бешинчи хатбошилар тегишлича тўртинчи — олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**522 Жаҳон банкининг Халқаро тараққиёт уюшмаси ва
Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки ишти-
рокида «Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш» лойи-
ҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Қишлоқ аҳоли пунктларининг меъморий қиёфасини тубдан янгилаш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш орқали аҳолининг турмуш маданиятини юксалтириш мақсадида:

1. Қўйидагилар:

2020 йил 17 январда Ўзбекистон Республикаси билан Жаҳон банкининг Халқаро тараққиёт уюшмаси (кейинги ўринларда — Уюшма) билан 100 млн АҚШ доллари миқдорида ҳамда 2020 йил 28 майда Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки (кейинги ўринларда — Банк) билан 82 млн АҚШ доллари миқдорида «Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш» лойиҳаси (кейинги ўринларда — лойиҳа) бўйича 5 йиллик имтиёзли давр билан 30 йил муддатга қарз (кредит) битимлари имзолангани;

лойиҳани амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг улуши 1,6 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағни ташкил этаётганлиги;

лойиҳа Фарғона, Андижон, Наманган, Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишдан нисбатан ортда қолаётган 21 та туманида амалга оширилиши;

лойиҳани амалга ошириш даври 5 йилни (2020 — 2024 йиллар) ташкил этиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки:

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги лойиҳани ўз вақтида амалга ошириш ва мувофиқлаштириш, шунингдек, Уюшма ва Банк кредитларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш бўйича масъул ижро этувчи орган ҳисобланади;

лойиҳани амалга оширишда иштирок этувчи барча ташкилотлар лойиҳа бўйича имзоланган қарз (кредит) битимларида кўрсатилган механизмлар талабларига амал қилади;

лойиҳани амалга ошириш доирасида Уюшма ва Банк кредитларини қайтариш, шунингдек, улар бўйича ҳисобланган фоизлар, хизмат кўрсатганлик учун ҳақ ва бошқа тўловлар билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

3. Қўйидагилар:

«Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш» лойиҳасининг асосий техник-иқтисодий параметрлари 1-иловага** мувофиқ;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 26 ноябрда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

«Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида Халқаро тараққиёт уюшмаси ва Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки кредитларининг асосий қарзини, унга ҳисобланган фоизларни ва бошқа тўловларни қайтариш прогноз жадвали 2 ва 3-иловаларга* мувофиқ;

Жаҳон банкининг Халқаро тараққиёт уюшмаси ва Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки иштирокида «Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида маблағлардан фойдаланиш бўйича «Йўл харитаси» 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Маълумот учун қабул қилинсинки, қонунчиликка мувофиқ халқаро молия институтларининг қарзлари ва ҳукумат ташкилотларининг халқаро қарзлари ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳалар доирасида:

агарда ушбу лойиҳалар халқаро ва хорижий ҳукумат молиявий ташкилотлари томонидан 2020 йил 1 июлга қадар маъқулланган бўлса, юридик шахслар томонидан сотиб олинadиган товарларни (хизматларни) реализация қилишга доир айланмага қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи солинмайди;

мазкур қарз маблағлари ҳисобидан юридик шахслар томонидан божхона ҳудудига олиб кириладиган товарлар божхона божи тўлашдан озод этилади;

ушбу имтиёзлар натижасида иқтисод қилинган маблағлар Ўзбекистон Республикасининг лойиҳани амалга оширишдаги улуши деб ҳисобланади.

5. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А.Ж. Ортиқов) Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Р.Т. Маматов) билан биргаликда лойиҳа доирасида аҳоли орасида ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқишда доимий ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича зарур чораларни кўрсин.

6. Белгилансинки, лойиҳа доирасида:

ҳар бир вилоят бўйича қишлоқлар аниқлангандан сўнг, ҳар бир вилоятнинг тегишли сублойиҳалар бўйича амалга оширилиши режалаштирилган тадбирлари юзасидан белгиланган тартибда лойиҳанинг техник-иқтисодий ҳисоблари ишлаб чиқилади ва экспертиза органларида белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилади;

Фарғона, Андижон, Наманган, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ҳокимликлари ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниялари буюртмачи ҳисобланади;

лойиҳани амалга ошириш гуруҳи билан «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниялари ўртасида ҳамкорлик келишувлари имзоланади.

7. Ички ишлар вазирлиги (П.Р. Бобожонов) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг буюртманомалари бўйича лойиҳани амалга оширишда иштирок этувчи хорижий мутахассисларга кўп марталик визалар расмийлаштирилиши, берилиши ва муддати узайтирили-

* 2 — 4-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

шини, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида вақтинча рўйхатга қўйилиши ва муддати узайтирилишини тез фурсатларда таъминласин.

8. Ҳисоб палатаси (Б.Т. Турабов) лойиҳа доирасидаги маблағларнинг мақсадли ажратилиши ва сарфланиши устидан доимий назорат ўрнатсин ҳамда ҳар ярим йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин.

9. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А.Э. Бурханов) лойиҳа доирасида ажратилган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши жараёнида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш устидан доимий назорат ўрнатсин.

10. Ушбу қарорда белгиланган чора-тадбирларнинг самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

а) Бош вазир ўринбосари Ж. Қўчқоров:

бир ҳафта муддатда масъул ижрочилар иштирокида мажлис ўтказиб, уларнинг аниқ вазифаларини белгилаб берсин;

икки ҳафта муддатда Фарғона, Андижон, Наманган, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда лойиҳа доирасида маблағлардан фойдаланиш бўйича ҳудудлар кесимида «Йўл харита»ларини ишлаб чиқсин ҳамда халқ депутатлари вилоятлар ва туманлар Кенгашларида тасдиқланишини таъминласин;

тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда лойиҳани амалга оширишга масъул бўлган мутахассислар ма-лакасини ошириш учун хорижий консультантларни жалб қилган ҳолда ўқув-тренинглар ташкил қилсин;

молиялаштирилган сублойиҳалар тўғрисида, шунингдек, уларнинг сифатли амалга оширилиши устидан мониторинг натижалари юзасидан ҳар чорак якуни бўйича Вазирлар Маҳкамасига маълумот киритиб борсин;

«Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш гуруҳининг тузилмасини тасдиқласин ва фаолиятини йўлга қўйсин;

тижорат банкида алоҳида ҳисобварақларига эга бўлган лойиҳани амалга ошириш бўйича бош гуруҳни Тошкент шаҳрида, шунингдек, Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари учун Наманган шаҳрида ва Сирдарё ҳамда Жиззах вилоятлари учун Жиззах шаҳрида лойиҳани амалга ошириш бўйича ҳудудлараро гуруҳларни ташкил этсин;

лойиҳани амалга ошириш даврида лойиҳани амалга ошириш гуруҳини молиялаштириш бўйича харажатларни Молия вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқласин.

Бош вазир ўринбосари Ж. Қўчқоровга Жаҳон банкининг ижтимоий ва экологик ҳимоялаш ҳамда қўчириш сиёсати тамойилларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳа компонентларини амалга ошириш ва молиялаштириш жадвалига ҳамда мазкур қарор билан тасдиқланаётган иловаларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин;

б) Фарғона (Х.Х. Бозаров), Андижон (Ш.К. Абдурахманов), Наманган (Ш.Ш. Абдуразаков), Сирдарё (Ғ.Ғ. Мирзаев) ва Жиззах (Э.А. Салиев)

вилоятлари ҳокимликлари лойиҳани тўла-тўқис амалга ошириш учун барча зарур ҳужжатлар сифатли ишлаб чиқилишини ва лойиҳани амалга ошириш гуруҳларига ўз вақтида етказилишини белгиланган тартибда таъминласинлар.

11. Фарғона (Х.Х. Бозаров), Андижон (Ш.К. Абдурахманов), Наманган (Ш.Ш. Абдуразаков), Сирдарё (Ғ.Ғ. Мирзаев) ва Жиззах (Э.А. Салиев) вилоятлари ҳокимликлари қишлоқларни комплекс ривожлантириш учун лойиҳа доирасида молиялаштириладиган объектлардан ташқари амалга ошириладиган тадбирларни батафсил режалаштириш лойиҳалари асосида маҳаллий бюджет ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобига амалга оширсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.Ж. Раматов ва Ж.А. Қўчқоров белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А. Гулямов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2021 йил 1 июнь ва 2021 йил 15 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 25 ноябрь,
ПҚ-4898-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**523 Биотехнологияларни ривожлантириш ва мамлакат-
нинг биологик хавфсизлигини таъминлаш тизими-
ни такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғри-
сида***

Биотехнологияларни ривожлантириш ва мамлакатнинг биологик хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини белгилаш, ушбу соҳаларда фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграциясини таъминлаш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани илғор биотехнологиялар асосида ривожлантириш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида:

1. Қўйидагилар:

2020 — 2024 йилларда биотехнологияларни ривожлантириш ва мамлакатнинг биологик хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури 1-иловага** мувофиқ;

Биотехнологиялар соҳасида 2020 — 2024 йилларда бажариладиган устувор илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш дастури 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Ю. Абдурахмонов) Фанлар академияси (Б.С. Юлдашев), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.У. Маджидов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.М. Хаджибаев) ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда 2021 — 2024 йилларда биотехнологиялар соҳасида илмий-тадқиқот ва инновация ишларини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичларини Фан ва технологиялар бўйича республика кенгаши томонидан тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Биологик хавфсизлик кенгаши (кейинги ўринларда — Кенгаш) ташкил этилсин ва қўйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

мамлакатнинг биологик хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини ташкил қилиш;

хавфли биологик омиллар таъсиридан аҳолини ҳимоя қилиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, биологик хавф-хатарларнинг олдини олиш, биологик хавфларни мониторинг қилиш тизимини яратиш ва ривожлантиришга қаратилган тавсиялар ва таклифларни тайёрлаш, эксперт баҳолаш ҳамда кўриб чиқиш;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 26 ноябрда эълон қилинган.

** 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

мамлакатнинг биологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тадбирларни амалда рўёбга чиқариш бўйича таъсирчан чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

вазирлик, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, фуқаролик жамияти институтларининг мамлакат биологик хавфсизлигини таъминлаш бўйича мақсадли вазифаларни бажаришдаги ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

Бактериологик (биологик) ва токсик қурол-яроғларни ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва тўплашни ман этиш ҳамда уларни тугатиш тўғрисидаги Конвенция қоидаларининг амалга оширилишини таъминлаш;

муҳим давлат аҳамиятига эга бўлган ҳамда мамлакатнинг биологик хавфсизлигини таъминлаш бўйича чоралар кўриш давомида юзага келадиган долзарб масалалар ҳамда муаммоларни, шу жумладан, омма ўртасида муҳокама қилиш.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Кенгаш Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги маслаҳат органи ҳисобланади ва мамлакатнинг биологик хавфсизлиги соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқишда давлат органлари, илмий, нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилади;

Кенгаш ўз фаолиятини мажлислар шаклида юритади. Кенгаш мажлислари заруратга кўра, лекин ҳар ярим йилда камида бир марта ўтказилади.

5. Қўйидагилар:

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Биологик хавфсизлик кенгашининг таркиби 3-иловага* мувофиқ;

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Биологик хавфсизлик кенгаши тўғрисидаги низом 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

6. Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институтининг (кейинги ўринларда — Институт) республикада фармацевтика биотехнологиялари ва вакцина-зардоб ишини ривожлантириш, маҳаллий иммунобиологик препаратларни яратишга йўналтирилган фаолияти қўллаб-қувватлансин ва унинг ушбу йўналишдаги асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгилансин:

иммунобиологик препаратлар (вакциналар, зардоблар, тест-диагностикумлар ва бошқалар) бўйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни амалга ошириш ҳамда уларни амалиётга жорий этиш;

мамлакатнинг биологик хавфсизлиги тизимини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни илмий-техник ва услубий жиҳатдан таъминлаш;

вакцина-зардоб иши бўйича инфекция касалликларига қарши профилактика, диагностика, дори воситалари ва препаратларини яратиш, уларнинг ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш;

илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида биотехнология, иммунология ва микробиология соҳасидаги илмий лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этиш.

* 3-4-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

7. Қўйидагилар:

Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институтининг фаолиятини такомиллаштириш дастури 5-иловага* мувофиқ;

Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институтининг тузилмаси 6-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

8. Институт фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида:

а) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.М. Хаджибаев):

икки ой муддатда Институтнинг илмий-тадқиқот ишлари дастури ва 2025 йилгача мақсадли кўрсаткичларни Фан ва технологиялар бўйича республика кенгаши томонидан тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Инновацион ривожланиш вазирлиги (Ш.У. Турдикулова), Фанлар академияси (Б.С. Юлдашев) билан биргаликда Институтни 2021 йил 1 апрелга қадар юқори малакали илмий ходим ва мутахассислар билан тўлдириш чораларини кўрсин;

Институт фаолиятини йўлга қўйиш самарадорлиги юзасидан 2021 йил 1 июль ва 2022 йил 1 январда Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин;

б) Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) (С.Х. Кариев) Институтни замонавий лаборатория ускуналари ва жиҳозлари, оргтехника, компьютер ҳамда бошқа моддий-техник воситалар билан таъминлаш чораларини кўрсин;

в) Давлат активларини бошқариш агентлиги (С.Х. Бекенов), Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.А. Артикходжаев), Агентлик (С.Х. Кариев), Фанлар академияси (Б.С. Юлдашев) ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлиги (Ш.У. Турдикулова) икки ой муддатда Институтни бино ва иншоотлар билан таъминлаш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

г) Вазирлар Маҳкамаси (Б.А. Мусаев, О.М. Умаров) Институт фаолиятининг самарали йўлга қўйилишини мувофиқлаштирсин.

9. Белгилансинки:

2021 йил 1 январдан бошлаб Институт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш, бино ва иншоотларини сақлаш бўйича харажатларни молиялаштириш, шунингдек, жорий харажатларини қоплаш Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

Институт ходимларига Фанлар академияси илмий-тадқиқот муассасаларининг тегишли лавозимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари қўлланилади;

Агентлик ишлаб чиқариш заруриятдан келиб чиқиб, Фармацевтика тармоғини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига ёки аутсорсинг ҳамда давлат-хусусий шериклик механизмларини қўллаш орқали Институтнинг тажриба-ишлаб чиқариш бўлинмаларини (штат бирликларини) тўлдириш ҳуқуқига эга.

10. Агентлик, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг «Tashkent Pharma Park» инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластери ҳудудида:

* 5-6-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

«Вакциналар ишлаб чиқариш майдончасини ишга тушириш» лойиҳасини (кейинги ўринларда — лойиҳа) амалга ошириш;

Институт ҳузурида хавфсизлик даражаси бўйича «BSL-3» халқаро стандартига мос келувчи тажриба-синов лабораториясини (кейинги ўринларда — «BSL-3» лабораторияси) ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки:

Агентлик лойиҳа самарали амалга оширилиши ҳамда «BSL-3» лабораторияси ташкил этилиши учун масъул бўлган ижро этувчи орган ҳисобланади;

лойиҳани амалга ошириш ва «BSL-3» лабораториясини ташкил этишни умумий мувофиқлаштириш Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Агентлик (С.Х. Кариев) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш.А. Вафаев) билан биргаликда икки ой муддатда лойиҳани амалга ошириш ва «BSL-3» лабораториясини ташкил этиш концепцияси ва техник-иктисодий асослари етакчи лойиҳа институтлари ва инжиниринг компанияларини жалб қилган ҳолда ишлаб чиқилишини, шунингдек, уларни молиялаштириш манбаларининг аниқлаштирилишини таъминласин.

11. Институт фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар;

Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида ўтказиладиган танловлар натижаларига кўра ажратиладиган маблағлар;

Институт фаолиятига мос йўналишлар бўйича хўжалик шартномаларини бажариш асосида олинган маблағлар;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари;

конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

12. Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Фанлар академиясининг:

Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илғор технологиялар марказида (кейинги ўринларда — Илғор технологиялар маркази) Копенгаген университети (Дания) билан ҳамкорликда замонавий фудомикс лабораториясини, «хўжайра технологиялари» илмий лабораториясини ҳамда биотехнология, биология, биотиббиёт, кимё соҳаларида яратиладиган катта ҳажмли маълумотларни таҳлил қилиш бўйича «Big Data» миллий лабораториясини;

Фанлар академиясининг Микробиология институтида «фитовирусология» илмий лабораториясини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Ушбу биотехнологик лабораторияларни ташкил этишни молиялаштириш манбалари этиб Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари, илмий фаолиятга оид давлат дастурларига ажратилган маблағлар, халқаро молия институтлари, ташқи

лотлари ва донор-мамлакатларнинг кредит ва грантлари, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин.

Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Ю. Абдурахмонов) 2021 йил якунига қадар ушбу биотехнологик лабораторияларнинг ишга туширилишини таъминласин.

13. Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Ю. Абдурахмонов) 2021-2022 йилларда илмий фаолиятга оид давлат дастурларига ажратилган маблағлар ҳисобидан қуйидагиларни молиялаштириш учун Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига 20 миллиард сўмгача маблағлар ажратсин:

биотехнологиялар соҳасида «стартап» лойиҳаларини амалга ошириш;

50 фоизгача биргаликда молиялаштириш шарти билан тажриба-саноат биотехнологик ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ва ривожлантириш;

биотехнологияларни ривожлантириш учун илмий ва лаборатория ускуналарини харид қилиш;

соҳага замонавий технология, инновацион ғоя ва ишланмаларни жорий қилиш;

ёш мутахассисларни хорижда илмий стажировкадан ўтказиш, хорижий мутахассис ва маслаҳатчиларни жалб қилиш.

14. 2020 йил 1 декабрдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

а) Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан:

биотехнологиялар соҳасида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун жалб қилинадиган тижорат банкларининг кредитлари бўйича кредит суммасининг 50 фоизигача (50 фоизи ҳам киради) миқдорда, бироқ 8 миллиард сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда кафиллик берилади;

кредит суммаси 10 миллиард сўмдан ортиқ бўлмаган биотехнологиялар соҳасида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун жалб қилинадиган тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун қуйидаги миқдорларда компенсация берилади:

миллий валютадаги кредитлар бўйича — Марказий банк асосий ставкасининг 1,5 бараваридан ортиқ, бироқ 5 фоизли пунктдан ошмаган миқдорда;

хорижий валютадаги кредитлар бўйича — тижорат банклари томонидан белгиланган ставканинг 30 фоизи, бироқ 4 фоизли пунктдан ошмаган миқдорда;

б) биотехнологиялар соҳасида илмий тадқиқотлар ва инновацион фаолиятни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасига 3 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган тўғридан-тўғри инвестиция киритган хорижий илмий ташкилотларга Давлат бюджетидан илмий фаолиятга оид давлат дастурлари учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан илмий тадқиқотларни амалга ошириш учун 10 миллиард сўмгача мақсадли грантлар тақдим этилади.

Бунда:

илмий фаолиятга оид давлат дастурлари учун мақсадли грантлар кiritилган инвестиция маблағлари тўлиқ ўзлаштирилганидан сўнг тақдим этилади;

Давлат бюджети маблағлари ҳисобига илмий фаолият субъектлари томонидан олинган интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқ давлатнинг илмий ва олий таълим, шунингдек, бошқа давлат муассасалари номидан, агар интеллектуал мулк объектлари муаллифлари билан тузилган шартномаларда бошқача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, давлатга тегишли бўлади.

15. Шундай амалиёт жорий этилсинки, унга кўра:

Илғор технологиялар маркази ҳар йили 1 декабрга қадар Тариф ва нотариф тартибга солиш кенгашига биотехнологик маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун хўжалик юритувчи субъектлар томонидан олиб килинган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган хом ашё, реактивлар, бутловчи қисмлар, деталлар, узеллар, технологик ҳужжатлар, дастурий таъминотлар учун ундирилдиган божхона божларини камайтириш бўйича асослантирилган таклифлар киритиб боради;

Тариф ва нотариф тартибга солиш кенгаши (С.У. Умурзаков) тақдим этилган таклифларга асосан божхона божларини камайтириш масалаларини кўриб чиқиб, белгиланган тартибда тегишли қарор қабул қилади.

16. Ўзбекистон Республикаси Биологик хилма-хиллик ҳақидаги Конвенциянинг биохавфсизлик бўйича Картахен протоколига (Монреаль, 2000 йил 29 январь) қўшилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Картахен протоколи қоидаларини амалга ошириш мақсадида Инновацион ривожланиш вазирлиги (Ш.У. Турдикулова) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда таркибида генетик модификацияланган организмлар, пестицидлар, озиқ-овқат қўшимчалари ва бўёқлар мавжуд бўлган қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини маркировкалашни босқичма-босқич жорий этиш бўйича, шу жумладан, қуйидагиларни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг ҳудудларда жойлашган лабораторияларини аккредитациядан ўтказиш;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги илмий ташкилотлар, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси қошидаги «Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази» ДУКда ўз маблағлари ҳисобидан озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек, ўсимликшунослик учун хом ашё, омўхта ва экиш материаллари таркибида генетик модификацияланган организмларнинг мавжудлигини аниқлаш учун лабораторияларни (реал эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда) ташкил этиш.

17. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А. Ходжаев) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича халқаро конвенция ва бош-

қа тегишли халқаро стандартларга мувофиқ рухсат берилган пестицидлар, заҳарли кимёвий моддалар рўйхатини ва минерал ўғитлардан фойдаланиш нормаларини қайта кўриб чиқсин ва тасдиқласин;

биотехнологик маҳсулотлар истеъмоли ҳажмини ошириш, қишлоқ хўжалигида кимёвий ўғитлар, пестицидлар ва бошқа заҳарли кимёвий моддалардан фойдаланишдан биопрепаратларга босқичма-босқич ўтиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Белгилаб қўйилсинки, 2021 йил 1 мартдан бошлаб пестицидлар, гербицидлар ва бошқа заҳарли кимёвий моддаларни ишлаб чиқарадиган ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирадиган хўжалик юритувчи субъектлар ушбу моддаларнинг стандарт намуналари белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида ўсимлик зараркундалари, касалликлари ва бегона ўтларга қарши фойдаланиш учун рухсат этилган кимёвий ва биологик ҳимоя воситалари, дефолиантлар ҳамда ўсимликлар ўсишини бошқарувчи воситалар рўйхатига киритилишини ва ушбу стандарт намуналари билан бирга сотилишини таъминлайди.

18. Кенгаш (А.Н. Арипов) бир ой муддатда қўйидагиларни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасининг ишлаб чиқиши ва Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин:

биологик хавфларни мониторинг қилиш бўйича мустақил тизимни яратиш;

биологик хавфсизликни таъминлашнинг миллий тизими доирасида автоматлаштирилган ахборот-таҳлилий ва прогноз-моделлаштириш комплексини яратиш;

объектлар, ҳудудлар ва табиий ҳодисаларнинг биологик хавф-хатар даражасини аниқлаш ва тоифалаш бўйича ягона мезонлар ва услубий базани ишлаб чиқиш.

19. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.М. Хаджибаев) масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2021 йил 1 мартга қадар ушбу қарор қоидаларини инобатга олиб, қўйидаги ҳуқуқий механизмларни назарда тутган ҳолда «Ўзбекистон Республикаси биологик хавфсизлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг ишлаб чиқиши яқунига етказсин:

ген-муҳандислик фаолияти хавфсизлигини таъминлаш, шу жумладан, генетик модификацияланган организмлар хавфини баҳолашнинг миллий тизимини яратиш ва унинг фаолият юритиши;

вужудга келган биологик хавф-хатарлар билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга қаратилган мақсадли ишланмаларни тезкор молиялаштириш.

20. Кенгаш (А.Н. Арипов) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В. Махмудов билан биргаликда бир ҳафта муддатда ушбу қарорда белгиланган вазифалар ва тадбирларнинг самарали ижросини таъминлаш юзасидан 2021 йил учун чора-тадбирлар режасини тасдиқласин ва ижросини ташкил этсин, келгусида ҳар йилнинг 1 декабрига қадар кейинги йил учун худди шундай чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, амалга оширилишини таъминласин.

21. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.А. Ходжаев) Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.К. Кучимов) ва Миллий телерадиокомпанияси (А.Д. Хаджаев) билан биргаликда оммавий ахборот воситаларида ушбу қарор моҳияти ва аҳамияти бўйича чиқишлар ва тематик телекўрсатувлар ташкил этсин.

22. Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Ю. Абдурахмонов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.К. Юсупалиев) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

23. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга шахсий жавобгар этиб инновацион ривожланиш вазири И.Ю. Абдурахмонов ва соғлиқни сақлаш вазири А.М. Хаджибаев белгилансин.

Мазкур қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар чорак якуни бўйича ахборот бериб борилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 25 ноябрь,
ПҚ-4899-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**524 Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш, уларнинг уруғчилигини йўлга қўйишни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида***

Республика ҳудудларида доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлашга доир илмий тадқиқотларнинг ягона базасини яратиш, хорижий давлатларнинг илғор илмий ишланмаларини ўрганиб бориш, етакчи илмий муассасалар билан ҳамкорлик ўрнатиш ҳамда замонавий технологиялар, илмий ишланмаларни республикага жорий этиш ва мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишни кучайтириш мақсадида:

1. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Фанлар академиясининг «Шифобахш» доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш маркази негизда Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ҳузурида давлат муассасаси шаклидаги Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш илмий-ишлаб чиқариш маркази (кейинги ўринларда — Марказ)ни ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Марказнинг асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгилансин:

доривор ўсимликларни илмий асосда етиштириш ва қайта ишлаш, улардан оқилона фойдаланишнинг ягона стратегиясини шакллантириш ва амалга ошириш;

республика ҳудудидаги ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликлар ареалларини ўрганиш ва захираларини аниқлаш, мавжуд биоресурслар генофондини сақлаш, оналик плантацияларини ташкил этиш;

уруғлик материалларини етиштириш ва тайёрлаш, кўпайтириш, коллекцион кўчатхоналар ташкил этиш ҳамда уларнинг хом ашёларини қайта ишлаш билан боғлиқ илмий ва амалий тадқиқотларни олиб бориш;

доривор ўсимликларни муайян тупроқ-иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда маданий ҳолда етиштиришни йўлга қўйиш бўйича аниқ илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш;

тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олиб, маданий ҳолда етиштириладиган доривор ўсимликларнинг агротехнологик хариталарини Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси буюртмасига кўра ишлаб чиқиш;

доривор ўсимликлар кимёвий таркибини ўрганиш, маҳсулотини стандартлаш ва сертификатлаш;

доривор ўсимликларга бўлган ички ва ташқи бозорлар талабини ўрганиш бўйича маркетинг тадқиқотларини ўтказиш;

доривор ўсимликлар етиштирувчи ва қайта ишловчи фермер хўжалик-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 27 ноябрда эълон қилинган.

лари, ташкилотлар ва бошқа субъектлар раҳбарлари ва мутахассисларининг малакасини ошириб боришга йўналтирилган дастурларни тайёрлаш ва ўқитиш тизимини ташкил этиш.

3. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Инновацион ривожланиш вазирлиги Марказнинг ўрмон фонди ерларида намунавий плантациялар, лабораториялар барпо этиш, илмий ишланмаларни ишлаб чиқаришга татбиқ қилиш мақсадида хусусий секторни жалб этган ҳолда доривор ўсимликларни етиштириш ва илмий-ишлаб чиқариш кластерларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин. Бунда:

доривор ўсимликларни етиштириш, илмий-ишлаб чиқариш кластерлари фаолияти банк кредитлари, ташаббускорлар маблағлари, халқаро молия институтлари маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

доривор ўсимликларни кластер ва кооперация усулида етиштириш бўйича халқаро молия институтларининг маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган аниқ лойиҳалар Марказ томонидан тижорат банкларига тақдим этилади.

4. Белгилансинки:

Марказга ташқи ва ички бозор талаблари ҳамда маркетинг натижаларидан келиб чиқиб, ҳар йили 1 июнга қадар доривор ўсимликлар экинларини жойлаштириш бўйича Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ва Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасига таклифлар киритиш ҳуқуқи берилади;

доривор ўсимликларни тўплаш (ғамлаш), уларни олиб кириш ва ташқарига олиб чиқишга рухсатномалар берганлик, аризаларни кўриб чиққанлик учун ундирилиб, маҳаллий бюджетга йўналтириладиган тўловларнинг 20 фоизи Марказ томонидан табиий ҳолда ўсувчи, шу жумладан, йўқолиб бораётган доривор ўсимликларни сақлаш, хатловдан ўтказиш, уларнинг маданий плантацияларини яратиш, оналик кўчатзорларини ташкил этиш, доривор ўсимликларни етиштиришга доир технологик хариталар ишлаб чиқиш харажатларини қоплаш учун йўналтирилади;

Марказ амалга оширилган чора-тадбирлар, эришилган ютуқлар, амалиётдаги муаммолар ва уларнинг ечими бўйича таклифларни ҳар чоракда тааллуқлилигига қараб Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлигига тақдим этиб боради.

5. Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш илмий-ишлаб чиқариш марказига 1-иловага* мувофиқ рўйхатдаги муассасалар услубий ва амалий ёрдам бериш учун бириктирилсин.

Бунда, ҳар бир муассаса табиий ҳолда ўсувчи, шу жумладан, йўқолиб бораётган доривор ўсимликларни сақлаш, хатловдан ўтказиш, уларнинг маданий плантацияларини яратиш, оналик майдонлари ва кўчатзорларини ташкил этиш, доривор ўсимликларни етиштиришга доир технологик хариталар ишлаб чиқиш бўйича илмий асосланган таклифлар ва ишланмалар ишлаб чиқиш учун мутахассисларни бириктиради.

6. Марказ Фанлар академияси (Б.С. Юлдашев), Инновацион ривожла-

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ниш вазирлиги (И.Ю. Абдурахманов), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А. Ходжаев) билан биргаликда:

илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари томонидан амалга оширилган доривор ўсимликларга доир илмий тадқиқотлар, янги инновацион ишланмалар бўйича маълумотлар базасини шакллантирсин, шунингдек, уларнинг тизимли равишда янгилаб борилишини таъминласин;

тиббиётда ва халқ табobatiда фаол қўлланиладиган доривор ўсимликлар коллекцияси участкаси ва генбанкни ташкил этсин;

Марказ ҳузурида доривор ўсимликлар хом ашёси ва улардан олинadиган маҳсулотларни сертификатлаш ва стандартлаштириш лабораториясини ташкил этсин. Бунда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Марказнинг аниқ ҳисоб-китобларига асосан Жаҳон банкининг «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш» лойиҳаси доирасида жалб этилган кредит маблағларидан мазкур лабораторияни ташкил этишга йўналтириш чораларини кўрсин.

7. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси (Н.Ж. Бакиров), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А. Ходжаев):

доривор ўсимликлар соҳаси бўйича ривожланган давлатларга мутахассисларни ўқитиш учун хорижий стажировкалар ташкил этиш;

доривор ўсимликларни етиштириш ва улардан дори воситаларини ишлаб чиқаришни ташкил этишга оид илмий тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш учун халқаро молия институтларининг грантларини жалб этиш;

Фанлар академияси (Б.С. Юлдашев) билан биргаликда доривор ва зиравор ўсимликларни етиштириш, қайта ишлаш масалаларига бағишланган халқаро ва республика бўйича конференция ҳамда симпозиумларнинг доимий равишда ўтказиб борилишини таъминласин;

«Ўзстандарт» агентлиги (Д.Н. Саттаров) билан биргаликда Марказ ҳузурида доривор ўсимликлар хом ашёси ва улардан олинadиган маҳсулотларни сертификатлаш ва стандартлаштириш лабораториясини ташкил этиш, уни белгиланган тартибда жаҳон стандартларига жавоб берадиган аккредитациядан ўтказиш чораларини кўрсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда ҳар йили 1 декабрга қадар келгуси йилда доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиб, тасдиқланишини таъминласин.

8. Қуйидагиларнинг:

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Инновацион ривожланиш вазирлигининг Нукус, Хўжайли, Қорақўл, Бахмал, Зомин, Китоб, Узун, Бойсун, Бурчмулла, Оҳангарон давлат ўрмон хўжаликларини доривор ўсимликларни етиштиришга, Қуйи Чирчиқ ихтисослашган давлат ўрмон хўжалигини доривор ўсимликлар уруғ ва кўчатларини тайёрлашга ихтисослаштириш;

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Жиззах, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари ҳокимликларининг тегишинча Ғаллаорол, Когон ҳамда Ургут ихтисослашган давлат ўрмон хўжаликларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

9. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ҳузуридаги «Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш илмий ишлаб чиқариш маркази» давлат муассасаси тузилмаси 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки:

Марказнинг бюджетдан молиялаштириладиган 28 нафар бошқарув ходимларининг штат бирликлари Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимидаги мавжуд штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобига шакллантирилади. Бунда Молия вазирлиги 2021 йилдан бошлаб Марказ таъминоти харажатларини молиялаштиришни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида кўзда тутсин;

Марказ Давлат бюджети, Ўрмон хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, хизмат кўрсатиш ва ўзи етиштирган доривор ўсимликларни сотишдан тушадиган ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

Марказда республикада илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи ходимларнинг лавозим маошига қўшимча ҳақ тўлаш тизими жорий этилади. Бунда қўшимча ҳақ белгиланиши билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш Ўрмон хўжалигини ривожлантириш жамғармаси ҳамда хўжалик фаолиятдан тушадиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

10. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.Ў. Маджидов) Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси (Н.Ж. Бакиров), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А. Ходжаев) билан биргаликда 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб:

республика олий таълим муассасалари биология йўналишларининг 3 ва 4-курслари таҳсил олаётган иқтидорли талабалар таркибидан алоҳида гуруҳларда чуқурлаштирилган ўқитиш амалиётини йўлга қўйсин;

кадрларга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, барча қишлоқ хўжалигига ихтисослашган коллеж ва техникумларда мутахассисликлар классификациясини инобатга олган ҳолда «Доривор ўсимликлар етиштириш агротехнологияси» йўналиши бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйсин.

11. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси (Н.Ж. Бакиров) икки ой муддатда:

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ҳузуридаги Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш илмий-ишлаб чиқариш маркази тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш илмий-ишлаб чиқариш марказининг илмий салоҳиятини ошириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

12. Марказ Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Дархон қўрғони, Чимкент йўли кўчаси, 2-уйда жойлашган Ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежининг фойдаланилмасдан турган биносига жойлаштирилсин.

13. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси (Н.Ж. Бакиров) манфаатдор ва-

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

зирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ш.М. Ганиев белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А. Гулямов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2021 йил 1 июнь ва 2021 йил 15 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 26 ноябрь,
ПҚ-4901-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

525 Андижон вилояти Хонобод шаҳрида «Life Khonobod» инвестиция ва туристик лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Андижон вилоятининг Хонобод шаҳрида замонавий технология асосида маъданли ичимлик суви ишлаб чиқариш, экспорт географиясини кенгайтириш ва тармоққа инвестицияларни кенг жалб этиш ҳамда замонавий дам олиш мажмуасини ташкил этиш мақсадида:

1. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ва Андижон вилояти ҳокимлигининг «Water life mineral» масъулияти чекланган жамиятига (кейинги ўринларда — инвестор) қуйидагиларни назарда тутувчи лойиҳани (кейинги ўринларда — лойиҳа) амалга ошириш учун Андижон вилояти, Хонобод шаҳри, «Янги ҳаёт» маҳал-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 26 ноябрда эълон қилинган.

ла фуқаролар йиғини, «Хонобод» даҳаси ҳудудидаги захирадаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ҳисобидан инвесторнинг асосланган талабига мувофиқ босқичма-босқич 10 гектаргача бўлган ер участкасини доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

I босқичда — «Life Khonobod» бренди остида маъданли сув ишлаб чиқариш, аҳоли ва туристлар учун ичимликлар галереяси (бювет), эсдалик буюмлари (сувенир) дўкони ва ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлар намойиш этиладиган шоурумларни;

II босқичда — замонавий дам олиш маскани (меҳмонхона мажмуаси) ташкил этишни.

2. Белгилансинки, лойиҳани амалга ошириш доирасида инвестор қўйидаги мажбуриятларни бажаришни ўз зиммасига олади:

I босқичда (2020-2021 йиллар) — ўз маблағлари ва хорижий кредитларни жалб қилиш ҳисобига 14,3 млн евро миқдорида инвестиция киритиш ва камида 200 та янги иш ўрнини яратиш;

II босқичда (2022-2023 йиллар) — ўз маблағлари ва банк кредитини жалб қилиш орқали 20,0 млрд сўм инвестиция киритиш ҳисобига замонавий 150 ўринли дам олиш маскани (меҳмонхона мажмуаси)ни қуриш ва камида 30 та янги иш ўрнини яратиш.

3. Андижон вилоят ҳокимлиги (Ш.К. Абдурахманов):

Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги (Х.С. Турахужаев) билан биргаликда лойиҳани амалга ошириш учун зарур ер участкаси қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари ўрнини лойиҳани ишга тушириш муддатига қадар қоплаш шарти билан инвесторга ажратиб берилишини;

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Л.Ш. Қудратов), Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (А.Ў. Аккулов) билан биргаликда бир ой муддатда мазкур қарорнинг 2-бандида белгиланган шартлар асосида инвестор билан тўрт томонлама инвестиция шартномаси тузилишини ҳамда инвестор томонидан қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилиши юзасидан мониторинг юритилишини таъминласин.

Бунда, инвестор томонидан инвестиция лойиҳалари, шунингдек, белгиланган ижтимоий мажбуриятлар лозим даражада бажарилмаган тақдирда, ер участкасига бўлган ҳуқуқни бекор қилиб, ушбу ер майдонида аввал белгиланган инвестиция ва ижтимоий мажбуриятлар параметрларидан кам бўлмаган янги инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун ажратиб берилишини таъминласин.

4. Қурилиш вазирлиги (Б.И. Закиров):

Андижон вилояти ҳокимлиги (Ш.К. Абдурахманов) билан биргаликда лойиҳа амалга оширилиши муносабати билан Хонобод шаҳри бош режасига тегишли ўзгартириш киритилишини таъминласин;

лойиҳани амалга ошириш доирасида бажариладиган қурилиш-монтаж ишлари шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилган ҳолда амалга оширилиши юзасидан назорат ўрнатсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг туризм ва спорт масалалари бўйича ўринбосари — Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси А.А. Абдуҳақимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 26 ноябрь,
ПҚ-4902-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ГЕОЛОГИЯ ВА МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ҚЎМИТАСИНING ҚАРОРИ

526 Ер ости бойликларини геологик ўрганиш бўйича ишлар натижалари юзасидан ҳисоботларнинг мазмуни ва тузилишига бўлган умумий талаблар тўғрисидаги йўриқномани ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
24 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 518-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ-5505-сон «Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 апрелдаги 315-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси раиси томонидан 1998 йил 26 сентябрда тасдиқланган Ер ости бойликларини геологик ўрганиш бўйича ишлар натижалари юзасидан ҳисоботларнинг мазмуни ва тузилишига бўлган умумий талаблар тўғрисидаги йўриқнома (рўйхат рақами 518, 1998 йил 3 ноябрь) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат геология ва минерал
ресурслар қўмитасининг раиси**

Б. ИСЛОМОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 12 ноябрь,
11-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 24 ноябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

527 «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловларни тўлашни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
24 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2657-4*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ-5505-сон «Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони ва 2019 йил 15 февралдаги ПҚ-4193-сон «Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини янада комплекс ривожлантириш чоралари ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 12 ноябрь,
50-сон

Келишилди:

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

2020 йил 20 октябрь

**Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини ривожлантириш
вазири**

Ш. САДИКОВ

2020 йил 10 ноябрь

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 24 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2020 йил 12 ноябрдаги
50-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий норматив-
ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2015 йил 30 январдаги 6-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловларни тўлашни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2657, 2015 йил 5 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 9-сон, 105-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2015 йил 28 июлдаги 72-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловларни тўлашни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2657-1, 2015 йил 30 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 30-сон, 408-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 7 мартдаги 24-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловларни тўлашни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2657-2, 2017 йил 4 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 14-сон, 238-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 12 июлдаги 100-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловларни тўлашни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2657-3, 2017 йил 11 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 32-сон, 827-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**528 «Патент вакиллари қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
26 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3209-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 8 сентябрдаги 544-сон «Юридик соҳага оид билим талаб этиладиган мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг замонавий тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 30 декабрдаги 565-мҳ-сон «Патент вакиллари қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3209, 2019 йил 30 декабрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.12.2019 й., 10/20/3209/0022-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 26 ноябрь,
256-мҳ-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 26 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги
маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2020 йил 12 ноябрдаги 11-сон «Ер ости бойликларини геологик ўрганиш бўйича ишлар натижалари юзасидан ҳисоботларнинг мазмуни ва тузилишига бўлган умумий талаблар тўғрисидаги йўриқномани ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2020 йил 24 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 518-1.

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2020 йил 12 ноябрдаги 50-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловларни тўлашни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2020 йил 24 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2657-4.

3. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2020 йил 26 ноябрдаги 256-мх-сон «Патент вакилларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2020 йил 26 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3209-1.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси раиси томонидан тасдиқланган Ер ости бойликларини геологик ўрганиш бўйича ишлар натижалари юзасидан ҳисоботларнинг мазмуни ва тузилишига бўлган умумий талаблар тўғрисидаги йўриқнома (рўйхат рақами 518, 1998 йил 3 ноябрь).

2020 йил 24 ноябрда давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг «Ўзбекистон Республи-

каси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловларни тўлашни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2657, 2015 йил 5 март), шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2657-1, 2015 йил 30 июль), (рўйхат рақами 2657-2, 2017 йил 4 апрель), (рўйхат рақами 2657-3, 2017 йил 11 август).

2020 йил 24 ноябрда давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг «Патент вакилларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3209, 2019 йил 30 декабрь).

2020 йил 26 ноябрда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.